


ОНУР КОПЛОН

# Хайрлиси




"Жар  
ёқасидан  
қайтаётиб  
дуч келдим  
Унга..."

МЎВАН

# Bismillah

Онур Қоплон

# Хайрлиси



“Жар ёқасидан қайтаётиб  
дуч келдим Унга...”

Мутолаа бошланган сана 23.11.22.


Мутолаа тугаган сана 20.12.22.





Хаёлларимдан сузиб чиққан кеманинг  
саёҳатига бориб тақалади менинг ҳикоям.

Тош-тупроғини кўзимга суртган,  
деворларига келажакимни ўйиб ёзган ва  
остонасини ошёним деб билган сафардан  
бошланади...



## Муаллифдан

Мерсинда бошланган ҳаёт саргузаштим қай деворга бориб урилиши номаълум олис сафар бўлди мен учун.


Иқтисодиёт йўналишида ўқиш мақсадида Украинага бордим. Олий таълимга талабгорлар қадам ташлайдиган бу йўлда фонийлик уфуриб турган жамики нарсалар руҳимни изтиробга сола бошлади. Ниҳоят, дунё иси анқиб турган руҳимни ҳам олиб туғилган масканим – Мерсинга қайтдим. Эндиликда мен учун дунёдаги жаннат боғларидан бирига айланган оиламда аёлимга ёр, шириндан-шакар фарзандимга отаман.

Аллоҳ мени ҳаромлардан қочаётган инсонларга рўбарў қилди. Мен ёмонлик деб ўйлаган нарсаларимда Аллоҳ жо этган яхшиликларни кўриб ҳайратга тушдим ва губорлардан халос бўлдим.

Дунёнинг кўзни қамаштирувчи жозибасидан ҳали-ҳануз ўзини қутқара олмаганларни кўрганим сайин юрагимдаги оташ тобора гуриллай бошлади. Яна бир киши билан қандай қилиб алоқа ўрнатишим мумкин деб эрталабларгача ўйланиб чиқиб, мана, бугун кутубхонангизда меҳмонман...



Тубсиз жар ёқасида бўлса-да,  
майли, хайрлиси бўлсин!..



## Муқаддима ўрнида

Гоҳида яшаш учун эмас, ўлолмаганимиз учун яшаб юрганимиз ҳақида ўйлаб қоламан. Буни ошқора айта олмасак-да, кун давомида қиладиган ишларимиз рўйхати билдириб қўяди. Бу ўткинчи дунёда урвоқчалик аҳамияти бўлмаган масалаларга ўлимдан ҳам муҳимроқдек эътибор қаратамиз.

“Хайрлиси”, “яхшиликка бўлсин” деган сўзларни – эҳтимол, қунт билан шуғуллансак – ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборадиган жиддий масалалардан ўзимизни олиб қочиш учун ишлатамиз.

Бироқ энди ҳар гал “хайрлиси” деганингизда, кўпроқ маънони ифодалаган бўласиз.

Қачон “хайрлиси” десангиз, “Менинг бир маслагим, гоям бор” деб айтасиз. Назардан соқит қилишни эмас, ҳақиқатни излашни истаб қоласиз.

“Хайрлиси” деганингизда ҳеч ким кўрмаса ҳам, эшитмаса ҳам, У кўриб турганини ва эшитаётганини ҳис қиласиз.

Кўзларингиздан оқаётган ёшларни енгингиз билан эмас, оғзингиздан чиқадиган биргина “хайрлиси” деган сўз билан артадиган бўласиз.

Ҳар сафар “хайрлиси” деганингизда, дунё учун эмас, Аллоҳ ризоси учун яшаётганингизни тушунишади.


Кечаси дардсизлар ғафлат уйқусига кетганда, дардингизни маҳкам қучоқлаб, шивирлаганча айтган охирги сўзингиз “хайрлиси” бўлади. Энди бу сўзга енгил қарамайсиз, уни маслагингизни тушунтириш учун тилга оласиз.

Хайрлиси бўлсин, дўстларим, хайрлиси...

Ҳикмат Анил Ўзтекин



Ол шу мисрани, чўнтагингга сол,  
Юрак-базринг ёнган сенинг,  
вақти келиб керак бўлади.



## Умримнинг чорагидаги тўқилган ёш

Неча асрлардан бери қадам ташланади бу заминда, аммо ғамбода яшил ёпинчиқ жамики оёқ изларини босиб кетган, яшириб қўйган. На кимнингдир қадами, на ўтган-кетгану келадиганлар ҳақида хабар беради.

Бир ҳовуч олтин эмас, бир ҳовуч тупроқнинг бўлсин дейишади. Осмондан раҳмат ёрса-да, шу тупроқ ўзига тортиб, шимиб олса. Худди ҳавосиз қолиб кетгандек энтикиб-энтикиб нафас олса. Баъзан ичингиз тўлиб оғирлашади-ку, кўтара олмай қоласиз, ўпкангиз портлагудек даражада "уф"ларга тўлиб кетади, лекин сиз овозингизни чиқара олмайсиз. Деразани очасиз, тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Тупроқнинг раҳмат томчиларини ўзига тортиб олиши ҳам шундай. Бирор томчини на пуркаб ташлайди, на буткул ютиб юборади. Вақти келиб, бағрида ниш урадиган урувлар учун асрайди. Ўраб-чирмайди. Ўлимдаги тупроқ қилининг сабаби шуми? Раҳмат томчиларидан кейин заминни яшил ёпинчиқ қоплашининг сабаби ҳам шуми?..

Неча кундир ич-этимни кемираман. На мажолим қолди, на яшаш сари ташлайди-



ган бирор қадамим. Ташимга қараб, “Ҳали ёшсан-ку” дейишади, аммо ичим қартайиб бўлган. Кекса кўринишим учун сочим оқариши шартми?.. Ҳозир оқ соч ҳам, кулранг соч ҳам ёшлар орасида урф бўлган. Жуда қизиқ. Умрнинг поёнида ўзини намоён қилиб, “Қани, ўлимга тайёргарлигингни кўравер” дея бонг урувчи оқ сочларга ёшлар ҳавасманд. Бу билан нима демоқчи улар? Ўлим ёш танламайди, бизнинг навбатимиз келган бўлиши ҳам мумкин ёки охир замонда яшайпмиз, дунёнинг расвоси чиқиб бўлди, қадам-бақадам қиёмат сари яқинлашмоқдамиз демоқчими?..

Стул устидаги қаламларни олиб, ўзим учун уй чиздим. Имкон қадар рангсиз, иложи борича сўлгин қилиб. Боққа очиладиган эшик олдида чой ичиш шунчалар ҳузур берадикки. Тўрт томонимдаги ранго-ранг гуллар бўзарган уйимга ўчакишгандек бутун гўзалликларини кўз-кўз қилади. Сўлгин томоним дунёга ўхшайди. Ўша, мен умид боғлашдан чарчамайдиган, ичимдан ҳеч қуволмаган суллоҳ дунёга.

Уйнинг ёнида кичкинагина олма дарахти бор. Кичик дейишимга сабаб, у ҳали уруғ, аммо яқинда униб чиқади ва мен бунга гувоҳ бўламан, ҳозирданоқ ҳаяжондаман. Қани, олмажон, сени ўраб-чирмаб, бағрига босган тупроқ остида ётиш қандай экан? Ҳар куни шукр қиласанми, шу рангсиз, сўлгин уйлардан узоқдаман дея? Балки, сен менга гўзал манзара ваъда қилаётган жойингда мен

сенга хунук уй чизганим учун норозидирсан? Сен барибир униб-ўс, хўпми, олмажон? Барибир улғай!..

Ичимга сиғдиролмаган чоғроққина боғдаман. Кўм-кўк осмон остида оппоққина панжаралари бор. Шунчалар оқки, булутлардан бир тутам сочиб қўйилгандек гўё. Бир четига қўнғироқча ҳам осиб қўйдим, ўша қияликка келаётганида эшигимни тақиллатса-ю ичкарига таклиф этайин дея. Балки, хабар бермас, балки, изламас, аммо келиб қолса, билишни истайман. Балки, бироз уст-бошимни қоқиб, ўзимга қараб оларман, балки, бироз ойнага солармидим ўзимни. Шу ўй-хаёллар оғушида эканимда, ҳув нарида яна битта уруғ униб чиқиб, аввал дунёга, сўнг менга салом берди. Хуш келибсан, менинг кичик яшил дўстим, хуш келибсан! Қанчалар нозик ва ёқимтойсан. Чарчаган бўлсанг керак, тупроқни нозиккина жуссанг билан ёриб чиқдинг-да. Сени кичик яшил дўстим деб атадим, аммо суғоришни унутиб қўйган пайтларда мендан хафа бўлмагин, хўпми? Масалан, бугун эрталаб нонушта қилишни ҳам унутибман. Аммо хавотирга тушма, сени яратган Зот сувингни ҳам унутмайди. Сен ҳаргиз қайғуга ботма, шу нозик жуссанг билан тупроқни ёришга қодир қилган Зот қониб сув ичишинг учун булутларни, шамолларни ишга солади.

Оҳ, дунёим! Менинг тор ва зерикарли дунёим! Қабохатларингни улоқтирсанг бир четга, сен ҳам раҳмат томчиларидан нафас



олсанг, руҳимга қайтиб келсанг ва тўқис бўлсам мен...

Бир булут ёғди ер юзига, кўзимдан бир томчи ёш думалади, қоришиб, бир уруғ ниҳол бўлиб ўссин ва барг ёзсин дея. Минглаб уруғларни қучоқлаб ётган тоғлардан садо келди, қизғиш тупроқларига салом юборди ичимдаги соғинч водийларидан. Столим устидаги бир пиёла сутнинг ҳам эгаси келди. Бошини силадим оҳиста ва сутини бердим. Митти олмача билан саломлашиб, тезгина хонамга қайтдим. Соат бепарвогина кунни яримлатибди, жуда кеч қолдим. Оҳ, бу саросима, инсонни не кўйларга солади! Қайси ранг кўпроқ ярашади менга? Қорамми, кўкми ёки қизил? Йўқ, буни ўтган кун кийгандим, ҳа, мана, топдим, оқ кияй, кўзларимнинг ранги ҳам яққол кўринсин. Эрталаб олмача хонамнинг деразасидан мени кузатаётганида ётоғимга ирғитган соатимни олиб уйдан чиқдим. Югургудек бўлиб улгуришга ҳаракат қилганим сайин нафасим қисиляпти. Бироз ўтириб дам олсаммикин дейман, кўзим соатга тушади-да, қани, бўл дейман, аммо ортиқча юролмаяман. Чуқур нафас, яна чуқур нафас... Қулоғи қизисин тупроқнинг! У сувларини йиғиб, керакли жойда ишлатади, мен эса биргина нафасга ҳам сўзимни ўтказа олмайман.

Ниҳоят, касалхонанинг остонасидаман. Кираверишдаги анжир дарахтининг шивирлашини тинглаганча қадам ташладим. Бу ерларнинг ҳатто ҳавоси ҳам одамни касал қилади. Мен шоша-пиша ўтиб келган

тор йўллардаги тош йўлкалар мени югуртирган, шекилли, ўз вақтида етиб келдим. Менинг навбатим келди, эй олмачам, бу ердан чиқишим биланоқ ёнингга бораман, сенга йўлимда учраган бир қушча ҳақида гапириб бераман. Чопиб келаётганимда кўриб қолдим уни. “Чумчуқчалик ақлинг йўқ” дейишади-ку, ўша қушнинг юрагини бир кўра олсалар эди, уялишармиди бу гапларидан?.. Ҳар жонли мавжудотда оналик туйғуси бир хил бўларкан. Ҳойнаҳой, эндигина тухумдан чиққан полапонлари учун томма-том сакраб, егулик излаётган эди. Шунчалар чиройли ин ясабдики ўша “тариқчалик ақли” билан! Биласанми, олмачам, бизнинг уйимиз каби рангсиз ва сўлғин, аммо иссиққина! Ўйланиб қолдим, ҳозирги манзара учун мендан жаҳлинг чиқмаётгандир-а? Майли, жаҳлинг чиқмасин! Сохта бўёқлар билан безатилиб, вақт-соати келганда батамом оқиб кетувчи хаёлот эмас экан бизники! Ўша дарахт устидаги уяни кўргач бу фикрга янада кўпроқ ишондим. Бир кун келиб кимдир ўша миттигина юракни чўзмадан нишонга оладими?.. Қушчани ўлдирадими?.. Шошма, доктор нима деди? Қанақасига, шунақаси ҳам бўларканми? Хўп, бўлиши мумкиндир, лекин айнан менда бўладими? Майли, бўлди ҳам дейлик, натижаси шунақа бўлиши мумкинми? Нега айнан ҳозир, бошқа пайт эмас?.. Кечирасиз, бунга ишончингиз комилми, нима деётганингизни ўзингиз билайсизми? Парваришлаб ўстиришим керак бўлган



олма кўчатим бор менинг, саломлашадиган уруғларим бор. Устига-устак, ҳали турмуш қурмаганман, шундай бўлиши мумкинми? Ҳали кўрмаган кунларим бисёр. Саратон нимаси? Дипломингизни қаердан олгансиз ўзи, бозордан сотиб олганмисиз?..

Йиқилиб, уст-боши лой бўлгандек безовталаниб ўзимни ташқарига отдим. Орқамга қарамай узоқлашдим ўша жойдан, ўша мавзедан. Елкаминг чуқури кўрсин дегандек қочиб боряпман. Мажолим етганича юришни истайман. Йўл бўйи оёқларим шундай оғир туюлдики, худди улар мени эмас, мен уларни кўтариб юргандекман. Бугун аъзоларим ақлдан озгандек, юрагим устида депсиниб, исён кўтараётгандек. Шошма, боя саратон дедими у? Тавба, саратонмишман, кулгимни қистатади-я. Бир машойих шундай деган экан: “Боқ, мозий сендек яшаб ўтганлар учун улкан мозорга айланганидек келажак ҳам худди шундай мозористонга айланади. Бугун икки қабрнинг ўртасидасан, бу ёғини ўзинг биласан...”

Боғимга ўша қўнғироқчани осиб қўйганимга неча кун бўлди? Ахир хабар бериши, жиринглатиши керак эди-ку, тўсатдан келмасди-ку... Шундай ўйлагандим, уст-бошимни қоқиб, ўзимга қараган бўлардим, дабдурустдан қарши олмайман дегандим... Нуқул қўққисдан келадими? Рухсат сўрашни ёқтирмайди, шекилли. Менинг ҳаётим учун келаётганда нега сўрамайди? Мен олаётган нафасга нега ўша қўнғироқ-



чани чалмасдан кўз тикади? Доим бошқаларнинг бошига тушар эди-ку... Йўқ-йўқ, сал аввални унут, унақаси йўқ, қўнғироқча жойида турибди ва чалинмади. Ҳозир ўрнингдан туриб, чой дамла ва яхши кўрган печеньеларингдан келтир. Боғдаги олмачангдан хабар оласан, унга қушча ҳақида гапириб берасан, уруғнинг ҳол-аҳволини сўрайсан. Кейин, балки, бироз мизғиб дам оларсан...

Кўзимни очсам, соат тунги бир ярим. Ичим қайсарлик билан ухлашни хоҳлаяпти, кўзларим эса шифтга тикилиб қолган. Қанча ҳаракат қилсам ҳам, ўша сўзни сира унутолмаяпман. Тўсатдан тутиб қолган йўтал оғзим қуриб кетганини эслатди. Ўрнимдан туриб сув олиб келиш ўрнига ўйлана бошладим: мен ҳам тупроқдек қониб-қониб сув ичсам, ўзим яхши кўрадиган холдор стаканда ичсам, мени ҳам жонлантирадими?.. Тўйиб-тўйиб нафас олишимга деразани очганим кифоя қилмади, устимга адёлни ташлаб ташқарига чиқдим. Бироз овунармикинман деб ўзимни ҳалинчакка ташладим. Айлана-айлана адо бўладиган бу дунёда умр хазинам камайиб бормоқда. Улғайганим сари тугаб боряпман. Орқамга ўгирилиб, кичик дўстимга, олмачамга қарадим. Илк куртакларингни кўра олармикинман деб улгурмасимдан бўғзимга нимадир тиқилди. Буларнинг бари тўсатдан қандай содир бўлди? Ўша тўртта ҳарф миямга нега ўрнашиб қолди?.. Ўзимни қўлга олишим керак, нечанчи асрда яшаяпмиз ўзи, бунинг



давоси бордир. Нега дарров тушкунликка тушиб қолдим? Лекин мен ўйлагандек бўл-маса-чи? Мен келдим деб рўпарамда туриб олса-чи? Нимадан қўрқяпман ўзи, дунёни ташлаб кетишданми? Ёки кичик дўстим олмачанинг ўсганини кўрмай ўтишданми? Ойламсиз, бир ўзим қолишданми? Йўқ, буларнинг ҳеч бири эмас! Мен бу сафарда ўзимга нимани озуқа сифатида тайёрлаганманки, йўл бўйи менга йўлдош бўлсин... Дарвоқе, йўл бўйи менга нима ёрдам беради? Ортга қайтиш йўқ, яна бир бор келиш ҳам йўқ. Кўпроқ нафас олмоқчиман, ичимда захира қилиб тўпламоқчиман. Бу йўлга чорлайдиган меҳмоним келганида, "Йўқ, шошма, захирамда ҳали шунча нафасим бор!" демоқчиман. Қанча нафас олмайин, шунчаси лабларим орасидан тўкилиб кетмоқда. Икки қабр орасида бошимни дўстим олмачага буришдан қўрқяпман, шохларидан битта ҳам олма узиб еёлмасликдан қўрқяпман.

Оҳ, тупроқ! Сен билан қанча йиллик дўстлигимиз бор, сенга қанчалик ҳавас қиламан. Бағрингда неларни яширгансан дейман доим, сенга қанчадан-қанча мисраларимни бағишлаганман. Энди мени ҳам бағрингда яширасанми? Бу дунёда барча дўстликлар ўзи шунақа бўлади, тўғрими? Ҳаммаси қабргача, шундай эмасми? Ундан кейин бир кишилик қабрда ёлғизлик. Бошимга нималар тушади ҳали? Жуда қоронғими, жуда сассизми? Дунёга бир жойдан туриб қараймиз, хурсандмисан, олмачам? Ҳаёт деганлари қандай фаройиб



нарса экан-а, олмачам, устингга чиқиб тепинсам, эзсам, синдирсам, ҳеч нарса қилолмайсан. Аммо кун келиб тупроқ остига кирганимда, устимда сен ва сенга ўхшаганлар унади. Ҳақсан, олмачам, ўлим йўқ бўлиш дегани эмас. Шу улкан коинотнинг сон-саноқсиз неъматлари фақатгина шу дунёга хос бўлиши мумкин эмас, шундай бўлганида, зеро, адолатдан бўлмасди. Ҳамма ҳам ноннинг энг яхши жойини еёлмайди-ку, охират бўлмаса қандоқ бўлади? Биламан, борар жойим ҳам Роббимники, аммо анчагина қўрқаётганим рост. Сен ҳам ҳозир қўрқяпсанми, тупроқнинг остида, қоронғи жойдасан-ку? Менинг жой ўзгартиришим тупроқнинг устидан остига ўтиш, сеники эса худди шунинг тескариси, жуда галати, тўғрими? Ҳа, жуда галати. Сен ҳозир ҳам борсан, тупроқ остида ҳаётинг бор ва тупроқни ёриб чиқиб, дунёга салом бергач, аслида ўлган бўласан. Бу қандай ўлим? Униб-ўсасан, мевалар берасан, кислород ишлаб чиқарасан, борлиққа хизмат қиласан, бу қанақа ўлим ўзи? Тупроқ остидан чиқишингни ўлишинг учун кутяпманми?..

Аллоҳим, ҳузурингга боришдан қўрқяпман. Мен шу олмачалик журъатли эмасман. Аллоҳим, Сендан қўрқяпман, шекилли. Охиратни тушуниш учун нима қилсам экан, қаердан бошласам экан? Бир овоз эшитилса, қулоғимга бир нималарни шивирласа, соатлаб нималарнидир тушунтирса, қўнғирроғим жирингламасидан тингласам мен ҳам.



Нигоҳим узоқ-узоқлардаги боғларга қадалган, кузни эслайман, кейин яна баҳорни. Шу пайтгача қандай қилиб кўрмадим атрофимдаги тирилишни? Ҳар кузда дарахтлар бирма-бир япроқларини тўкиб, ўт-ўланлар сарғайганидан кейин баҳорда қандай жон киради уларга? Жаннат мисоли эмасми, Аллоҳим? Дунёда тўккан япроқларимиз эвазига очилувчи жаннат гуллари. Шундай эмасми? Юрагим гўё бўғзимда ураётгандек, тўхта дейман, узоқдаги боғлардан нажот излама, аввал кўз ўнгингга боқ. Боқ ва тингла, ўз боғингда сенга кўп нарсани шивирлайдиган ҳаётлар бор...

Шундай бўлдими, фақат узоқлардан изладимми, ўлим доим ўша узоқларда юз беради деб ўйладимми? Айтсанг-чи, олмачам, тупроқ остидан чиқиб келиш қийинми? Ортинга қолганларни эслайсанми? Уларни соғинасанми?.. Ортимга ўгирилиб, сўлгин уйимга назар соламан, кўзимга янада сўлгин кўринади. Қўл теккизсанг қулаб тушгудек. Ким ҳам эсларди бу харобани, ким ҳам соғинарди. Йўқ, харобага айланган уйим эмас, менинг дунёим экан! Мен алдамчи баҳорларига ишонган дунёим. Ана энди тушуняпман... Сени энг кўп марта йиқилган жойларимда топган эканман, Роббим!..

Бу йўллардан ўтишга келганман, билиб туриб, аммо ишонишни истамайгина. Нима қилсам ҳам, қанча яшасам ҳам кетишим аниқ. Зеро, бу ерларда жуда кўп озорландим, ҳаловатли диёрлар хаёли билан яшаб



юрибман. Айт-чи, олмачам, менинг уйим қаер бўлади? У ёқда ҳам боғим бўладими? Билиб турибман, бунга лойиқмисан ўзи демоқчисан, тўғрими? Тўғри, лойиқ эмасман! Ўлимга бирор чора йўқми? Уни кечиктириш, ундан қочиб қолишнинг имкони йўқми? Қаерга ҳам қочаман, барча йўллар Аллоҳники, ўлим ҳам Уники-ку! Қаерда бўлсам ҳам, ба-рибир қўлга тушаман.

Кўзларим ёшларини тўхтатолмай ҳориган ва ўй-хаёлларим ичимга сиғмай қолган маҳал ногаҳон эшитилган овоздан ўзимга келдим. Аллоҳу акбар садолари остида кун бошланяпти. Вақт бунчалик ҳам тез ўтмаса, соат неча бўлди ўзи, бомдодга азон нечада айтилади? Неча соатдан бери ўзимни уйғота олмадим, миноралардан эса ҳаммани уйғотишга етадиган овоз таралаяпти. Овоз соҳиби “Уйғонинглар!” дея буюрмоқда. Қушлар уйғоняпти, ўсимликлар уйғоняпти, ҳатто чумолилар ҳам. Бироқ одамлар... Баъзилар гафлат кўрпасига ўраниб, қулоқларини бекитиб олган. Осмондан томчилар тушяпти сочларимга, борган сари тезлашяпти. Раҳмат ёғмоқда, раҳмат!.. Эй тупроқ, сен ҳам уйғондингми, нонуштанг келмоқда. Балки, бу сафар мен учун ёғаётгандир, нима дединг, олмачам? Роббим менга қарата бунчалар кирсан, дунёнинг иси келяпти сендан, на таҳоратинг бор, на тавбанг дея мени поклаш учун ёмғирга “Ёғ!” деб амр қилган бўлиши мумкинми? Бирданига кўз ўнгимда ҳар бир томчи ўзгариб бормоқда, балки бу охир-



ги бор учрашишимиздир. Балки, танам бўйлаб оҳиста кезишларинг, ёноқларимда кўз ёшимга қўшилиб кетишинг охиргисидир! Худди охирги бор аралашаётгандек бир-биримизга аралашайлик, бир-биримизни қучоқлайлик шу тупроқнинг гувоҳлигида. Сен ёғ, токи дунё анқиб турган танамга тупроқнинг ифори сингсин. Сингани сари юкларимдан халос бўлай.

Ё Роббим! Ичимда дунё учун сарфлаб юборган кунларимнинг азияти бор, Сенинг биргина саломингга интиқиб яшаган кунлардаги умидим ҳам. Сўнги томчи ер юзига тушгач, офтобга ўгирилиб, табассум қилганча салом бераман. Майли, шу дунёда баҳоримиз бўлмасин, охиратимизни қутқарайлик, ҳар кунимиз баҳор бўлади.

Ё Роббим! Сен яратган дунёда доимо ёдимдасан. Дунё исидан тозаланган устбошим билан ҳузурингга келишга ҳозирлик кўрмоқдаман. Излаш, изланиш, топиш ҳолатидаман. Илк амр келган жойга боғланмоқдаман, жойнамоз устида топган ҳаловатимда “Қулман!” дея ҳайқирмоқдаман. “Аё, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топмасми?”<sup>1</sup> дея марҳамат айладинг. Зикр қилмоққа келдим. Остонагда қул, йўлингда эгилган бошман мен, Аллоҳим! Сенинг “Хайрлиси” деган бекатингда менга бахшида қиладиганларингни ҳаяжон билан кутаётган бандангман.

<sup>1</sup> “Раъд” сураси 28-оят.



Эй сафарим, номинг ўлим бўлса-да, мен учун Роббимга очилган эшиксан. Ичимда мен эндигина танишган бир руҳ бор. Нозик ва мулойим. Унинг учун ҳам курси ажратдим. Дунё бор – ўтишни истасанг, чой бор – ичишни истасанг, қўлимда жойнамоз бор – устида жон беришни истасанг.. Дунёни, ҳолимни тушунган сари ўтмишимни ўйлаб оҳ чекаман. Юзимдаги ажинлар чуқурлашган сайин Аллоҳу акбар нидолари остида осмоним чайқалмоқда. Қуёш ўзгача чиқади бугун, вужудимни куйдирмайди, аксинча, меҳрибон она каби иситади. Бутун коинотни Аллоҳнинг марҳамати тўлдирган.

Бу тонг қуёш, олмача, мен ва куртак биргаликда нонушта қиляпмиз. Сира унутмаган ҳолда худди шошаётгандек, кулимсираганча луқмаларимизни оғзимизга соляпмиз. Кеча столдан шоша-пиша туриб кетганим кўз олдимдан ўтди. Худди ақлдан озгандек бир соат қайси ранг менга кўпроқ ярашиши ҳақида бош қотирдим. Ранглар барибир ўчиб кетади, нима фарқи бор? Оқни танладим, эсингдами, олмачам? Худди поклашишга кетаётгандек оппоқ бўлишни хоҳладим. Худди менсимай бир четга улоқтирган ҳаётимнинг қайтадан эгасига айлангандек, ётоғимга отиб юборган соатимни ҳам олдим. Ҳатто нафасимга ҳам эгалик қилолмаслигимни тушунгач чопачопа нуратиб юбордим йўлларни. Бир қуш юраги билан танишди ичим. “Тарикдек мияси” билан ясаган уяси қанчалар моҳирона туюлди



менга. У ерда ҳам Роббимнинг марҳамати бор экан. Хабарни олганимда қанчалик ноҳақлик қилибман. Қўнғироғимни чалмади, нима ҳаққи бор, ахир нафас меники-ку, дедим. Қўнғироғимни чалди, хабар ҳам берди, губорлардан форир бўлишим учун берилган сабаб бу касаллик. Шу дард чалди қўнғироқни.

Оёғимга пойабзалимни илиб бордан чиқдим. Бир уруғ олиб, уни бугуннинг номи билан атайман. Сув қуйиб тураман, қуймасам-да, Роббим уни ўстиришини биламан. Худди севгилисидан хушxabар келиб, оғзи қулоғида тиржаяётган ўсмир каби кулишни истайман. Гўё бугун менинг илк кунимдек. **Мойчечакларни ҳидлашни истайман, атиргул, наргис ва бегонияларни ҳам. Боғимнинг гулларга тўлишини истайман.**

Орзуларим оғушида кезар эканман, ўнг томондан тез келиб қолган машина ғийқиллаб тўхтади-ю кундузим тунга айланди. Умримнинг чорак қисмида бир ёш тўкилди кўзимнинг булоқларидан. Ундан кейини йўқ. Қўнғироғим ҳали ҳам жиринглаяпти, кун асл рангига қайтяпти, боғимда эса олма ниҳоли дунё юзини кўряпти. Марҳабо, дейман, марҳабо, эй қабрим, бир кишилик тахтим. Ҳаёт сафарида “келяпман” дея қўнғироқ овози билан хабар берганлар сабаблар экан, қайси сабабданлиги эса номаълум. Қармоққа илинган балиқ бошқа қармоқ йўқ деб ўйлармиш, ҳолбуки, ажал битта экан. Ҳеч нарса ўша вақтни, ўша сабабни ўз-



гартира олмас экан. Ҳамма нарсада У бор экан...


Йўлим Яратганга олиб боргунга қадар мен чап ёнимда олиб юрган из ярам эди.

Ортимдан ҳаргиз ёш эди-я демасинлар, алданмасинлар умримнинг ўртасидан тўкилган ёшга. Билсинларки, менинг умрим Яратганнинг марҳаматига кўмилган умр эди...






Энди қалбимдан бир ҳарфчалик  
осон ўчиб кетяпсан, йўлинг  
Аллоҳга олиб борсин!



Аллоҳим! Келажакда менга азият  
берувчи кишиларни ўнгимдан ҳам,  
сўлимдан ҳам рўпара қилма!





*Аёл илк қарашда эркакка  
нисбатан нималарни ҳис қилади?*

Фараз қил, ёмғирлар ердан кўкка қараб  
ёгса, фараз қил, дунё тескарисига айланса.

Ҳа, фараз қил, шунчаки фараз қил.

Мен бу йўлларга қадам ташлар, орт-  
га қайтишларни тинмай қўлдан бой берар  
эканман, бошқа эҳтимол қолдирмадим.

Ҳозир ўша эски кунларимни чақирсам ва  
улар қайтиб келса, хотиржамлик эгалласа  
яна ичимни. Руҳсиз ҳеч нарса бўлмас экан,  
юрак тиним билмас экан. Қайтиб келса,  
ичимда юлдузлар мисоли учса ва осмонини  
унутса, фараз қилсам, мен фараз қилсам...  
Тоғлардан думаласам, қуёшни қучоқласам,  
каштан дарахтларини бўйласам, олма олсам  
ўзимга ва руҳимга қайтсам, фараз қилсам,  
ўзлимга руҳимга яна бир бора сингса. Энг  
кўп ўзимни топсам...

Мен энг мушкул саволларимга, энг оғир  
дардларимга асир бўлган кеча эди, ҳамма-  
сини бошқатдан, янгидан бошлашни истаб  
қолдим. Хайрлиси бўлсин дейман албатта,  
аммо ўша хайрни топа оламанми?.. Тўсат-  
дан ичимда бир истак уйғонди. Қумга кўм-  
сам оёқларимни, улар мени олиб борган  
ердан воз кечсам... Соҳилдаги чироқ осил-  
ган дарахт тагида ўтириб, сувга айтмоқчи  
бўлганларингни юрак-бағринга ўйиб ёзган

пайтларинг бўладими? Инсон ичига доим тунда юзланадими, кундузлари доим чигалми? Оломон орасида фикр юрита олмаслик, фикрларинг керак пайти керак жойда сув юзасига қалқиб чиқа олмаслиги жуда ғалати. Баъзан шу зайтун ёғичалик фикрим йўқлигига кулиб қўяман. Сув остига кўмиб қўйганларимга кулиб қўяман. Кулаётган пайтимда ақлдан оздиммикан дейман ўзимга. Кимнинг нима иши бор? Ўзи билан ўзи гаплашадиган ҳамма тентак бўлса, шунча ақлли одам қаерда яшайди? Ҳолбуки, жағи тинмайдиган сон-саноксиз тентак бор!

Даставвал шу мавҳумликларни йўқотишим керак, бир нималар, бир жойлар, хуллас, мавҳумликлар... Миямдаги шакллар аралаш-қуралаш бўлиб кетган, ўзимни ўзим таний олмай қолдим, ўзим истаган чиқиш йўлини тополмасликдан хавотирдаман. Биламан, энг чиройли эшиклар қалбим кирланмасагина очилади, аммо юрагим анчагина куйган. Елкамда оғир юк, юрагим эзилган сари жим бўлишни, кучлининг таъсирида ўз қобиғига ўралишни ўрганияпти. Кўпроқ ўзимни улғайтиряпман, сув қуйишни канда қилмайдиган чечакларимни ҳам. Аслида ўзим билан ўзим гаплашяпманми? Одам ўзи билан ўзи нега гаплашсин? Менимча, бу мени эшитиб турган Зотнинг борлигини билишимдан. Тўғри, унутган пайтларим ҳам бўлгани рост, бироқ фитратни ўзгартириб бўлармиди?.. Ғалати, мени Эшитгувчининг борлигини билиб турсам-да, шу ёлғизлик туйғуси ғалати. Ўйлаб қаралса, қанчалар бемаъни. Киноларда



учрайдиган, “Чойи совимаган, ҳали узоққа кетмаган бўлса керак” деган луқма бор-ку, худди шундай эмасми? Ичим иссиқ, онгу шуурим иссиқ, кўз ёшларим иссиқ, ўзимдан узоқлашган бўлишим мумкинми?..

Баъзан торгина тошйўлкаларда анчагача юраман. Ҳаво мужмал, қалинроқ кийинсам исиб кетаман, юпун кийинсам совқотаман. Сайрга чиқдимми ёки ичимнинг туб-тубига шўнғишгами, у ёғи номаълум, аммо, ҳойнаҳой, ўйларим билан ғавғолашишни ёқтираман. Хўп-хўп, майли, хаёлимдаги ўйлар билан эмас, ичимдаги қора доғ билан астойдил курашиб, ҳақ бўлиб чиқишни жуда яхши кўраман. Инсон энг аввало ўзини тушуна олиши керак, мен ҳам шундай қилдим. Ишни ўзимга қулоқ тутишдан бошладим. Ҳозир ўша қора доғни зимистон тунларда жимгина эштаман, ҳатто унга кичик ўйинлар ҳам кўрсатаман, у ўйлайдики, унга қулоқ солганим сари хоҳишлари амалга ошаверади. Шундай қилиб, сайрим ички курашларим остонасида адоғига етади. Ярим кечаси аччиқ қаҳвадан хўплаб, кўчанинг бошидаги чипор мушукка ачиниб, кел, эй ўзлим, сен билан бир отамлашайлик дейман. Отамлашайлик, ахир уриб-синдириш, вайрон қилишнинг биздек нозик қалбларда нима иши бор? Йўқ, иши йўқ. Кел, сен билан дилдан суҳбат қурайлик. Қачон ўша чипор мушукка ачинсам, баъзи дамлар ёдимга тушади. Ой нурига кўмилиб, қийғос очилган магнолиялар билан оҳу мисоли ҳуркак боқишларга яширингандек эмас, худди миямни пармалаб тешаётган-



дек бўлиб ёдимга тушади. Масалан, университетга киришни орзу қиладиган кимнингдир ҳикоясини эслайман. Ўша, босиб ўтиш учун ҳамма ўзини ўққа-чўққа урадиган университет йўллари. Ўқиш пайти онасининг “зиной касалликка” чалинганидан хабар топди, бу дард тиббиётда қандай номланишини эса билмайди. Билгани шуки, онаси бу ишни маҳаллада деярли ҳамма билан қилиб чиқибди. Бу гаплар унга оғир ботди. Тушкунликка тушди, дардига чора излади. Турган гапки, жисми ҳам ҳориди, афтодаҳол бўлиб қолди. Изланишлари ўзига мос турмуш ўртоқ учраши билан якунланди. Эндигина уйланиб, ҳаётимда янги саҳифа очдим деганида анчадан бери қорасини кўрсатмаган онаси пайдо бўлди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, бу гал онаси билан қайнотаси ҳақида гап-сўз тарқалди. Ўртада пок пойдевор устига қурилган оила бузилай деб қолди, буткул бузилиб кетишини ким ҳам хоҳлайди. Ўзларини қўлга олишга ҳаракат қилишди. Бироқ... Бу сафар эса қайнотасининг укаси билан онаси ўртасидаги ишлар қулоғига чалинди. Ўз жонига қасд қиладиган даражага етди, паноҳ топган бандаргоҳига ўт тушди, юраги ёнди. Кема денгизга тушаётганида кимдир чап бурчагида кичкина тешик очса, кемага сув кира бошлайди-ку, худди шундай бўлди. Унинг кемаси фарқ бўла бошлади. Чўлнинг қоқ ўртасида ялангоёқ чопганинда оёқларинг куяди-да, сувга чопсанг, куйгани сўнади-ку, ёнфин чиққанда ҳам сувга чопасан, сўндиради, тилинг қуриб танглайингга ёпишиб қолганда ўзингни сувга



урсанг, чанқоғинг қонади. Аммо бу ўлдиради... Демак, сув ҳар доим ҳам қутқармас экан. Худди оташ ҳам ҳар доим куйдирмаганидек. Оҳ, инсон-а, ғамлар қаддингни эгдими? Баъзи нарсалар ичинга тош каби чўкдими? Оҳ, инсон, оҳ!..

Шундай аҳволга тушиб қолишлар учраб туради ва буни гапирмасдан ўтиб кетолмайман. Оҳ, ичим! Оҳ, ўзлимим! Жим тинглашинга беш кетаман, худди ўзимсан, қандай яхши тун қўйнида кўзимдаги намларни сенда кўришим. Қўлимни теккизсам ёш бўлиб оқасан, шалолаларга қўшилиб кетасан, ким билсин, бир кун келиб қаерлардадир кимларгадир дуч келарсан ва ўшаларга табассум бўларсан. Шу аҳволга тушишим етмагандек, мубтало бўлишим қолувди, ўша дарднинг ич-ичига кириб боряпман, кирган сари қовуриляпман. Кифоями? Кифоя эмас! Куйиб қовурилдим деганда қаҳва билан икки ҳисса қовурилган лоқум<sup>2</sup> ҳақида гапираётганим йўқ. Ич бу – ичимдир, ёниб куйган, қовурилган, ҳиди устимга ўтириб қолган. Тушкунликка тушаман, худди зиндонда бўғилиб қолгандекман, осмон худди миямнинг ичига кириб олгандек, уф тортишларим ортгандан ортмоқда...

Чақмоқ чақяпти, чаққан сари қўрқяпман. Ичимизда жуда кўп нарсани йиққанмиз, тўғримми? Ўзлимим, сен шу ерда бир лаҳза туриб тур, мен эса инсонларга қайтишни истайман, қоялар устида қулочларимни очганча шамолга қаршилиқ кўрсатган мисоли

<sup>2</sup> Ширинлик тури.

“Эй инсон, ичингга бунчалар кўп нарса жойладинг, тўлиб-тошиб кетдинг!” демоқчиман. Қарабсанки, қарзларни тўлаш вақти етиб келади остонангга, эшигингни чертади тақ-тақ-тақ, миянгни кемира бошлайди. Устига-устак, уйлангансан ва турмуш ўртоғинг билан жанжаллашгансан... Нега буни кийдинг, нега бундай дединг, нега, нега? Сонсаноқсиз негалардан сўнг бир овоз янграйди: менга қара, боланинг олдида тортишмайлик, бундай қилмайлик, шундай қилмайлик дейсан. Сўнг тарақлатиб ёпилган эшиклар, синган идишлар, яраланган юраклар... Инсон ўзини кўчага уради шундай пайтларда. Бир умр овозини эшитишни орзу қилиб турмуш қурган инсонингнинг ҳар бир гапи миянгда катталашгандан катталашади, жим бўлса-ю эшитмасам дейсан. Эшикни зарб билан ёпасан, гўёки ўз ичингга ёпгандек бўласан ва кўчага урасан ўзингни. Одамларга қарасанг, кимнингдир соғлиги ёмонлашган, бировнинг фарзанди, турмуш ўртоғи, ота-онаси билан муаммоси бор, кимдир икки йил, уч-тўрт йиллаб ДХТИга<sup>3</sup> тайёрланган, аммо муваффақиятга эришолмаган, кимдир ишдан бўшаган, юраги ёнган, эҳ...

Қарасам, катта-катта тўқимачилик корхоналарини қурибман-у, бир кечалик девальвация натижасида ер билан яксон бўлибди. Ҳаётдаги одимларимиз, кулишларимиз, атрофимизни ўраб турган деворларимиз турлича бўлса-да, аслида ҳаммамизнинг

<sup>3</sup> Давлат хизматчиларини танлаш имтиҳони – Туркияда давлат идораларига ходимларни ишга қабул қилиш учун ўтказиладиган имтиҳон.



Ўзимизга яраша дардимиз, муаммоларимиз бор. Оҳ, инсон, оҳ!.. Бир қарасанг, ёшлар унаштирилган, тўй арафасида, оилаларнинг тортишуви дастидан оппоқ тушларидан уйғониб, айрилишга мажбур бўлишади, бу ҳам алоҳида дард. Масалан, болалигимда тиззамнинг қонаши ҳам алоҳида дард эди, тўпимнинг тешилиб қолишию ўйин энг қизиган пайтда уйдагиларининг чақириб қолиши ҳам. Ўйлашимча, инсон ечим топа олмаса, ичи шунақа тўлиб кетади. Ичи тўлгани сари суви ташқарига отилиб чиқмоқчи бўлаётган шиша идишга ўхшаб қолади. Кейин эса ўз жонига қасд қилади.. Ўлим билан тугайдиган ҳаракат. Инсоннинг жим туриши, жаҳл отига миниши ҳам ҳаракат, хафа бўлиши ҳам, аммо буниси ўлим билан тугайди.

Ўзимга савол бераман: қандай қилиб бетон уйларни бузиб, қумдан қалъа қурдим? Яхшиямки ўзимдан сўраяпман. Мени ўзимдан бошқа ким ҳам бунчалик эътибор билан тингларди? Ким кўтаради бу саркаш кўнгилнинг хархашаларини? Худди ясама тиши тушиб кетган қария мисоли гудраниб қоламан баъзан. Кўзларим ҳам анчагина хиралашиб қолгандек, тобора инжиқлашяпман, кайфиятим расво, сомон билан бугдойни ажратолмай қолгандекман..

Бир куни машинадан оёғимни ерга қўяр-қўймас эшитилган қўрқинчли овозни эслайсанми? Юрагимнинг овози қулоқларимни тешиб юборай деганди-а? Албатта, энг кўп сенга таъсир қилганди, эй ғамзада ичим! Инсоннинг ичига ўхшайдигани борми, ҳар

нени сиғдирадиган ҳам, тошиб кетадиган ҳам у. Қаҳвадан яна бир хўплам ичай, оғзим нордонлашиб кетди. Қаердан ҳам билай унинг ўз жонига қасд қилишнинг саси эканини?.. Ўгирилиб қараганимда мен кўрган манзара... Демак, манзаралар ҳар доим ҳам ям-яшил, кўм-кўк бўлмас экан. Зинапоядан йиқилиб тушгандир деб ўйладим аввалига, аммо ёнимдан отилиб ўтган одамнинг “Югуринглар! Ўз жонига қасд қилди! Тўртинчи қаватдан ташлаб юборди ўзини!” деганини эшитиб, кўзларим шокосадай бўлиб кетди, нафасим тўхтаб қолди гўё, қулоқларим шанғиллай бошлади... Ўртамиздаги масофа шунчалар қисқа, шунчалар яқинки! Кўзларига қарадим, тепага кетиб қолган, оппоқ бир чизиқ турибди, ўзи жон талвасасида ётибди. Жонталаш ҳолатини кўриб турибман, ҳис қиляпман. Деворга қарайман, шунчаки, маънисиз қараб турибман. Масофа қисқа бўлса ҳам, инсон етиб боролмай, ҳеч нарса қиллолмай қоларкан. Мен нафас оляпман, аммо уни чиқаролмаяпман. Бир ҳисса ўзим учун, бир ҳисса унинг учун нафас олсам, йўқ, бўлмас экан. Қараб турибман, шунчаки қараб турибман. Миямда бир пайтнинг ўзида минглаб овоз жаранглаяпти, овозлар бир-бирига урилиб, акс садо беряпти: “Жонига қасд қилди, ўзини ўлдирди, ўлар ҳолатда, жон талашяпти ҳозир, тўртинчи қават, девор, кўча, зир югураётган одамлар, “Тез ёрдам” машинаси”... Кўзим яна ўша жойга тушяпти. Ҳисоби-чи, бунинг сўроқ-саволи-чи?.. Ким билсин уни қандай вояга етказган эдилар,



кимнинг эркатои бўлган экан. Илк одимлари, илк шўхликлари, тили чиқиб, илк гапирган гапи, илк бор эмаклаши, ким билсин кимларнинг хаёлларини, орзуларини безаган экан. Ким билсин ер қанчалар фарёд қилади, бу хабар кимнинг хонадонини мотамга буркайди, кимнинг юраги ёнади?.. Ҳал қила олмаган нима дарди бор экан? Қай муаммо-сида ёрдам бера олмадик? Қизиқ, кўзларининг ранги нима? Ҳозир оппоқ бўлиб қолган кўзлари атрофга қандай боқарди?..

Бир неча соатдан кейин яна ўша жойга келдим. Руҳим ва ўй-хаёлларим гўё ҳали ҳам шу ерда. Худди ҳеч нарса бўлмагандай ювишибди ҳамма жойни. Кўча топ-тоза, бироқ бир нарса бор, бўлиб ўтган нимадир бор... Жуда катта нарса, у вафот этди... Миямда кетма-кет жаранглади: “У вафот этди, вафот этди, вафот этди...” Шу ерда жон бераётганида руҳи ёнига келганмикин? “Нима қилиб қўйдинг, энди дардларинг тугадими, қутулдингми баридан? Охири бор бу дунёда дардларим тугамайди деб ўйлаганмидинг? Энди нима бўлади, қайси ҳаракатинг сени охири йўқ дардлардан қутқаради? Қайси фикринг, тушунчанг қутқаради, гапирсанг-чи?!” дея дўппослаганмикин руҳи?..

Ҳамма босиб ўтса-да, фиринг демайдиган тупроқ узра қадам ташлайман. Ўйлашим керакмасми: хамиримиз бир бўлган пайт менга жаннат ваъда қилинган, хамиримиз бир бўлган пайт менга даражот ваъда қилинган бўлса-ю, мен ўзимни шу тупроқдан-да паст тутаманми? Умримни ўша тупроқчалик

бўлмасдан ўтказаманми? Ичимда руҳ бор экан, тупроқ узра қадам ташламоқдаман, руҳ бадандан чиққач тупроқ мени бағрига олади. Хўш, беҳуда яшайинми?..

Қаршимдан яна бир девор чиқди, устида бир нималар ғимирлаётгандек. Шакли ҳам, ранги ҳам йўқ. Қулоғимга “Эй инсон!” деган овоз эшитилди. Қара, эй ичим, сенга айтяпти. Мавжудотлар ичида бадбахт, разил нафсимга айтяпти. Сенга айтяпти, эй нафсим, сенга!

“Эй инсон! Парвардигори олам сенинг моҳиятингга жойлаган энг фаройиб ҳолат шу-дирки..”

Фаройиб ҳолат бор экан ва бу мен билан ҳам, нафсим билан ҳам, бутун коинот билан ҳам алоқадор экан. Оҳ, менинг ҳолим, ажиб аҳволим! Қора туйнукка ўхшайди, ичига кирдим-у, чиқиш йўлини топа олмадим. Ер юзидаги барча эшикларни қизил ранга бўясакмикин? Ўшанда қаерда бўлса ҳам, дарров кўзимизга ташланармиди?

“Баъзан дунёга сизмай ҳам қоласан..”

Оҳ, дунёга сизмаган лаҳзаларим!.. Кенг коинотга ҳам сизмай қолган онларим!.. Вужудимга сизмай қолган, бутун олам устимга бостириб келиб, оёғим остидан тупроқни тортиб олган дамлар.. Ўзинг ўйла, ўзлим, сен ҳам бир ўйлаб кўр, сен билан бирга қанчалик сиқилиб, бўғилиб ўтирган дамларимиз бўлса, барини хотирла, яхшилаб ўйлаки, бугун йўлимиздаги қияликлар битсин!..

Ҳатто кипригига зиён етса ҳам, сен ақлдан озадиган оила аъзоларинг, турмуш ўртоғинг билан эрталабдан тортишиб жанжаллашиб-



сан, эшикни қаттиқ ёпиб чиқибсан, балки жанжалинг ўзинг биландир?..

Шунинг учун ҳам кетишни истайман, телба бўлаёзганимда бошимни олиб узоқ-узоқларга кетсам, масалан, бошқа шаҳарга борсам, бироз дам олсам-да, кейин ортимга қайтсам. Эгнимга енгилгина нарсалар ташласам, шабада эсса, вужудимнинг ҳар бир нуқтасига тегиниб ўтса, ҳис қилсам уни ич-ичимдан, чуқур нафас олсам, тўйиб-тўйиб нафас олсам... Ичимдаги оғир юкларнинг барини бир нафас билан ташқарига чиқариб ташласам. Нима фойдаси бор?! Қаерга борсам борай, мусиқа қўйсам ҳам, Қуръон тиловатини эшитсам ҳам, шахримни, яшаш жойимни ўзгартирсам ҳам, ўзга юртга сафар қилсам ҳам, нима фойдаси бор, дардим ҳам мен билан бирга келади-ку!

“Зиндонда бўфилаётган одамдек уф-уф дея дунёдан янада кенгроқ жойга чиқишни истайсан-у, зарранинг, бир иш ёки хотира, бир дақиқанинг ичига кириб жойлашасан..”

Қанчалар тўғри! Сейфига қарасанг триллионер, икки-уч миллионлик кўшкда яшайди, тагида қиммат машиналар, бўйи 1.95 сантиметр, кўркамгина, оқ-сарикдан келган, бир қарашда ҳавасинг келадиган одам. Бир қарасанг, шундай дардга мубтало бўлибдики! Балки, чекию векселларини, қарзларини тўлай олмагандир, хотини билан жанжаллашгандир, ширкати касодга учраб, хонавайрон бўлгандир, билиб бўлмайди. Мен ҳам худди шунақаман. Баъзан уйда ҳаловат излаб қоламан, баъзан дўстлар даврасида бир

нималар бўлиб кетадики, худди узум шив-гиллари қуриб қолгандек, шундай нарса-лар бўладики, ҳатто дарахтчалик фойдамини тегмайди, дарахтчалик нафас бўлолмаймиз бир-биримизга. “Бугун юрагим сиқилиб ту-рибди, кислород ишлаб чиқармайман” ёки “Бу йил негадир кайфиятим йўқ, мева бер-моқчи эмасман” деган дарахтни ҳеч кўрган-ман, шу неъматлар ичида беҳуда яшаган экан-ман. Тобора эриб адо бўлмоқдаман ва дардлашадиган кимнидир излаяпман. Дард-лашмоқнинг ўзи етмаса керак менга, мени тушунишни ҳам истайман. Шундай одам-лар борки, қўл остида минглаб киши ишлай-ди, бироқ шундай дардга мубтало бўладики, дардлашгани кимнидир қидириб қолади.

“Шу улкан дунёга жойлаша олмаган қал-бинг ва фикринг ўша заррага жойлашади. Энг кучли ҳисларинг ила ўша дақиқанинг ичида, ўша хотиранинг ичида айланиб юрибсан”.

Шу улкан дунёга жойлаша олмаяпти. На қалбим, на фикрим сиряпти, аммо ўша зарра-чага жойлашиб, сиғиб кетяпман. Шошма, эй ўзлимиз, бошингни айлантирмоқчи эмасман. Масалан, бир ўйлаб кўр, шу заррача кўм-кўк тўп бўлса ва биз сен билан бутун хаёлла-римизни ўша тўпнинг ичига жойлаштирадик. Тўпни чўнтакка урамиз-да, йўлимизда давом этамиз. Кетяпмиз, кетяпмиз, тоғлар ошиб, боғлар ошиб, юртлар кезиб, саёҳат қилдик, нима ўзгарди? Бошқа шаҳарларга, ўзга ди-ёрларга, ҳатто фазога учсак ҳам, ўша тўпи-миз биз билан бирга-ку доим. Бу қанақасига



дейишингиз мумкин, мана шундай: Аллоҳ билан ўртамиздаги ўша латоиф ришталари, яъни Аллоҳ билан алоқаларимни таъминлайдиган, база станцияси вазифасини ўтовчи маънавий аъзоларим, жиҳозларим кучсиз бўлгани учун ушланиб қоляпман. Ҳатто телефоним ҳам ишлаш учун база станциясига эга бўлган бир пайтда мен операторим билан боғлана олмаяпман.

Аллоҳга боғлаб турган ришталар узилиши билан ҳамма нарса узилиб кетади. Бу ришта қандай қилиб узилади демаслик керак, чунки нимадир нозиклашса, уни муҳофаза қилиш мушкуллашади, кейин эса ришталар узилади. Мана шунақа. Шунинг учун ҳам гуноҳларимнинг кичиклигига алданиб қолмаслигим керак, чунки бу бинони, катта саройни ва улкан оламни ҳам биттагина гургут донаси ёқиб, кулини кўкка совуриши мумкин. Ўт кетган ўрмонларни бир тасаввур этиб кўргин-а, кичик учқунлар қандай улкан алангаларга айланган.. Менга инъом этилган баъзи жиҳоз ва маънавий аъзоларни ўйлаб кўришингни истайман, ўзлигим, кўзинг чақнаб туришини яхши кўраман. Масалан, баданимни олиб қарасак, фараз қил, тиббиёт факультетидан мингта доктор тоғиб, юрагимни, кўзимни, миямними, қон томирларим ёки сал оддийроғи – тирноғимни чиқариб, сизлар докторсиз ва сизларга юз йил муҳлат, шу вақт ичида юрагим ёки тирноғим қандай жиҳозлигини тўлиқ кашф эта оласизларми десам. Бунинг эҳтимоли борми? Кўзимиз ажойиб санъат асари, қулоғимизнинг парда-



си ҳам мукаммал санъат асари. Юз йилда мингта доктор буларни ясай олармиди? Жавоби оддий – йўқ, бунинг имкони йўқ! Ҳайлаб кўргин-а, бу бетакрор санъат асари! Етмиш ёки саксон йиллик умр учун шундай мукаммал, бетакрор жиҳозларни менга ато этган Аллоҳ абадий охираат ҳаёти учун маънавий аъзоларимни қандай тайёрлаб қўйган экан? Муаззам, мукаммал, шундай эмасми? Аммо шу ўринда зиммамда катта масъулият бор – ўша маънавий жиҳозларимни ривожлантиришим, такомиллаштиришим зарур. Бунинг учун нима қилишим керак деб турсам, бирдан хаёлимга Марадона келди. Афсонавий Марадонанинг афсонавий яқуни. Футболдан кетгандан кейин югурмай қўйди, камҳаракатлик оқибатида вазни ортиб, қорин қўйди. Ундан сўнг гиёҳванд моддаларга берилди, футбол билан ҳеч қандай алоқаси қолмади. Буни нега гапиряпман, биласанми, чунки унинг давомийлиги йўқ эди. Шунинг учун ўша жойда ривожланишдан тўхтаб қолди, қобилияти ўлди. Ёки тош кўтариб, қоматини чиройли қиладиганларни эслаб кўр. Тинимсиз шуғулланадилар ва ниҳоят мушаклари шишади. Кун ўтган сайин шишаверади, машғулотларни ташлаб қўйишдими, тамом, қоматлари шалпайиб, мушаклари эриб кетади. Худди шунга ўхшаб, Аллоҳ билан ўртадаги ўша маънавий ришта, маънавий қувват кучаймаса, уйдаги оддийгина тортишув ҳам суд залида яқун топади. Ёки бошқа мисол, ширкатнинг касодга учраши эгасининг ўз жонига қасд қилиши билан яқунла-



ниши мумкин. Бир қарасанг, қаллиғи ташлаб кетса, қўлига дарров пичоқни олиб, томири-ни кесмоқчи бўлади. Барининг каттакон сабаби бор – маънавий аъзолардаги муаммолар. Бошланғич синфда яхшироқ ўқиб-ёзиш учун нима топса ўқийверадиган, дафта-римга қўйилган баҳо чиройлироқ кўриниши учун атрофига рангли қаламлар билан чи-зиб чиққан, мушакларимни ривожлантириш учун тинмай уринган мен маънавий аъзола-римни камолотга етказишни қандай қилиб кемтик қолдиришим мумкин?..

Яна биттадан қаҳва ичайликми, ичим? Бу сафар бироз шакари кўпроқ, мўл кўпикли бўлади, чунки менга ёқа бошлади. Маънавий аъзоларимизни такомиллаштириш фикри ҳам жуда ёқимли, шундай эмасми? Ҳақсан, ичим, аммо латоифларни қандай бузган-ман, шуниси муҳим. Университетда ўқиган кезларим кўз ўнгимда жонланмоқда ҳозир. Ўқишга кетар йўлимдаги қияликнинг ўнг томонида қарамаслигим лозим бўлган, кў-зим тегмаслиги керак бўлган бир жуфт кўз бор эди. Қарамаслигим керак бўлган, бироқ нафсимни томирларимда ақлдан оздирар даражада оқтирган биттаси бор эди ва то-мирларимдан садо чиқарди: шу кунгача асло қарамадим, бир марта қарасам нима бўла-ди, қолаверса, бу Аллоҳнинг раҳмат асари эмасми?.. Бемаънилик! Аллоҳнинг раҳмат асарини ҳаромда излашим аҳмоқлик эди. Аввалига бир қараб қўйдим шунчаки, қара-дингми, нима бўляпти ўзи дейишга ҳожат қолармиди? Бир марта қарадим, иккинчи



бор қарасам ҳам ҳеч нарса бўлмас дея қа-  
 райвердим. Ўша илк қараганимда томирла-  
 рим ҳаракатга тушган, оқаётган қоним бироз  
 тезлашган, вужудим ўша лаззатни ҳис эта  
 бошлаган эди. Нигоҳим қўлларига қадал-  
 ди, узун ва нозик қўлларига, кўзларига яна  
 бир бор тикиламан, қайрилма киприклари  
 жон олади. Узоқ термилиб қоламан, билин-  
 тирмасликка чираниб, худди узоқларга қа-  
 раб тургандек тикиламан. У ҳам узоқларга  
 боқиб, менга ўхшаб боғ-бўстон излаяптими  
 дейман ўзимга. У ҳам ўйчан тикилиб қол-  
 ган, кимнидир кутяптимикин. Гулзордан гул  
 териб оладиган оппоқ қўлларини тасаввур  
 қиламан. Балки, туш пайти стол устидаги  
 гулдонга солиб қўяр ўша гулларни. Қандай  
 гул бўлишининг аҳамияти қолармиди ўша  
 оппоқ қўллар тегса агар? Боя айтганимдек,  
 бир марта қарадингми, шўнғиб кетар экан-  
 сан бу дарёга. Зеро, биринчи қарашим ик-  
 кинчи қарашимнинг, иккинчи қарашим эса  
 учинчисининг исботи бўлди. Қилган ишлар-  
 рим кейин қиладиганларимнинг кафолати  
 бўлганга ўхшаш нарса. Нигоҳлар тушган  
 сари секин-аста яқинлашишлар ҳам бошла-  
 ниб кетаркан. Кўзларнинг тўқнашуви эса  
 танишувга уланиб кетаркан. Танишгандан  
 кейин чой ёки қаҳва ичмай бўларканми?  
 Қарабсанки, ширин суҳбат бошланади, ке-  
 йин эса қўл ушлашиб сайр қилишлар. Энди  
 илк палладаги уялишлар, кўзларни олиб қо-  
 чишлар қолмайди, ўрнини қучоқлашишлар  
 эгаллайди. Бу иш муаммоли бир нуқтада  
 ниҳоясига етади. Ҳолбуки, бир донagina



гугуртнинг ёниши эди, бир мартагина қараш эди... Уша кичкинагина гугурт чўпини хонамнинг ўртасига отсам, бутун бинога ўт кетиши эҳтимоли бор экан. Худди шунга ўхшаб, ўнг томонимдаги ҳаромга “Бир марта қарасам, ҳеч нарса бўлмайди-ку” десам, оқибати даҳшатли ёнғин бўлиши мумкин. Гиламнинг попукларига ўт қўйсам, фақатгина попуklar ёнадими ёки гиламнинг ўзи ҳамми?.. Ўйлаб кўриш шунчалар қийинми-ди, минг хил ҳийлани ўйлаб топиб, йўлини топа олмаган бошим-а!.. Бу, эҳтимол, фақат битта йўналишни кўрсатади – боши берк кўчани! Бу кетишда менинг барча маънавий аъзоларим ёниб кул бўлиши эҳтимоли бор. Боз устига, чиқиш йўли йўқ, ёпилган.

“Баъзи инсонлар дунёни ютиб юборса ҳам тўймайди, баъзилар эса биргина заррани ҳам ўзига жойлаштира олмайди. Бу худди бош бир ботмон тошни кўтара олгани ҳолда кўз битта соч толасини ҳам кўтара олмаслигига ўхшайди”.

Ҳа, етти-саккиз килолик бош бир ботмон тошни кўтара олади. Кўз эса нол граммлик соч толасини кўтара олмайди. Кўзим ичига кипригим тушса, бошимга фишт тушгандек типирчилаганларим келади кўз ўнгимга. Шу нол граммлик соч толаси инсонни қандай қийин аҳволга солиб қўяди-я.. Қурилишда ишлаётган бир ишчининг кўзига кичкинагина сим кириб кетса, кўзни кўр қилиши мумкин. Нега шундай бўлишининг жавоби жуда оддий аслида, чунки кўз ўта нозик аъзо. Нозиклашган сари ҳимоя қилиш қи-



йинлашади, қийинлашган сари чилпарчин бўлади.

Рўпарамда йўл бор, кимсасиз ва пўрта-хол ифорли дарахтлар билан безанган йўл. Чуқур-чуқур, тўйиб-тўйиб нафас оламан, демак, инсон фақат асабийлашгандагина шундай нафас олмас экан. Оёқларим остидан товушлар худди оҳанг билан рақс тушаётгандек чиқмоқда. Ичимдаги бовда яна бир япроқ тўкилди. Япроқлар фақат кузда тўкиладими? Баҳорда янгиланмайдими улар? Балки, бу ҳам шунақа баҳордир? Қани, пўртахол гуллари ичра шоколад ейишни давом эттирайлик.

“Баъзи инсонлар дунёни ютиб юборса ҳам тўймайди, баъзилар эса биргина заррани ҳам ўзига жойлаштира олмайди. Бу худди бош бир ботмон тошни кўтаргани ҳолда кўз битта соч толасини кўтара олмагани каби ўша латоиф ҳам соччалик оғирликни, яъни гафлат ва залолатдан келиб чиққан кичкина ҳолатни кўтара олмайди. Ҳатто сўнади ёки ўлади”.

Танага кириб қолган саратон ҳужайрасининг айнан шундай ҳужайра эканини аниқлаш учун ўттиз минг марта катталаштириш керак бўлар экан. Кичик нарсами у, оғирлиги қанча, ўлчови қанча? Кўз билан кўриб бўлмайдиган даражада кичик, микроскопда текширган пайт ўттиз минг марта катталаштиришга тўғри келадиган нарса. Тананинг бирор нуқтасига киргандан бошлаб бутун вужудни вайрон қилади. Бош мияга кичкинагина лахта қон тушиши миянинг



ишини бузади ёки юракдаги қон томирларининг тиқилиб қолиши юрак журужига сабаб бўлиши мумкин. Шундан экан, бир донагина гугурт чўпи бутун оламни ёндириб, кул қилиши мумкин. Қулоқларимда янграйдигача ичимнинг овози: гуноҳларимнинг кичиклигига алданмаслигим зарур. Нечта қанот керак бўларкин бу ёнғинлардан қочишим учун? Бирор бургутга осилиб олсам бўладими? Бургут деяпман-а, қанотларини берадиган ҳолатдаман-ку ўзим. **Майли, нима бўлса ҳам, хайрлиси бўлсин, яхшиликка бўлсин.** Яна саволларим ортидан йўлга тушаман.

Ҳаромга қарадим, нима ҳам бўларди? Бургун бомдод намозига тура олмадим, нима ҳам бўларди? Намозларимни кечикиб ўқий бошладим, нима ҳам бўларди? Атроф жуда ёмон, намозни бир мартагина қазо қилиб ўқисам, нима ҳам бўларди? Атрофимдаги ҳамма фоизга қўл урган, корхона очмоқчиман, ўз имконим бўлмагач фоизга қўл урман мен ҳам, нима ҳам бўларди? Бу пулларга машина сотиб оламан, ширкатимни ҳам очаман, эҳ!.. Одамларнинг баҳоналари, ҳа, битмас-туганмас важ-корсонлари қанчалар бемаъни туюла бошлади менга. Аслида баҳоналарим дейишим керак. Қулоққа қанчалик осон эшитилади бу, шундай эмасми? Маънавий аъзоларим шу тариқа зиён кўрмоқда, задаланмоқда. Кейин эса Аллоҳ билан ўртадаги ришта нега бунчалар кучсиз дейман. Ўзи йиқилган йиғламас, дейишарди-ку, мен бу ерда абгор бўлдим. Ўзимни ўзим чалдим. Кошки бир мартагина икки ракат кўпроқ



Ўқий деганимда! Саволлар, савол кетидан яна савол... Нима учун уйимда бундай муаммоларга дуч келяпман, бошлигимиз билан ўртамизда нега муаммо чиқаверади, Аллоҳ нима учун менга ҳам намоз ўқишга иштиёқ ато этмаяпти, нега тасаттурим нуқул кемтик? Энди тушуниб етдимки, буларнинг барига маънавий аъзоларимнинг заифлиги сабабчи экан. Сув тўла яшил идишимни синдириб қўйибман, остидан сув томчилаб қолибди, ичидаги сув нега тез тугаяпти деб ҳайрон бўлаверибман. Бу аҳмоқ калланг нимага ярайди дейман ўзимга, жаҳлим чиқади. Кучайтириб олсам борми, Аллоҳ намоз ўқишиштиёқини ҳам беради. Фоиздан фойдалансам, нима ҳам бўларди дер эдим-ку, ёдимга тушганлари миямни пармалаб ташляпти энди. Авлиё зотларни бир эсла, нима қиларди улар? Банк жойлашган кўчани айланиб ўтарди. Нима учун демоқчисан, тўғрими? Тушунмайсан-да. Қандай қилиб тушунасан бу ботқоқнинг ичида?.. Уларнинг маънавий аъзолари шундай кучли бўлганки, ўта эътиборли бўлиб қадам ташлашган, чунки ер сирпанчиқ. Дунёнинг сирпанчиқ ерида қандай қилиб нотўғри эшикларга бош урибман-а! Судя жаноблари, ўзимдан шикоятчиман!..

Ичимнинг шовқин-суронли дамларига назар соламан, ўшандай лаҳзаларда Аллоҳ билан риштам, муносабатим қандай эди? Исён қилдимми ёки ҳамд айтдимми кўпроқ? Ёнимда чордана қуриб ўтириб олган дардларимни қандай меҳмон қилдим? Ишлатилган электр учун ҳақ тўлашим кераклигини



билганим ҳолда буларнинг ҳисобини беришим кераклигидан беҳабар қолишим кулгили эмасми? Ҳаётимни ҳазилга йўйибман мен аҳмоқ! Нима, жонимни кўчадан топиб олганмидим? Кўчадан топиб олган мушукка ҳам тамхўрлик қиласан, жонинг шунчалар қадрасизми? Машина олдинг, кейин яхшироғини, кейин янада яхшисини, бу иш шундай босқич-ма-босқич давом этар экан, ўша илк оёғинг ердан узилаётгандаги нолишларинг ҳам кучайиб, кўпайиб борди. Фақатгина латоифларингни ривожлантира олмадинг! Охири бир неча метрлик чуқурлик бўлган гуруринг қанчалар ўсди, юксалди! Дунёни олмақанд деб ўйладим, шекилли. Маза қилиб едим қандини, қўлимда қолган чўпини эса ташлаш учун ахлат қутиси излаяпман энди. Яна жанжал бошладим, тўғриси айтмай, сени енгишни яхши кўраман, бу гал ҳам удалайман.

Қачон экканимни ўзим ҳам эслай олмайдиган ичимдаги уруғлар униб чиқиб, ниҳол бўлмоқда, барг ёзиб, гул очиб, мева тугмоқда. Ўзим билан ўзим бўлиб, суғоришни унутибман, лекин улар ўсаверибди, ранго-ранг бўлибди. Битта тупроқ устида туриб ўт-ўланлар, дов-дарахтларнинг сувсиз қолишини ҳеч ўйлаб кўрганмидим? Дарвоқе, боғимизни суғорамиз-у, нега одам бормайдиган жойлардаги ўтларни ҳеч ўйламаймиз? Ўйласак, бу ишни эплай оламизми? Уйимни, уст-бошимни тоза тутишга ҳаракат қиламан-у, кўчалар, коинот, сон-саноксиз мавжудотларнинг тозалигини нега ўйламайман? Яхшиямки, Аллоҳим мени бу ўйларнинг юкидан халос



этган экан, ҳозир фикр юритганим сари яхшироқ тушуниб бормоқдаман. Бутун бошли коинот бирор киши ёки ҳокимликнинг уриши билан тозаланиб қолармиди? Шунча одам чиқинди чиқаради, бу жойлар нега чиқиндилар диёрига айланиб кетмаяпти? Кўчалардан нега сассиқ ҳидлар келмаяпти? Уйини бир ой тозаламаса, ис босиб, юришга йўл тополмай қоладиган одамларнинг кўчалари, маҳалласини сира ис босмайди. Нега буларни сал аввалроқ ҳеч ўйлаб кўрмадим? Албатта, латоифларимда тиқинлар пайдо бўлади-да! Эндиликда ўша уруғлардан униб чиққан дарахтлар юрагимнинг туб-тубидан ҳайқирмоқда, яхшилаб назар сол демоқда, Аллоҳ имтиҳон қилувчидир. Кичкина арини, чивинни, филни, юлдузларни, қуёшни кўриб турган Зот, шу онда мени ҳам кўриб турибди. Аллоҳ мени ҳам ўзи истаганидек имтиҳон қилади!.. Шу гапни айта олиш учун ҳам маънавий аъзоларим кучли, қувватли бўлиши даркор.

Қара дейди яна, Аллоҳнинг қулларининг ишларини жой-жойига қўйиб турувчи ал-Жаббор исми бор. Турмуш ўртоғим билан жанжаллашдимми, эшикни зарб билан ёпиб ташқарига чиқдимми, юрагим сиқилдимми, ишим юришмай қолдимми, қўлимдаги боримдан айрилдимми, менга ёрдам керакми, худди мана шу нуқтада ҳис қиламан. Қалбимга ҳеч кимнинг қўли етмас эди, энди эса кимнинг қўли етишини яхши биламан. Кичкина чивинни ким яратган бўлса, қуёшни ҳам Ўша яратган. Унинг исми Жаббордир. Жаб-



бор бўлган Аллоҳнинг қўли қалбимга албатта етиб боради. Уша қўл қалбимга етиб боргандагина роҳатланаман. Унинг қўли юрагимга кириб борсагина тузаламан, яхшиланаман.

Қара дейди, Аллоҳнинг қуллари учун ёрдам берувчи ан-Носир исми бор. Қийин ҳолатимда, сиқилганимда, ҳеч ким ёрдам беролмаган пайтда “Ё Носир! Ё Аллоҳ!” десам, Аллоҳ ҳамма нарсани изига солиб қўяди.

Қара дейди, ҳар нарсадан хабардор бўлган Аллоҳнинг ал-Хобийр исми бор. Ё Хобийр! Миттигина қора чумолидан хабардор Аллоҳим! Сомон йўли галактикасидаги тўрт юз миллиард юлдуздан хабардор Аллоҳим! Қуёшдан, булутлардан, ёмғирлардан, ҳатто тупроқ остидаги кўрсичқондан хабари бўлган Аллоҳим!.. Ҳар нарсадан хабардор Роббим менинг дардларимдан беҳабар бўлиши мумкинми? Қаро тунларда Хобийрдан хабарим йўқ эди, агар маънавий аъзоларим тузук бўлса эди ва мен “Ё Хобийр! Ё Аллоҳ!” дея олганимда эди, бутун дарду ғамларим Унинг изни ила кичрайиб, йўқ бўлиб кетарди, буни билмабман...

Учоқдаги саёҳатга ўхшайдиган имон жамики дарду ташвишларни, охири йўқдек кўринган муаммоларни парчалаб, ун қилиб ташлайди. Кел, сен билан учоққа чиқиб, бир неча дақиқа саёҳат қилайлик. Учоғимиз мовий осмонга юксалган сари паға-паға булутлар орасидан замин жуда кичик бўлиб кўрина бошлайди. Барча шовқин-суронлар, тўс-тўполонлар кичрайиб боради. Ер юзи худди лабиринтга ўхшайди. Агар маънавий



аъзоларимни ҳақиқатан кучайтира олсам, Аллоҳ билан алоқаларимни доимо “Ё Хобийр! Ё Жаббор! Ё Фаттоҳ!” дея мустаҳкамла-сам, дардларим худди учоқдан қарагандек кичрайиб кўринади. Осмонга қарасам, енгил тортаман, у ер сокин, жим-жит туюлади. Ер юзи ҳам шундайми? Унга қараган сари овозлар кучайиб, кўпайиб бормайдими? Қанчалар чигал, қанчалик алфов-далфов бўлиб кўринади. Дунёга кўмилган сари, овозлару ранглар ҳам, одимлару нафаслар ҳам шаклини йўқотгани сари мен ҳам шундай бўлмайманми?.. Ўзимдан, дунёдан қанчалар холи бўлсам, шунчалар хотиржам тортаман.

“Модомики, шундай экан, қадамнингни эътибор билан бос, чўкиб кетишдан қўрқ. Биргина луқма, биргина сўз, битта данак, битта шуълада, биргина ишоратда, битта ўпичда ботиб кетма. Дунёни ютиб юборувчи буюк латоифларингни унда чўктирма. Шундай кичик нарсалар борки, катта нарсаларни бир ҳамлада ютиб юборади”.

Мен қаерда эътибор қаратишим керак, қаерда диққат билан босишим керак қадамимни? Масалан, миналаштирилган майдон. Сурия чегарасида миналаштирилган майдонда бўлсам, диққат билан босаман ҳар қадамимни. Ўша ердан ўтиш, миналарнинг жойини аниқлаш учун менга махсус қурилма керак бўлади. Ўша қурилма бўлмаса, майдондан ўтишнинг иложи борми?.. Улкан коинотни ҳам худди шунга ўхшатаман. Бу коинот ми-назорига қарасам, бир томондан савдо-сотик, бир томондан мактаб-ўқиш, яна бир томон-



дан оила ҳаёти, фарзанд тарбияси, келажак борасидаги андишалар, тирикчилик масалалари, бир томондан психологик муаммолар... Қарайверганимдан бўйним қотиб қолади. Жаноб доктор, сиздан бўйнимни тузатиш учун нимадир илтимос қилсам бўладими?.. Ҳар бири минадек бўлган бунча ташвишларни ўлчай оладиган ва жойини аниқлайдиган қурилма ҳисобланадиган маънавий аъзойим, яъни латоифларимни кучайтириб, Аллоҳ билан ришта ўрнатган пайтим менга бир сигнал, огоҳлантириш келади. Бу ерга яқин келма дейди. Ҳа, ўша жойдан узоқроқ тур! Балки неча йилдан буён ҳаракат қилсам-да, имтиҳондан ўтолмадим ва ўқишга киролмадим, ҳам тайёрлов курсига пул тўладим, ҳам оиламинг ҳафсаласини пир қилдим, балки турмуш қуриш пайти келди, аммо ишсизман, балки умид қилган нарсаларимга эришиш учун уриндим, лекин ўйлаганим бўлмади. Тўхта, эй мен, тўхта! Эй нафсим, эй ичим, тўхта! Хобийр бўлган Зот бор, менинг шу аҳволимдан хабардор. Демак, муаммо йўқ. Демак, шу воқеа-ҳодисаларда мен учун бир хайр, ҳикмат бор. Сен шошмай тур. Диққат билан бос қадамингни, чўкиб кетишдан қўрқ, бир луқма, бир сўзда ботиб кетма... Ҳа, эҳтиёт бўлишим керак эди. Еган-ичганимга эътибор беришим керак эди. Мазаси оғзимда қоладиган тирамису<sup>4</sup> бор-ку, ҳа, ўшанда бир граммликёр бўлса борми, бор-йўғи бир грамм, кўп эмас, бир граммгина! Йўқ, асло! Йўқ, бунақа-си кетмайди! Еган-ичганларимга эътибор бе-

<sup>4</sup> Ширинлик тури.



ришим керак. Йўқса, маънавий аъзоларимга зиён етади, кейин эса нега бошимга бунча ташвишлар келмоқда деб куйинаман. Ўзим беэътибор бўлсам, бундай кўргиликлар менинг бошимга келмай кимнинг бошига келсин?.. Ҳатто учаётган қушлар ҳам бир-бири билан кимўзарга мусобақалашаётгандек юксалаётган биноларга урилиб кетмайди, эҳтиёткорлик билан учади, мен нега бепарво бўлай, шу қушларчалик ақлим йўқми?..

Баъзи нарсалар борки, ўзи кичик кўринса-да, диққат билан қаралганда менинг бутун дунёимни ютиб юборишга қодир. Гугурт чўпи ёдимдан чиққани йўқ, худди шунинг каби кичик кўринса ҳам, қилар иши, зиёни улкан бўлиши мумкин, ўзи ҳамма нарса шу гугурт чўпидан бошланади, ҳамма нарса бир қарашдан бошланади, бир луқма, бир марта эшитиш, бир марта гапиришдан бошланади. Гуноҳларимни кичик деб билмайман. Қандай қилиб кичик дейишим мумкин? Гуноҳнинг энг қийин жойи бошланиш қисми эмасми? Аввал ўша қийинчиликни ошиб ўтаман, худди доvon ошгандек. Кейин оддий ҳолга айланган сари юрагим сиқилиб, янада каттароғини излай бошлайман. Охир-оқибат, қалбимда, маънавий аъзоларимнинг бошида худди кундошдек пайдо бўлганини кўраман. Ҳа, унга худди шундай ҳолатда дуч келаман. Нега намозларим оқсамоқда, нега тилим ғийбатлардан бўшамаяпти, нега сигаретани ташлай олмаяпман, нега тасаттуримга эътибор қилмайман, нега, нега дейиш йўқ энди. Хўш, нима қилишим керак? Маънавий аъ-



золаримни текширишим керак! Бори шу хос-лос, фақат шу! Тушкунликка майлинг бор-ми, тўхта ва латоифларингни текшир! Аллоҳ мени тинимсиз қийин аҳволда қолдирыпти, мени севмасмикин дейиш қанчалар худбин-лик! Мен нима қиляпман ўзи, қанчалик сева оляпманки, севилишни сўрайин!.. Устига-устак, уялмай-нетмай! Аллоҳ мени севмас экан деган гапни йиғиштириш керак, йўқ бундай гап! Жавоб аниқ – менинг Аллоҳга бўлган муҳаббатимда кемтиклик бор. Нима, мен чойманми, кутган сари кўпроқ дамлан-сам. Кутган сари ботиб кетяпман, ҳатто кўр-май ҳам қоляпман..

Ҳатто битта киприкнинг ҳам ўхшашини ясай олмайдиган мавжудотмиз, эй Аллоҳим, бизларга нималарни ато этгансан-а! Сенинг “Бўл!” дейишинг билан пайдо бўлган мен қанчалик арзимас ишларга урибман ўзим-ни. Мен адоғини кўролмайдиган уммонла-ринг турганда қизил денгизлар излашимга қандай ҳожат бор эди? Агар Сен “Бўл!” де-маганингда ва мен яралмаганимда, ким из-ларди мени, ким сўраб-суриштирарди, ким соғинарди, ким севарди?.. Сен “Бўл!” дема-ганингда, ичимни қайси кўнгил илита олар-ди? Сен “Бўл!” демаганингда, қайси либос ярашарди менга? Сен “Бўл!” демаганингда, шу чексиз коинотда қайси жойни эгалла-шим мумкин эди? Ё Роббим, қанчалик кат-та кетганимни англадим, энди билсам, жуда ожиз эканман. Сен эса жаннатни ваъда қи-либ турибсан... Бор қилмасанг, яратмасанг эди, ўша жаннатларнинг қандай аҳамияти



буларди? Яратилмаганимда нимага толиб була олардим?

Галата минорасига<sup>1</sup> илк бор ким билан чиқсанг, уша билан турмуш қурасан деган гап қуруқ сафсата экан, аслида илк бор Қуръонни қаерда ўқисанг, уша жой ҳузур-ҳаловат топган жойинг буларкан. Утмишимга бошқатдан назар соламан ва қайти йўлга чиқаман ўзимча. Кетганлар ортидан жимгина боқаман ва шивирлайман: "Сен бораётган қалбимда ҳалинчагинг тайёр эди, эй дўст. Мен болалигимни қолган жойидан Аллоҳ билан катта қиялман. Абадий ҳаётни тафаккур қилган дамларда фоний борлиққа ташаккур айтмайман энди. Қалбимдан шунчаки бир ҳарфдек осон ўчирилмоқдасан, йўлинг Аллоҳга олиб борсин!.."

Хаёлларимдан сузиб чиққан кеманинг саёҳатига бориб тақалади менинг ҳикоям.

Тош-тупроғини кўзимга суртган, деворларига келажакимни ўйиб ёзган ва остонасини ошеним деб билган сафардан бошланади...

(Ё Роббим, биз ҳар кеча саждада гапирувчи паст овозли қулларингмиз!) Ҳузурингга келдим! Ғамгинликларимни олдим-да, шунчаки бир жомадонга солдим, Аллоҳим. Камчиликларимни қучоқлаганча бир амаллаб келдим. Оёқларим чанг-тўзонга ботди, лой йўллардан ўтиб келдим. Қўлларим совуқдан ёрилиб кетди, кўзларим кўр, қулоқларим кар, туртина-суртина келдим, Роббим. Сенга келдим, ҳеч нарса сўрамайман, мен

<sup>1</sup> Истибулдаги тарихий минора.



фақат Сенга толиб бўлиб келдим! Сенинг розилигингга талабгорман, валлоҳ, биргина Сени деб ёниб келдим. Чўлу биёбонларда қолмадим, тошйўлкаларда тонг оттирмадим, аро йўлларда масхара бўлмадим, ўзгаларнинг ортидан эргашиб кетмадим, мен Сенга келдим, Роббим. Жойнамоз пойини маскан этиб олганман, кўшкларни нима қиламан, саройларда нима ишим бор? Бармоқларимга тасбеҳнинг ҳар бир тошини тизганча келдим, Сенинг номингни зикр этар эканман, уша ифлос шишалар менга нега керак? Кўзларим бир бор Сенинг санъатингни кўрган экан, нима қиламан ёлғончи гўзалликларни? Сендан ўзгаси йўқ, Аллоҳим. Сендан кейини ва аввали ҳам йўқ! Мен туғилдим-у келдим, мен-мен деган тилимни Сен дея, Сен учун куйдириб келдим. Сен, Сен дея чанқадим ва бир ҳовуч сувингдан ичмоққа келдим...

Шу қабз<sup>6</sup> ҳолатида дейманки, нимага яқинлашсам, охири узоқликдир, Аллоҳдан ўзга яқинлик йўқ. Қалбимни яхши билгувчи Аллоҳдир, уни даволовчи ҳам Унинг Ўзидир. Аллоҳ мени танг аҳволга солаётган бўлса, демак, қалбим ором олиши учун "Бас, албатта, қийинчилик билан осончилик бордир. Албатта, қийинчилик билан осончилик бордир"<sup>7</sup> дейман ва Аллоҳга таваккул қиламан. У сабр қилувчилар билан бирга, Аллоҳ мен билан биргадир.

<sup>6</sup> Сиқилиш.

<sup>7</sup> "Шарҳ" сураси 5-6-оятлар.



*Ошиқ эмассан, шунчаки  
сормонларинг жунбишга келган*

Кечаси алламаҳалда қўққисдан хаёлимга келди: худди қўрқинчли тушдан уйғонган-дек бўлиб чопасан у томонга, аммо югургандан нима фойда, қўлини чўзадими сенга? Чўзди ҳам дейлик, мен ушлай оламанми? Вақт ҳовучларим орасидан тўкилиб кетар экан, буғдой донасини ушлагандек тугтиб қолишим мумкинми? Балки бош қўйса бўладиган бир елка изладим, балки ишонч, балки жасорат, балки...

Соат миллари илдамлаб, ўша оғриқ мени яна йўқлади. Худди ярага туз босганга ўхшайди. Бу санчиқларни қандай қилиб тиндирса бўлади? Бошқа бир жуфт кўз керакми ёки бошқа елка? Йўқ, ҳеч бири тўғри келмайди. Бошқаларга ўхшамайди, гўё у бутунлай бошқача. Мени тушунадиган, мен унинг парчаси бўлган кимдир керак. Зеро, айрилиқлар ҳам шундай эмасми? Тубини сувўтлар босган денгизда йўлга чиққан қайиқнинг ортидан қўл силтадим. Устига-устак, бир чети синиқ, хира рангли қайиқ. Кетганлар туриб қолмади, келганларни эса мен истамадим.

Тонгга яқин соатнинг узун мили калтасини уйғотмасидан аввал шундай ўйлаётган эдим. Кулдиргичимда мойчечакнинг синиқ банди



ила уйфондим. Мойчечагим сўлфин, қуёшни кам кўрганидан бўлса керак-да! Йўқ, турган жойини ёқтирмагандир, балки. Саригининг ранги бироз ўзгара бошлабди кемтик табас-сумлар соҳилида, мойчечакча жилмайиш билан ўзимни қучоқладим. Худди шу пайт ёнимга банди синиқ саволлар тушди. Илк айрилигимни эслай оламанми? Илк изтиробимни-чи? Юрагимнинг илк уришларини? Балки бир қўл, балки бир иш, балки бир дўст, нима фарқи бор, буларнинг бари юрагимда ўзига бир парча жой ажратиб, тинмай ўзини ҳар тарафга ураётган айрилиқдир, шундай эмасми?.. Худди шу алпозда юрагимни тинмай ўйиб-ўймоқлаётган... Балки автобус бекатида, балки поезд вокзалида, балки бирданига ойнага қараганимда... Қанча чизиқ тушди ҳуркак юзимга? Йўқ, эй билагон ақлим, сен ўйлагандек эмас, мен Роббим учун, Унинг ризосига эришиш дея қанча чизиқлар тушди экан юзимга демоқчиман! Кечалари неча бор уйфондим дўзах оловларини кўриб... “Роббим, Сендан ўзгасини истамайман” дея қанча тўлгандим тунлари? Қанча санчиқлар, изтироблар толдирди юрагимни? Бир жуфт кўзнинг орзусида эдим-ку, ўшанга қарай-қарай, ҳаром ишқда кирлана-кирлана сўнди кўзимнинг нури. Айтсанг-чи, кечалари руҳимда неча бор имон ҳақиқатларининг изтиробини торта-торта даво изладим?..

Илк айрилиқ дедим-ку, бу иш шундай бўларкан, ҳатто вужудимдан ҳам айрилар эканман бу дунё билан видолашар чоғи. Кулиб, хурсанд бўлиб хайрлаша олармикинман



қўл силтаганча? Йўқса, тупроқ бўлсам эди, бу хатоларни қилмасам эди дея тиззамга урамайми? Тиззаларим-а, оҳ бечора тиззаларим, ҳали мазорда чирийдди булар. Қараб тўймайдиган баданим эса қурт-қумурсқаларга ем бўлар экан, қанчалар қийматсиз кўринади кўзимга. Неча тийин тураркин бадан либосим? Тур ўрнингдан, биларон ақлим, ойнага боқ, ким бор юзингда, ким бор кўзларингда? Мен сўрамасам-да, бу саволни бир кун келиб азоб фаришталари ким бу кўзларингдаги бегона дея ёқангдан олади. Ойналарда Роббингни кўра оляпсанми, сени йўқдан бор этиб, сенга ўзига хос бармоқ изи ато этган Роббингни, Унинг ўхшаши йўқ санъатини кўра оляпсанми? Ҳа, сенга айтяпман, эй нафсимнинг хилватлари! Ақлимнинг бу сатрлари сен учун ва қадрини билишинг учун. Мен жаҳаннам ўтини бўлар даражада воз кечдимми сендан? Жавобим қандай бўлишидан қатъи назар, агар билсанг, Роббим мендан воз кечмади. Ҳа, воз кечмади. Бу сатрларни қалбим ойнасига гул ифорли тўрваларда тақдим этган ҳам У бўлади. Бармоқларимга қара, бу изнинг ўхшаши йўқ чексиз коинотда. Ҳаётим бошланиш, ривожланиш ва яхшиликка деган бўлимлардан иборат экан, истасанг тошларнинг остини қараб кўр, тоғларнинг денгизга туташ қояларини кез, уммонлар остидаги дурлар орасидан изла, истасанг булутларга қўл узат, балки, кимсасиз оролларга.. Йўқ, асло топа олмайсан. У менга кифоя қилади. Йиқилсам ҳам, турсам ҳам, олаётган



ҳар бир нафасимда ҳам у менга кифоядир.  
 Ҳаётимни бағишлаганларим йиқилсам, уш-  
 лаб қоладигандек шай турарди. Йиқилдим,  
 ва улар кетиб қолди. Зарб билан йиқи-  
 лишнинг аччиқ изтироби билан йиқи-  
 “Аллоҳ!” дедим. Беихтиёр, аммо юракдан  
 чиқди. У тутди қўлимдан, йиқилган жойим-  
 дан турғазди, шилинган-тилинган жойим-  
 римга малҳам берди. Шундан кейин йиқил-  
 мадим, бир жойим иккинчи марта синмади,  
 чунки Роббим йиқилажак еримни яхши би-  
 лади, У доимий қўлловчим, суянчимдир.

Эй сассиз-садосиз, сокин диёрим! Эй хо-  
 муш қалбим! Қани, кел, сен билан руҳим-  
 нинг сокин водийларига, қояликларига саё-  
 ҳатга чиқайлик. Руҳимни изтиробларга  
 кўмишимга рухсат берган эдинг, энди уни  
 холи қўй, бироз эркин бўлсин, бемалол на-  
 фас олсин, жуда чарчади, энди дам олишга  
 ҳаққи бордир? Сукунат ичра, яшилликлар  
 аро ҳаловатга тўла саёҳат бу. Қадам-бақа-  
 дам, бемалол нафас олган ҳолда. Қара, хув  
 анави бурчакда илк хафалигим турибди.  
 Ўша, мен ҳеч кимга тушунтира олмаган,  
 изоҳлай олмаган қайғум, уни Роббим кўрди  
 ва эшитди. Ўша куни, балки, ҳақли эдим,  
 шафқатсизларча хафа қилишди, аммо  
 биласанми, агар мен жаннатни қўли би-  
 лан итариб ташлайдиган аҳмоқ бўлмасам,  
 жаннатимга бир неъмат юбордим. Жуда  
 ҳам ҳаяжонли, шундай эмасми, қалбим?  
 Ҳа, худди шундай, ҳозир қанчалар тез  
 уряпсан-а, дукурлаб уряпсан, ёноқларим  
 қизаришининг боиси ҳам сенинг тез ури-



## Хайрамси

нингдир. Аммо шошилма, ўлгач, ожиратга кетгач у мени топади...

Секин-аста олдинга юрайлик. Қушларнинг овозини эшитяпсанми, қандайин роҳат бахшида этмоқда кемтик ҳаётимга. Бу, албатта, ўша кунни мен Роббим учун тарк этган туноҳнинг эвазига инъомдир. Ҳа, айтмоқчи, қушлар йўлини қандай қилиб топади? Йўл хариталарини қаердан, неча пулга олган? Ариларга ким илҳом бераётган бўлса, қушларга ҳам йўлини кўрсатган Ўшадир! Қайгурма, У ичимдаги сокин ирмоқларга ҳам йўлини кўрсатиб қўяди. Рўпарадаги кичкинагина булут менинг илк кўзёшларимни ёвдирмоқдами? Ёлғизман деб мунғайган тунларимнинг томчиларими булар? Ўша булут тарқаб, дунёга юзини кўрсатган қуёш Роббимнинг менга шоҳтомиримдан ҳам яқинлигини ҳис қилган лаҳзаларга тегишли, ҳойнаҳой. Бу осмонлар меники, бошингни юқори кўтариб бир қара! Мен роҳатланишим учун Роббим доимо тик тутиб турибди қуёшни, ойни, юлдузларни ҳам. Жойнамозим неча метр нарида? Бу фикрлар қуршовида қанақасига ёлғиз бўлишим мумкин? Кўра олмаслик, ушлай олмаслик ёлғизликми? Бир онанинг илк ҳаяжонини ўйлайман, ичида жимитдек оёқчалар борлигини. Гўдагини кўрмаса ҳам, овозини эшитмаса ҳам, кимга ўхшашини билмаса ҳам, шу ҳаётда ундан бошқа қадрли нарсаси йўқ, бўлмаса ҳам керак. Вужудидаги жонга ўз жонини иккиланмай фидо қилиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, инсон вужудининг



оғриқларга чидаш ҳолати энг юқори 45 дел<sup>9</sup> бўлгани ҳолда Аллоҳ оёқлари остига жаннатини қўйган аёллар туғуруқ асносида 57 дел оғриқ-изтиробга, яъни оддий қилиб айтганда йигирмата суякнинг синишига тенг оғриққа чидар экан. Энди эсладингми илк айрилигимни? Киндик ичакчам узилган онда мен айрилган инсонни, онамни! Мен ўша илк айрилиқнинг туғилишиман, илк нафас олишим, илк кўришим, илк ҳидлашим, илк эшитишим, ичимга тўлган илк ҳаво... Айрилиқларим ҳаётимга айланди, чунки бу Роббимдан келган муқаддас буйруқ. Манбаси Роббимда бўлган нарса қанақасига айрилиқ бўлсин? Севиш қобилияти ҳам Роббимнинг менга берган буйруғидир, қандай қилиб бу севгининг охири бўлсин? Лекин ўзгариши мумкин, бошқача тус олиши мумкин, худди буқаламунлар каби. Роббим ўз соясидан бир миқдор севгини ер юзига сочиб юборди. Тарқалди бутун оламга ва мен шуни биламанки, қўлимни қаерга узатсам, Уни ҳис этаман.

Энди менга қара, синиқ табассумим, ҳозир ўнг қўлимни чап қўлимнинг устига қўяман, илтимос, сен ҳам такрорла. Бир қўлимни иккинчисида ҳис қилишим неча сония вақтимни олди? Мана шунчалик ҳам узоқ эмасман Роббимдан, ҳар нарсадан яқинман Унга.

Мен ёлғиз яшайдиган мавжудот сифатида яратилмадим, шунинг учун ҳам атрофимга инсонларни бирма-бир тизиб қўйган

<sup>9</sup> Ёзувчи ўлчов бирлиги сифатида келтирган, аслида бундай ўлчов бирлиги мавжуд эмас.



Роббим менга ижтимоийлашиш хислатини тақдим этди. Сеник табассумларингни туйлай қол энди. Доимо кимлар биландир алоқада бўлишга уринишларим, кимларгадир эҳтиёж сезишимнинг боиси шу. Аллоҳ бу хислатни фитратимга жойлаштирган. Шунинг учун ҳам янги бошлаган ўқишимда, ишимда, янги жойларда илк кундан бошлаб ўзимга мос дўст излашга киришиб кетаман. Сен ҳам ҳақлисан, кўпинча дўст ёки умр йўлдош танлашда адашганимга, изтироб чекишимга сен ҳам гувоҳ бўляпсан. Ҳатто эркалатиш учун қўлимни чўзган мушукча ҳам тирноғини этимга ботирыпти. Ҳолбуки, севиш, эркалатиш бахтиёр этувчи туйғу эмасми? **Зеро, ҳеч ким алам-изтироб чекиш учун яхши кўрмайди. Инсонлар нега севган нарсаларидан озорланишади?** Ўйлашимча, бу ерда аввало ишқни тушуниб етишим керак, таърифлашда хатога йўл қўйган бўлсам керак. Аммо ишқнинг ягона таърифи йўқ-ку, турли маданиятларга мансуб кишилардан сўрасак, бир-биридан умуман ўзгача жавоблар оламиз ёки бир маданият вакилларида сўралса ҳам, жавоблар турлича бўлади. Кимдир дунёдан сўз очади, кимдир турмуш ўртоғи, кимдир фарзанди ёки кимдир мол-дунёси, кимлардир ҳаром ишқи ҳақида гапирди, чунки инсон нимага муҳаббат қўйса, ўшани ишқ деб ҳисоблайди. Одатда юрак ишқ билан боғлиқ аъзо сифатида тилга олинади, аммо инсон томирларга қон ҳайдаб берувчи шу аъзоси билангина севадими?.. Оҳ, сеник кулгиларим!



Кейин билсам, вужудимиздаги баъзи гормонларнинг таъсири қарашларимиз, фикрларимизга катта таъсир кўрсатар экан. Бу мавзуга "Юрак ургани учун севадими ёки севгани учун урадими?" деган савол билан ёндашишимиз мумкин. Яъни қарама-қарши жинс вакилини ёқтириб қолсам, мени мана шундай руҳий ҳолатга туширувчи бир мана ча гормонлар бор экан аслида. Масалан, дофамин деган гормон асаб ҳужайралари орасида алоқа воситасини бажарувчи, менинг билагон миямда ишлаб чиқарилувчи гормон экан. Ана ўша гормон бахтиёрлигим, хатти-ҳаракатларим, хотирам, руҳий ҳолатим, қарши жинсга интилишим ва эътиборимга катта таъсир кўрсатар экан. Оппоқ гуллар орасида тўқ сариқ рангли варрагим билан югуришимга ўхшаш. Аммо бунинг ошиқчаси мия ҳужайраларини зўриқтириб, билагон бошимни гангитиб юбориши ҳам мумкин экан. Демак, бу гормоннинг ишлаб чиқарилиш мувозанатини ким назоратда ушлаб турган бўлса, энг яхшисини, энг тўғриси-ни ҳам ўша билади. Серотонин гормони эса ўзимни янада яхши ҳис этишимни таъминласа, окситоцин гормони меҳр-шафқат ва бағрикенглик туйғуларимни орттирар, шу билан бирга, қарши жинс вакилига тез ишончимга сабабчи бўлар экан. Шу боис ҳеч кимга ишончим қолмаган пайтларда ҳам бирданига қарши жинс вакилига нисбатан ҳаддан зиёд ишонч пайдо бўлиши мумкин эди менда. Нима, сабаби фақатгина ўша гормоннинг ажралиши эдими дея кўзим



ачишгандек бўлди. Юрак уришимнинг тезлашишига сабаб бўлган, қўлларимни терлатган, ёноқларимни қип-қизил олмақандга айлантирган норадреналин гормони экан, унинг ажралишига эса ҳаяжонланиш туртки берар экан. Узр, қараб юборасизми, икки порция серотонин, илтимос!..

Фақатгина гормонлар эмас, атроф-муҳит, давралар, биз тушиб қолган шароит ҳам қарши жинсга нисбатан ҳис-туйғуларимизга ўз таъсирини ўтказишади олар экан билсам. Масалан, бу гормонлар руҳий қийинчилик пайтида, фалокатлар чоғида, айрим жароҳатларга сабаб бўладиган кўнгилсиз ҳолатларда фавқулодда ортгани боис бундай пайтларда менинг қарши жинсдан таъсирланишимни янада осонлаштиради. Яъни фалокат пайтида ошиқ бўлиб қолишим эҳтимоли ой нурида, ёмғир остида юрганда ошиқ бўлишим эҳтимолидан юқорироқ. Оҳ, синиқ кулгиларим, ишонган кишимнинг қийин пайтларда ёнимда бўлиши туфайли гормонларим ортишини ҳеч ўйлаб кўрганмидинг? Буни қаердан ҳам билардим!..

Одамлар барларда, кўнгилочар марказларда танишиб, бир-бирларидан таъсирланганини ўйлайди. Аслида у ерлардаги кучли ёриткичлар, овоз тизимлари ва саҳна безаклари уларнинг гормонларини жунбишга келтиради холос.

Қизиқ-да, демак, мен эмас, гормонларим севиб қолганми уни? Гормонли севгимиди? Ҳой, қалбим, мен томонга бир қараб юбор! Туни билан шеърлар бағишлаб чиққаним,



сенсиз яшолмайман деганим, “Ўзимдан ортиқ севаман” деган кишимга яна бир марта қарасанг-чи. Бўлди-бўлди, ақллигим, хўп, виждонан ўйлаб кўраман. Уни яхши кўрадим-ку, усиз яшай олмасдим-ку, у менинг бутун борлиғим эди-ку, у бўлмаса қаро тун кулранглашиб қоларди-ку, айнан у йигирма кило семириб кетса, сочларининг ранги ўзгариб қолса, одамларнинг кўзига хунук кўринса, барибир унга аввалгидек қарай олармидим? Унга аввалгидек ошиқ бўла олармидим? Айт, қалбим, сен севдингми? Агар жавобинг “йўқ” бўлса, хафа бўлмаслигим керак, мен ошиқ эмас эканман, шунчаки гормонларим ишга тушган экан. Ҳолбуки, баданларимиз чириб, йўқ бўлиб кетади, руҳларимиз қолади, шунини тушунмабман.

Аллоҳим, келгусида азият берадиган инсонларга мени рўпара қилма!..

Севги меҳнатни тақозо этади, чунки у Аллоҳнинг буйруғидир. Севги учун юрак лозим, чунки юракни Аллоҳ яратган. Ишқ шиддатдир, аммо у ҳозирги замонда ёймачиларнинг қўлидаги ҳеч ким сотиб олмаган китобдан бошқа нарса эмас! Ўша услуб кимники эканини билмайман, аммо фарзлар ҳаммамизга тегишли. Мен эса юқоридан қаралганда ўқишни билмайдиган олимман. Қўлимга олган қаламлар тинмай жигаримнинг расмини чизаверибди. Куйик ҳидини сен ҳам сезяпсанми? Ўқишни билладиганни доимо излайман, балки охири топарман ҳам. Аммо топганим сўқир кўзли бўлиб чиқади, худди сув излай-излай шўр сув ичгандек. Димоғим



куйди тўғриси... Ҳафсаласи пир бўлган яна менман. Ишққа сира етишолмаяпман деб ўйлайман. Ёки ким билсин, ишқ мендан қо- чаётгандир, буни қаердан биласан? Балки, ифлос қўлларим билан унга тегиниб, кир қилиб қўйишимни истамаётгандир? Балки, ҳақиқий эгасини кутаётгандир, бу ҳолатда мен кераксиз, кутилмаган меҳмонларнинг қадоқ босган қалбига эга одамман.

Оҳ, қалбим, шунчалик қадоқ босиб кетиб- савки, ҳеч нарсани сезмайдиган бўлиб қо- либсан. Рўпарамда сурбет бир ойнага кўзим тушади. Қара, қандай тўнғиллаяпти “Юрак- ларингиз дунёни кўриб ишқ деган, пулни ушлаб ишқ деган, мансабга ёпишиб ишқ де- ган, ишга ўралашиб ишқ деган, ҳаромга қўл уриб ишқ деган” дея. Аслида ноҳақ эмас- сан, чунки қавариб кетган юракларимиз би- лан ҳақиқий ишқни ҳеч қачон ҳис этмаган эканмиз. Булутларга тегинганда улар йўқ бўлиб қолгандек, гўё чўлнинг ўртасида сув- сиз қолгандек, қадоқ босган этга айланган юракларимиз билан ҳис қилолмабмиз.

Инсон яратилган кундан бошлаб доимо бир нималарни севишни, баъзан ошиқ бў- лишни истайди, чунки юрагида сўнмаган оташ бор, уни ўчириш менинг ҳам хаёлимга келмаган. Қанчалик изтироб чекмайин, қай- тадан севиб қолиш илинжидаман, чунки Аллоҳ мента бениҳоя севиш қобилиятини ато этган. Қадоқ босган бўлса-да қалб сўрай- ди, адоғи бор дунёда адоқсизни севиш мум- кинми дея. Демак, биз севиш деб ўйлага- нимиз бир нарсанинг соясидан иборат экан.



Асосий масала уни назоратга олиб, тўғри йўналишга солишдир. Қолаверса, Роббим мени севиб яратгач, ҳеч ким севмаса ҳам бўларди. Ҳаётимда хаёлимда ким бўлса, Унга ошиқ бўлиб тарк этаман дунёни. Вужудимнинг тўртдан уч қисми "хайрликка" бўлган экан, ўз-ўзимга дейманки, ҳаромларнинг қаршисида "Ла ҳавла" дегин ва олға бос!

Гўдакнинг қўл-оёқлари, жигарлари ёки юраги туғилгандан сўнг эмас, она қорнидалигидаёқ пайдо бўлади. Бу дунёда лозим бўлувчи ҳар бир нарса унга онасининг қорнидалигидаёқ инъом этилади. Худди шунингдек, абадий ҳаётда ишлатишимиз учун Аллоҳ бизларга бениҳоя севги туйғуси ҳам ато этган. Шунинг учун қўриқшига ҳожат йўқ, қалбим. Севишни ёки ошиқ бўлишни исташигдан табиий нарса йўқ, чунки Аллоҳ севиш қобилиятини ҳам ато этган.

Ҳа, севишга севайлик, аммо нимани? Менга севиш аъзоси берилди, бироқ бу юрак билан нимани севаман? Қандай севишим ҳам сира хаёлимга келмаган. Кейин ҳушини

\* "Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи" – ўзгартириш ҳам, қувват ҳам фақатгина Аллоҳ ила бўладир деган маънони билдиради.

Али ибн Абу Толиб (розияллоху анху) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) менга: "Эй Али, кийин ахволга тушиб қолганида айтиладиган калималарни ўргатайми?" дедилар. "Аллоҳ мени сизга фило қилсин, ўргатинг", дедим. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Агар кийин ахволга тушиб қолсанг, "Бисмиллаҳир роҳмаһир роҳим. На ла ҳавла ва ла қуввата иллаа биллаҳил алиййил азим", деб айт. Чунки Аллоҳ шу дуо билан хоҳлаганича, турли балолардан ҳалос қилади», дедилар (Ибн Сунний).



Йўқотган сангилардек дуч келганни севдим.  
Ўзини йўқотган дайдилардек изтироб чек-  
дим ёлғизликка кўмилиб. Ишқни севги билан  
изтироб қоришмасидан ҳосил бўлган туйғуга  
айлантириб юбордим. Изтиробини ҳам ўзим  
тортдим ва бундан қутула олмадим. Ҳамма  
нарсани севаверамиз, бу бизнинг қўлимиз-  
да эмас. Баъзан қалбим дунёнинг қўйнига  
яширинади ва коинот уммонида саёҳатга  
чиқаман. Ажабо, ўша ёқларда ҳам севишга  
арзигулик нарсалар бормикин дея олазарак  
боқаман атрофга. Тополмайман... Вагон ой-  
наларидан кўринган гулзорларга ўхшаб ҳар  
гал бўлади деб ўйлайман, аммо ишнинг охири  
бошқа жойларга бориб тақалар экан. Ҳамма  
кетибди-ю, ойнада кўринган хира сиймо ми-  
соли битта мен қолибман. Қалбимга у ҳақида  
жуда кўп гапириб юборибман, ўзимни яра-  
тилишимдан шунчалик узоқлаштирибман-  
ки, нимани севсам, севгимда доим қандайдир  
камчилик ҳис қилдим. Ё мен ортиқча севиб  
юборганман, ёки қарши тараф севгимга ло-  
йиқ эмасди. Сезаётган бўлсанг, жуда кўп  
сева оламан, яъни инсон сифатида жуда кўп  
сева олишимиз мумкин. Ҳатто абадий севи-  
шимиз ҳам мумкин. Лекин биз бу севгини фо-  
ний нарсаларга ишлатишни истаймиз. Кейин  
нима бўлади? Кейин афсус-надомат чекамиз.  
Бу фоний инсонлар севгимизни кўтара олма-  
гани учун иккимиз ҳам хафа бўламиз.

Қалбим, модомики абадий сева олар экан-  
сан, ҳақиқат шуки, бу ёлғончи ва хоин дун-  
ёда севгимга арзирли бировни излаб топиш



даргумон. Сенга ҳаром таклиф этилганда рад эта олсанг, энг гўзал ҳалоллар сеники бўлсин, қалбим. Ҳаётимизда ишқ шунчалар кўп гапириладики, ҳар бир шеърда, романда, сериаллар, кинофильмлар, қўшиқлар, ҳатто рекламаларда ҳам биргина хабар бор – ишқ. Шунинг учун ўзимни ҳаётимнинг ҳар лаҳза-сида қарши жинс вакилига нисбатан ҳаром ишқим бўлиши шартдек тутаман. Ҳолбуки, эй қалбим, ишқда жавоб кутиш бор. Уни севар эканман, ўзим ҳам худди шундай севилишни истайман ва эътибор кутаман. Нега дарров ишшайсан, нима, севилишни хоҳлашинг ёлғонми? Эътибор кутмадингми? Аммо ҳар нарса тескари кетишини унутдик, дунёда ортиқча севиш ҳам кўнгилсизликка олиб келади ва мен ҳам тез унутдим.

“Мен севишдан ўзга нима иш қилдим?” деган таъналар худди шу ерда намоён бўлади, шундай эмасми? Севишнинг шиддати ортган сари айблар, қусурлар ҳам кўзга кўрина бошлайди, шиддат кучайган сари севишлар нафратга айланиб боради. Динимизнинг ҳам ҳаддан ортиқ севиш борасидаги танбеҳларининг сабаби менга зиён етишини истамаслигидир. Масалан, ортиқча қайна-тиб юборилган сув унчалик ҳам қайноқ туюлмайди. Масалан, чой дамлайсан, кейин бирор ишга чалғийсан, сув эса қайнагандан қайнаган. Чойдан бир пиёла қуйиб, дераза ёнига яхшилаб жойлашасан-да, бир хўплайсан, аммо чой совиб қолган бўлади, чунки тескарисига айланган. Бировни ҳаддан ортиқ севганда ҳам, бу ҳолат вақт ўтиб ўзгара



### Хайрлиси

Бошлайди ва нафратга айланади. Буни қара, айёр, билафон, қаттиқ севиб, сўнг нафратланганларимни дарров эсладинг-а? Қўлимизга бир хил ўлчовда иссиқ ва совуқ сув олсак, иссиқ сув совуқ сувдан тезроқ музлайди, худди шунга ўхшамайдими? Буни анча йиллар кузатган канадаликлар машиналарини совуқ сув билан ювишни маъқул кўришининг сабаби ҳам шу экан. Бунинг мавзумизга тўғридан-тўғри алоқаси йўқ, бироқ сенинг севишларингга ўхшайди, тўғрими, қалбим?..

Баъзан қаршимда тебраниб турар экансан, эй билафон, йиқилмайман деб ўйлайман. Қаерлардандир яна нималарнидир айтмоқчига ўхшайсан. Аммо юрагим чилпарчин бўлаётганда қаерда эдинг? Ҳа, ҳақлисан, сени ҳеч қачон эшитишни, тинглашни истамадим! Олиб борилган бир қанча тадқиқотларга кўра ишқнинг ҳам умри борлигини, ўртача икки ярим йил эканини айтган эдинг. Бу нимаси, икки ярим йил учунмиди менинг битмас-туганмас деб ўйлаган сеvim? Ҳазилми бу? Ҳатто баъзи тадқиқотчилар ишқнинг умри бир йил бўлишини иддао қилаётган экан. Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, менинг мангу севиш қобилиятим бор эди, бу туйғу нега энди бир неча йилга сиғдирилди? Ҳойнаҳой, бу абадий севиш қобилиятимни фоний нарсалар учун сарфлашимнинг оқибати. Яъни мен ҳали ҳам ишқни янглиш остоналардан излаётган кимсаман, руҳимни шунчалик кўп қийнаб қўйибманки, йўлини йўқотиб, тушкунликка айланиб, ўзимга қайтиб келишига сабабчи бўлибман. Ширин-



ликка нордон лимон сиққандек, чойга туз қўшгандек, тонг сахарлаб сирка ичгандек, ҳатто, қалбим, сенинг туйғуларинг каби... Иброҳим алайҳиссалом ҳам севгисига лойиқ бир Зотни излаган эди. Худди мен излаганимдек. Аввалига юлдузларга қараб, менинг Роббим шу бўлса керак деди. Кейин юлдуз ботгач, мен ботгувчиларни севмайман деди. Кейин ойни кўриб, Роббим шу бўлса керак деди, бироқ у ҳам ботиб, ғойиб бўлгач, ботгувчиларни севмайман деди яна. Қуёшнинг ботганини кўрганида ҳам худди шу сўзларни такрорлади. Сўнг ўша юлдузларнинг ҳам, ойнинг ҳам, қуёшнинг ҳам эгасини топди ва Роббим мана шудир, менинг Роббим ботгувчилардан эмас деди. Бу ҳолат менга қанчалар таниш, тўғрими, қалбим? Қаршимдан кимдир чиқади, бир умр бирга яшайдиганим шу дейман, аммо у ботиб кетади. Мен эса ботиб кетувчиларни севмайман. Кейин яна бошқаси чиқади, излаганим шу дейман, бироқ у ҳам ботиб кетади. "Ла уҳиббул-афилин"<sup>10</sup> дейман ва ботиб кетувчиларни севмаслигимни айтаман. (Ниҳоят, бошқа биров чиқади рўпарамдан, мана шу дейман, намоз ўқийди, рўза тутаяди, мени бомдод намозига уйғотади, ҳа, бу ботмаслиги керак, ботмайди дейман.) Бир куни қарасам, у ҳам ботиб кетган бўлади. Зеро, ишқ фонийларга қаратилса, ё эгасини доимий алам ва азобларда қолдиради, ёхуд ўша фоний маҳбуб ишққа арзимагани учун боқий

<sup>10</sup> "Анъом" сураси 76-оят. Маъноси: "Ботиб кетгувчиларни суймайман".



маҳбубни излашга ундайди. Мажозий ишқ ҳақиқий ишққа айланади. Инсонда минглаб ҳиссиётлар мавжуд. Ҳар бирининг ишқ каби икки мартабаси бор – бири мажозий, иккинчиси ҳақиқий.

Синиқ табассумли томоним, эслаб кўр, бизга Иброҳим алайҳиссаломдан бир мерос қолган. Биз ҳам у каби ботиб кетувчиларни севмаймиз. Ёнимда яралашади деб ўйлаганим ўша ҳаром севгимга ҳозир қараб, эллик килога семирган бўлса ҳам, хунук ва ногирон бўлса ҳам, сева олармидим дейман. Сева олсам офарин, муаммо йўқ... Аммо сева олмасам, унутма дея бақиради билағоним, сиз бир-бирингизга ошиқ эмассизлар, шунчаки гормонларингиз жунбишга келган! Оғзини бир марта очдими, ёпиши амримаҳол. “Биз бир-биримизни фақатгина Аллоҳ ризоси учун севамиз” десанг, Аллоҳнинг амрларини ҳаётингизга татбиқ этинг ва бир-бирингизни оловга ташламанг дейди. Бир-бирингиздан узоқроқ туринг! Аллоҳ ризоси учун севиш дегани ҳар нарсани иккинчи даражага тушириш дегани. Тўғри айтяпсан, қаршимдаги инсон Роббимдаги севгининг соясининг соясининг сояси... Шунинг учун доим иккинчи даражали бўлиши керак. Ҳар доим Роббимнинг буйруқлари аввал келади. Аммо севгили билағон, қадам-бақадам мени кузатиб келаётган нафсимнинг хархашалари нима бўлади? Дунё ортидан чопаётиб қилган зид ҳаракатлари нима бўлади? У билан севсанг, вазият бошқача бўлади. Кечаю кундуз хаёлим фақат битта нарсада бўла-



ди, чунки менга туйғуларим эмас, нафсим ҳукмронлик қилади. Аввалига суюклигим ширин туюлади, аммо кейин шираси ортиб, вужудимда мувозанат бузилади ва балки сабабини ўзим ҳам билмайдиган руҳий ўзгаришларга асос бўлади. Энди сувга эҳтиёжим бор. Изтиробли, оғриқли кунларим бошланади ва мен ўзим ботган ҳаром севгининг ичида туриб бунга дарҳол қаршилиқ кўрсатолмайман. Ҳолбуки, ҳақиқий сева қандай қилиб инсонни муаммога гирифтор этиши мумкин? Ичаётган пиёлам ўзгарди дея сувни ҳам алмаштиришим керакми?..

Билагон кўпikli қаҳвасини қўлига олиб, дераза олдида тебраниб турибди. Роббимиз ҳақида гапираётганимизни ўйлайлик дейди. У тўғрисида Уни қанчалик танисак, шунчалик гапира оламиз, аммо бу ҳиссиётни таърифлайдиган бирор сўзни тополмаймиз. Очиқ-ошкора ҳаром севгилар тузоғига тушган юраклар нега хижолат тортмай қўйганини, ҳамманинг кўз ўнгида қўйилган ишқ тузоқларини энди тушундингми дея бош кўтаради. Қара, қалбим, қара, билагоннинг биздан жаҳли чиқди. Агар севган инсонимнинг камчиликларини кўра олаётган ва бунга жаҳл қилиб, узоқлашиб, турли руҳий ҳолатларга тушаётган бўлсам, демак, сен севмас экансан, шунчаки нафсим менга ўйин қилаётган экан! Мен Аллоҳнинг розилиги учун яхши кўрган инсоннинг қусур ва камчиликлари бенуқсон Аллоҳни эслатиши керак бўлгани ҳолда менинг бор эътиборим қаршимдаги инсонга қаратилибди. Мен ҳам



энди сабаблар қармоғига илинган балиқман. Қармоқ илгаги томоғимни йиртгандан йиртиб юборибди.

Қарши жинс вакилига бўлган эътиборинг нафсининг истакларига бўйсунингга олиб келишига йўл қўймаслигинг керак демоқда билагон. Кейинчалик пушаймон бўлишимнинг сабаби фақатгина гормонларим таъсирида ҳаракатланишимдан экан. Истамайгина маъқуллаб турибман, худди жаҳлим чиққанида фикр юритолмаганим учун пушаймон бўлгандек...

Гўзални севиш инсон фитратига жо этилган туйғудир. Қалбнинг гўзалга майлига сабаби шу. Аммо ҳар қандай гўзалга ҳам майл этилавермайди, тўғрими? Мени эшит, билагон, бир четга ўтир, мен сенга тушунтирай. Гўзалга майлим бор, аммо бу гўзалликлар ҳам уч хил бўлади: зоҳирий гўзаллик, натижага кўра гўзаллик ва ҳақиқий гўзаллик. Зоҳирий гўзаллик ташқи кўринишдан иборат, натижага кўра гўзаллик эса яқиний натижага боғлиқ, масалан, хасталикда ичилган аччиқ дориларнинг натижаси яхши бўлганига ўхшаш. Учинчиси ва охиригиси эса ҳақиқий гўзаллик, яъни Аллоҳ ва охиратга қаратилган гўзаллик бўлиб, бу ёмонлик уруғларини ҳам ўз ичига олади, шу тарзда мўмин билан мунофиқни бир-биридан ажратиб туради. Бизлар фитратан зоҳирий гўзалликка аҳамият берамиз. Сен айтганингдек, шайтон ҳам худди шу ўринда ишга тушади, кўзимга зоҳирий гўзалликларни кўрсатиб, нафсининг етти



мартабасидан биринчи мартабаси бўлган нафси амморага, яъни ёмонликка етакловчи ва бундан пушаймон бўлмайдиган, аксинча, завқ олувчи нафс томон қаратиб, кўзимга гафлат пардасини тортади. Қалай, дарста яхши тайёрланибманми, билафон? Оббо, битта савол бердим, миямда мингта савол пайдо бўлди. Аллоҳ учун сева оламизми? “Исро” сураси 32-оятда “Зинога яқинлашманглар!” деган Роббимнинг ризоси учун севаманми? Аллоҳ зино қилманглар демаяпти, балки зинога яқинлашманглар деяпти. Демак, менга огоҳлантириш сигнали аввалдан берилмоқда, Буни оловга тегинма ва оловга яқинлашма деган огоҳлантиришлар билан бирга ўйлаб кўрсак, ичида шафқат борлигини кўрамиз. Инсон ўзи севган кишиси Аллоҳ ҳузурида жавоб беришига сабабчи бўлишини хоҳлармиди? Йўқ, масалан, мен истамайман. Менга номаҳрам кишининг мени бомдод намозига уйғотиши ҳаромнинг чиройли кўринишидан бошқа нарса эмас. Исломнинг орасига тиқиштириб, биз ҳалоллашга уринган ҳаромларнинг бари ҳам худди шундай. “Унинг имон-эътиқодли эканини севаман”, “Намоз ўқишини ва мени ҳам намозга уйғотишини яхши кўраман” деган баҳоналар менга шунчаки чиройли туюлган экан. Уйфон энди, эй қалбим, шайтон ҳам худди шу сўзлар билан сени алдайди. Фақат бироз ўзгартириб айтади: “Қарасанг-чи, қандай диндор, тақволи, илмли!..” Бунга ишониб, Аллоҳдан уни насиб қилишини сўраётган жойингда бир қарасанг, унга ёмонлик тила-



ётган бўласан. Тўғри! Аллоҳим, уни менга насиб қил дейиш билан уни балога гирифтор эт демадимми? Қанчалар тўғри.. Шабда билан бўронни бир-бирига аралаштириб юбормаслигим зарур. Севги дегани жонимни оғритмаслиги керак. Ранго-ранг гуллар, анвойи чечаклар очилган бўстонда турганимни хаёл қиламан. Ичкари кириб борар эканман, ҳар бирининг ўзига хос ранги, ифори, шакли мени маст этади. Севганим ўша жойда мен узиб сўлдирган гулмиди ёки мен ҳар куни суғорган чечакми? Бошимдан муздек сув тўкилгандек бўлди. Саволни жуда тўғри бердим. Жавоби-чи? Тўғри жавобни ўзимга бера оламанми? Мен нега ҳали ҳам ҳаром севгининг қуршовида туриб севишимни айтмоқдаман? Бир-биримиздан узоқ эмаслигимизга кўра, афсуски, бир-биримизни Аллоҳ учун севмаймиз! Устига-устак, бу ҳолат билан худди “Роббим, айтганларинг парво-йимга ҳам келгани йўқ” дегандек бўламиз! Биз бир-биримизни Аллоҳ учун севмаймиз!

Ҳа, севмаймиз, севганимизда эди, узоқ турардик бир-биримиздан. Билафон ҳақиқат томонида бўлишимни таъкидламоқда тинмай, у ҳақлими, қалбим? Ҳақиқат томонида бўлсак, биз турмуш қура олармидик? Ҳақиқатан ҳам, Аллоҳ изн берармиди турмушимизга ёки зулм қилармиди? Бир-бирини Аллоҳ учун севмаган жуфт турмуш қурса, ҳафсаласи пир бўлмайдимми? Аллоҳ бандаларига ёмонликни раво кўрармиди? Шундай экан, биз қандай қилиб турмуш қурадик? Ҳаром севги узра барпо этилган



турмуш қандай қилиб ҳатто фойий дунёда ҳузур бериши мумкин?.. Унутма, замон ҳам, макон ҳам фақатгина биз инсонларга таъаллуқли. Шу боис йигирма ёшимизда қилган гуноҳларимиз агар тавба қилмаган бўлсак, қирқ ёшимизда қаршимиздан чиқадимиз. Аллоҳ эса замон ва макондан холидир, шу боис илоҳий ишқимиз ва Аллоҳга нисбатан севгимизнинг вақтга боғлиқ жиҳати йўқ. Шуни ҳам унутмайман: ойнага қараб тамгин кўзларимга термилар эканман, сен гуноҳга қўл уриш учун тихирлик қилавердинг. "Зиёнга ўзи рози бўлганга марҳамат кўрсатилмайди, у бунга лойиқ эмас" деган эди биларон. Танловни мен қилдим, Аллоҳ бу иродани менга ҳавола этганиди. Аммо улкан бир ҳақиқат остонамда кутиб турибди: кун келиб мен ҳам ботаман қуёш сингари ва ўша куни қўлимдан тутиб қолувчи ҳам топилмайди...

Қаерлардадир жуфти ҳалолим мени кутиб тургандир, бу ўткинчи, ёлгон севгилар билан уни ҳам кирлатишим тўғрими? Охирада Роббимнинг ҳузурини ҳисоб беришимга арзийдими? Зеро, Аллоҳ уни менга севишим учун беради, саҳобалар ҳам ёқтирдилар, улар ҳам севдилар. Қолаверса, у фақат меҳмон келганда ишлатиладиган чинни идиш эмас-ку, менга севишим учун берилади. Исломда кўрмасдан, ёқтирмасдан турмуш қурасан деган жойи йўқ. Аксинчи ёқтиришинг, суюшинг ҳам керак дейилган. Мен эса нима қилдим, қалбим?.. Бироқ бу туйғу назоратда ушлаб турилиши керак.



ислом ана шуни таъминлайди. Эслайсанми, ҳазрати Хадича онамиз ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломни севган ва у зот билан турмуш қуриш истагини билдирган эдилар. Биз ҳам фақатгина шундай қила оламиз, биз ҳалолимиз бўлишини истаган кишига фақатгина ҳалол муносабатда бўла оламиз. Ўзимни назорат қила олмаслигим ҳаётимнинг кўплаб жабҳаларида нафсим мени бошқаради демакдир. Тақиқланган чегараларга яқинлашмаслигим керак. Аллоҳ бир марта кўз тушишини ҳаром қилмаган, аммо кейин атайин қараш хатарли. Қовоқларимиз бекорга яратилмаган? Кўча-кўйда, ишда, ўқишда, ижтимоий тармоқларда, қисқаси, инсон бор ҳар жойда амал қилади бу қоюда, бироқ мен қовоқларимни ишлатишни билмадим. Ахир мен билан бир қориндан таллашиб тушмаганлар менинг жигарим эмаску... Агар қарши жинс вакили билан бемалол гаплашаётганимда ҳеч нима мени безовта қилмаса, маҳрамларимнинг ҳам бошқалар билан худди шундай гаплашишидан безовта бўлмаслигимга тўғри келади. Шунақа бўлиши мумкинми? Худди калакадек эшитилади! Ҳолбуки, фитратимиздаги иффат ва ахлоқ буни батамом рад этади. Албатта, фитратимни бузмаган бўлсам. Ҳақиқатан ҳам, имон келтирган киши хаёлларини кимдир булғашига чидаб туролмайди. Аллоҳ бизга берган эшитиш, кўриш неъматлари ва кучли юракнинг ягона сабаби улар жаннат йўлининг калити бўлишидир. Ато этилганларни мақсадга мувофиқ ишлатиш ўша



йўлнинг қулфини очади, аммо мен у қулфини нотўғри калит билан очмоқчи бўлдим.

Қалбим, кўзларингни оч энди, сен Роббинг учун севмаяпсан, балки нафси амморанинг буйруқларига кўра ҳаракат қиляпсан. Роббинг учун севсайдинг, У ҳақда кўпроқ гапирмасмидинг? Роббинг билан кўпроқ вақт ўтказмасмидинг? Қанчалар кўпроқшиб кетаётганингни, руҳинг фитратингдан қанчалар айро қолганини кўрмаяпсанми? Роббингнинг “Қулим, сендан розиман” деган хушxabари бўлгани ҳолда бошингни кимнингдир елкасида кирлатишинг тўғрими? Жойнамозинг бир четда сени кутар экан, қалбингни ўзга жойларда чиритишинг тўғрими? Санчиқ бўлса, туғилиш ҳам бўлади, руҳингни озодликка чиқарсанг бас, токи у Роббинг ҳузурига парвоз қилсин. Қуллингни бошқа нарсаларга кўнгил қўйиш билан совурмоқдасан, кейин эса бунинг учун уялиб қоласан. Севги бахт келтирмасмиди, сен изтироб чекмоқдасан-ку. Демак, қаердадир хатога йўл қўйган бўлишинг мумкин, бироқ бу эҳтимолни ўйлашга вақт йўқдек, оғригингни бошқа манзилларда бостиришга уринмоқдасан. Шу жойда тўхта! Қилаётган ишинг миҳни суғуриш учун устидан яна миҳ қоқишдек гап. Ўша миҳлар бошимга қоқилмасидан аввал уйғонишинг керак, юрагим, чунки сенда абадий муҳаббат жо бўлган! Сув музга қанчалик яқин? Ўзи узоқ эмасди-ку, яқин бўлсин. Сув бўлмаса, муз ҳам бўлмайди. Муз сувга қанчалик яқин бўлса, шоҳтомирим ҳам Роббимга шунчалик яқин!




Роббинг учун воз кеч, кўнглим! Кел, бу ишдан воз кеч ва шундай дуо қилайлик: “Эй Роббим, мен жоҳил эдим, дунёнинг жилосига алдандим. Сен мени ёлғиз қолдирма! Мен қалбимни кимга беришни билмайман, уни Ўзингдан бошқасига берма, Аллоҳим! Рўпарамдан фақатгина ҳалолим бўладиган кишини чиқар. Менга Ўзингни унуттирма, Роббим!..”





Мен уни жаннати деб атайман...





**Агар ошиқ-маъшуқлик ҳаром бўлса, қандай турмуш қурамиз?**

Мовий денгизлардан кўм-кўк осмонлар сари чўзилиб кетган хаёлларимда шундай жозибали ёмғир борки, қачон ёғса, у билан булутлар узра парвоз қиламан. Оппоқ пахтақанддек булутлар узра қўйган қадамларим ичра қачон ёғса, унга шайдо бўламан. Кўчада қачон унга дуч келсам, йўлимни адаштириб қўйган жойимда босган қадамларим қалбим томон тортиб кетади. Япроқлар рақс тушмаган жойда юрагимнинг уришини эшитгандек бўламан. Оддий қилиб айтганда, осмонимга эшик очган нарса туйғуларим эди аслида. Юлдузларни ҳам кўра олардим туш вақтида, чунки осмон меники эди. Уч, эй ичим, уча олганингча уч, сувдаги жилвалардан чирмовиқларга қўн, бироқ сени кўтара олмайдиган шохларда асло умрингни ўтказма. Йиқилсанг, хафа бўламан, йиқилсанг, руҳим ўксийди. Ўзим қўна олмайдиган шохларда беҳуда умрдан бошқа нима ҳам кутардим. Ичимдаги боғларда унмай қолган уруғларни чиритаманми? Ҳаддимдан ошиб кетдим, чириган боғда чиринди ҳидини ким ҳам истарди?.. Фақат мен билардим жар ёқасидаги қояларнинг ўйилганини, ейилиб кетган тошларини ўзимга макон деб билдим



ва ҳар сафар бостанимда янада емирилди. Одимларим оғир эди, бармоқларимнинг изи соҳилларни қонатиб юборди. Соҳиллар деи-гизга елкан бўлади деб беҳуда бир умрга маҳкам ёпишсам, учардим-у, қўна олмас-дим. Билардим, ҳа, билардим, майли... Дарвоқе, машина ҳайдаётганда камар тақиш мажбурий, лекин жамоат транспортида йўловчиларнинг тик туриб кетишини қандай тушуниш керак? Худди шунга ўхшаш бир истисно истадим ҳаётимда. Қушлар томнинг бир четига ин солиши каби осон деб ўйлардим, аммо ундай эмас экан, том бошида шабадалар эсиб, шунчаки осон туюлган экан. Тайёрмисан, эй ичим, асов тўлқинлар ичра фарқ бўлган кемалардан хазина излашга? Худди ётоқдан туришга мажолим бордек, сени гайрат қилишга ундаяпман...

Эртаклардан отилиб чиққан қаҳрамон учунмиди қадам товушларим ёки менга ўз эртагимни айтиб берувчи юрак уришгами? Қийин савол бердим, шекилли, "Устоз, кеча чироқ ўчиб қолганди, дарс қилолмадим!" Ҳақиқатлар орасида эртаклар билан роса овора бўлдим, мени чалғитишларига ўзим рухсат бердим. Жаннатни эслатадиган боғларимни бедор ўйларим билан ҳаддан зиёд чарчатиб юбордим. Иссиққина аделга ўралиб, қайноққина чой ичишни жуда истадим, аммо унинг ҳам попуклари кўнглим каби ўнгга-чапга сочилиб кетган. Агар сўрасак, эҳтимол, у ҳам мени танлаган бўларди. Аслида назокатли инсонлар эдик, ҳатто



жонсиз ашёларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда бир-биримизни ҳимоялай олмадикми шу ёлғон дунёда?.. Миямдаги қияликда бир тулки яна ўнгдан чапга чопиб ўтди. Нима, сен ҳеч ўрнидан кўчиб қолган йўлка тошига эътибор қаратмадингми? Богда болаларнинг шўх кулгиси билан беанган сирпанчиқларга-чи? Ҳа, биз нозик инсонлар эдик, аммо бир-биримизга нисбатан қўпол бўлдик. Жим бўлиш нималигини билмади сўзларим. Қўшиқлар ичра чиритиб юбордим сал аввал тирик бўлган қалбимни, доим битта нақоратни такрорлайверганимдан руҳим сиқилиб кетди. Буни сезмабман, сеза олмабман...

Қўлимга бир китоб олдим. Бетларини варақлар эканман, тошларга сувлар сачради, уммон остидан тўсатдан қўзғалган тўлқинлар аро бир инжу ўзини кўрсатди. Беҳабар эдим, битта мен эшитмабман, чунки бешта сезги аъзойим кўзини лўқ қилиб, худди сўроққа тутадигандек менга тикилиб турарди. Менинг айбиммиди сериаллар, кинолардаги ишқ саҳналарига тақлид қилинганида хаёлни ҳақиқий ҳаётнинг ўртасига ташлашга уриниш пайтидаги жиддийлигим? Менинг айбиммиди? Оқшом пайти қўнғироқ қилишди-ю, "The person you have called can not be reached at the moment. Please, try again later" дедимми? Маржонни кўмирларнинг орасига ташлашим мумкинми? Қилармидим бу ишни? Олти-етти яшарлигимизда маъносини тушуниб-тушунмай кўрган сериалла-



римизда хотирамизга ўрнашиб қолган ўша сўзни уялмай-нетмай айтармидим? Дарслар тугаб, кўзларим тўлганча уйга келиб, исёнкор ўсмирларга ўхшаб сумкани улоқтириб, "Мен севиб қолдим!" деганимда миям қанчалар айниган экан, буни қандай қилиб кўрмай қолишди? Фақат мен хато қилдимми? Атрофимдагилар "Севгилим бўлиши, у билан қўл ушлашиб юришимиз, рўпарамар-рўпара ўтиришимиз керак, балки кўзларига узоқ термиларман" деб турганда...

Телевизорни ёқдим, "ишқ" сахнаси ёрқин ранглар билан безатилган. Муסיқа тингладим, ингичка овози билан "ишқ" деди биров. Кўчага чиқдим, одамларнинг яғоналарди "Ошиқ бўлиш, учрашувга чиқиш, кўришиш" эканини кўрдим. Буларга бошқа мавзу қолмадими дейишимга имков бермай танамни наркоз билан тўлдиришди. Турган гапки, "ишқ" деган масала онгостига ўз-ўзидан мухрланиб қолди. Жойи келганда айтай, ҳатто тушларимда, ўқув курсида бошимни стол устига қўйганимда, йиғилишнинг энг қизиган жойида уни кўрдим. Худди арвоҳ каби! Рўпарамга келиб, катта-катта кўзлари билан менга қаради, юзидаги холларни санай олмайдиган даражада уялдим. Йўқ, бу бир хаёл эди, юрагим бунчалик урмаслиги, ўзимга келишим керак эди. Сира хаёлимдан чиқара олмайдиган бўлдим. Наркознинг таъсирида сабабини ҳам сўрамадим. Аммо онгостимга ҳам кинофильмлар, ҳам қўшиқлар воситасида жуда маҳорат билан жойлаштирилган бу



фикрлар менга ўз-ўзидан охиратни унут-  
тирди. Аллоҳим, афв эт!...

Юрагим ўша сўзларни ҳар сафар эшит-  
ганда янада тезроқ ура бошларди, худди  
зилзила бўладигандек вужудимнинг ҳара-  
катдаги барча тизимлари ўзгариб кетарди.  
Айнан мана шу жойда виждоним уйғониб  
қоларди. Шунчалар ҳорғин эдимки, охири  
чиққан чироқни ўчиради дер эдим, аммо  
виждоним турган жойида қилт этмасди.  
Кетмаслик учун қайсарлик қилармиди, бил-  
мадим, менимча, буни билишим учун бироз  
вақт керак эди. Жуда чарчагандим, ўйлаш-  
ни ҳам истамасдим, мени тушуниши керак  
эди. Аслида усмонийлардан сўнг шу кунгача  
ичимизни бидъатлар босиб кетганини, фит-  
на уруғлари худди гул эккандек экилганини  
билардим. Баҳор деб ўйлаганлар хазонрез-  
гида қолиб кетди. Имкон туғилса, фитналар  
жим турармиди? Бор кучлари билан имо-  
нимизда қирғинларни бошлаб юборди. Ўй-  
лаб кўрилса, буларни илғаш қийин эмасди,  
аммо мен алдандим.

Биринчи марта ошиқ бўлиб қолган пайт-  
ларим яна кўз ўнгимда жонланади. Оёқ-  
қўлим бўшашиб, қўлимдаги стаканни қўярга  
жой тополмагандим. Аслида шу стакан бўл-  
маса, қўлимни қаерга қўярдим деган фикр  
ҳам қийнарди мени. Стол бироз пастроқ-  
миди, ўнг қўлим билан стаканни маҳкам  
ушлаганимда чўчиб турганмидим. Илти-  
мос, чироқни ёқиб юборинг, киприкларининг  
тизилишида ҳушимдан кетмоқчиман. Олиб  
кетинг мени бу ердан, ўзимдан кетиб қола-



диганга ўхшайман.. Йўқ-йўқ, яна бир бор қарамоқчи эдим, аммо шундай уялдимки, ер ёрилса-ю, ичига кириб кетсам. Жикқа тер босди. Кимдир чиқиб, ёлғиз эмассан дейишини кутяпман-у, унинг овозидан бошиқа овоз эшитилмаяпти. Қаердадир янграётган мусиқа ҳам қулоғимга кирмаяпти.

Болалигимизда, ҳали бошланғич синфда-лигимиздаёқ бир-бирини севиб қолганини айтган ўртоқларим хотирамнинг аллақайси бурчагидан кўз қисяпти менга. Сериаллардан ёдлаб олган гапларни оғизларини тўлдириб, ҳаяжон билан айтишар, аммо бир-бирларига синф эшиги олдида ёки маҳаллада дуч келиб қолишса, ортига қарамай қочишарди. Сабабини излаб, бола бўлишгани учун қочишган деб ўйлар эканман. Ўша пайтларда бунчалик уятчанликни, бир-бирларидан қочишларини тушунмаган эканман. Ҳозир ўзим ҳам ҳар гал қочишни истайманми?.. Ҳаммасининг бошига қайтишим керак. Болалигимга эмас, чақалоқлигимга қайтишим зарур. Илк йилларим, илк софлигим, беғуборлигим.. Ҳа, албатта, бу ишнинг сабаби аслида Аллоҳ бизга ато этган ҳалол уруғлар билан боғлиқ. Уруғ ҳалол бўлгани боис йўлимиздан ҳаром уруғлар чиқиб қолса, бир-биримиздан узоқлашишни, қочишни истаган эканмиз. Ёдимга тушганлар туфайли қайғуга ботдим, тўғри йўлни қандай топа олмадим-а?.. Адананинг йўллари тошдан, Мушнинг йўллари қиялик, Эврашанинг йўллари тор, Анқаранинг йўллари эгри-бугри. Тўғри



Йўлимиз йўқ эди оғишмай юрайлик десак!  
Бўлди-бўлди, тан бердим, тўғри йўлни топа  
олмаслик фақатгина менинг хатом эди.

Баъзан шу тулкиларга курсини кўрса-  
тиб, биров ўтириб дам олсангиз-чи дегим  
келади. Шалолалар каби ўйноқи шу икки  
айёрга қараб туриб, хаёлимга бир савол  
келади: “Ундай бўлса, мен нега қарши  
жинс вакили билан ёнма-ён туриб, бема-  
лол сайр қила оляпман?” Ҳа, бу саволга  
жавобни қалампирмунчоқ исли чойлар  
синган юрагим бера олади, мен эса эккан-  
ларимни ўра бошладим, шекилли. Ичи-  
миздаги ўша виждонни гуноҳлар билан  
тилка-пора қилганимиз боис виждонимиз  
энди бу масалани ҳис этмайдиган ҳолга  
келиб, фитратимизга зид ҳаракатларимиз  
сабабли жим бўлишни афзал кўради. Яъни  
ўзимиз суғорган гулни лой чаплаб сўлдир-  
ганимиздек, виждонимизнинг унини ўчи-  
риш учун кўрсатган ҳар бир босимимиз  
туфайли Аллоҳ бизларни бу дардни ҳис  
этмайдиган қилиб қўяди. Оҳ виждон-а,  
нега охирида чироқларни ўчириб чиқма-  
ганингни энди тушуняпман. Мен сени тарк  
этдим, лекин сенинг танлаш имкониятинг  
бормиди? Майли, сен сабрлисан, менга бу-  
нинг ҳам жавобини берган бўлардинг. Мен  
эса қалбимни яна биров тешайин...

Фитратимга зид ҳаракат қилганим учун  
қараганимда ҳаяжонланмай қўйдим. Ма-  
салан, қачон бошимни ёстиққа қўйганимда  
роҳатланиб, тиниқиб ухлагандим? Кечаси



бошимни ёстиққа қўйганимда момик патла-ри ҳам фойда бермади безовта виждонимга. Кейин билсам, виждон ҳалоллик биланги-на қуш патидек енгил бўларкан. Виждон Аллоҳга қул бўлсагина ҳаёт ҳаловат билан тўларкан. Еган таомимдан қачон охирги марта маза олдим ёки охирги марта қачон ёйи-либ кулдим ва мойчечаклар тиздим табассу-мнинг соҳилларига?..

Руҳимнинг буйруқ берувчи маркази бўлмиш виждоним гуноҳлар томонидан ишғол этилганининг белгиси эди бу. Нар-коз мени керагидан ҳам ортиқ беҳуш қил-ган бўлса керак. Кишида уялиш туйғуси бўлмаса, бир эркак ёки бир аёл билан бе-малол гаплашиб ўтирса, очилиб-сочилиб суҳбатлашса, ўша кишининг виждони саратонга йўлиққан бўладими?.. Мен са-ратон бўлибман, лекин ўзим сезмабман. Яъни ўликдек яшаётган эканман, тулки-лар руҳимни аллақачон тилка-пора қилиб, тупроққа кўмиб бўлган экан. Эсга олинса, дарҳол пайдо бўлади-я. Улар миямни ҳали ҳам кемиряпти, бўлди, бас! Буларнинг бари бир болакайнинг ҳалинчакда учгани ҳолда ўзини осмонда деб ўйлаганичалик ҳақиқат экан, аммо мен бир инсонни яхши танимасдан туриб қандай қилиб ошиқ бўламан? Бир-биримизни қандай таниши-миз мумкин, қандай севишимиз мумкин? Совчилик масалага қандай ишониб бўла-ди? Оилаларимиз эрталаб нонушта дас-турхонида қарор қабул қиладими? Улар



жойимга қанча оққанд солишимни билишадими ўзи?.. Уни кўргач, юрагим ҳам тез уриб кетар, кейин пайдо бўладиган зирқираш ҳам ёқа бошлаганди. Кўзларига термилшини, юрагимнинг дук-дук уриши ва тушларимга кираётгани ҳақида гапириб беришни истамас эдимми? Ўз танловим, туйғуларим, фикрим нима бўлади? Оилам буларни қаердан ҳам биларди...

Ана келди, ҳужайраларимнинг хожа-си жавоблари билан. Севишнинг ёши йўқ дейишади, мен ўзи неча ёшдаман? Яъни турмуш қурадиган ёшга келганманми, бунинг ҳисоб-китобини қайси қўшни қилади? Аввало қандай инсон билан турмуш қуришим кераклигини яхшилаб ўйлаб олишим керак. Ҳа, айнан ҳозир айнан ўзим хоҳлаган турмуш ўртоқдек инсон бўлишга ҳаракат қилишим керак. Эсимда, 15-16 ёшларимда юрагимда нималардир бор эди. У ёшда турмуш қуришни ўйлаб, ҳаром севиларга мубтало бўлиш нимаси... Вақтим ҳам, жойим ҳам оила қуришимга мосми, буни яхшилаб ўйлаб, кейин қарор қилишим керак. Сен айёр тулкини тутиб, бурнингни ерга ишқамасамми... Қани, айт-чи, мактабни битирдингми? Яшаш учун, рўзғор учун керакли тадорикларни, шарт-шароитларни бажардингми? Қисқаси, сўрамоқчи бўлганим шу – турмуш қуриш учун тайёрмисан? Бу саволга жавобинг бўлса, мавзуга чуқурроқ киришамиз. Аммо жавобларинг тўлиқ бўлмаса, бу ердан кетишинг мумкин, ҳа,



айтмоқчи, унутма, энг охирида чиқсанг, чи-роқни сен ўчирасан! Жавобинг бўлмаса-да, ҳали ҳам мени тинглаётган бўлсанг, тайёргарликларинг тўлиқ бўлмаса-да, турмуш қуришни менинг миямга қуяётган бўлсанг, демак, бу – сенинг жозибали бир ўйининг. Биласан, сенга қарши аллақачон ҳимоямни кўриб қўйганман. Ўз кўнглимизга кўра сева олмаймизми дейсан-у, ичимда ҳали ишлатилмаган ишқ бўлмаса, қандай маъноси қолади? Якшанба тонгида уни ишлатадиган киши ўйлаб кўриши керак эмасми буни? Қолаверса, ҳали ишлатилмаган бир боғим бўлса, бир кун келиб боғбон ҳам топилади, боғимни яхшилаб тартибга солади. Ҳозир қиладиган ишим настаринлару мойчечакларгача бурканган боғим тартибга солинадиган кун келгунича малакамни ошириш, динимни бутун қилиш, ҳар қадамда Роббимнинг ризосини излашдир. Менга ундай қарама, сенинг режаларингдан менга нима қолди ҳаромдан бошқа? Мен Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушласам, бу арқонни кесиб ташлармиди?..

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Аллоҳ таоло айтади: “Кимда-ким Менинг дўстим билан адоватлашса, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам Мен унинг зиммасига фарз этган амаллардан кўра суюклироқ нарса билан Менга қурбат-яқинлик ҳосил қилмаган. Бандам Менга нафл ибодатлар



билан тобора яқинлашаверганидан, ҳатто уни яхши кўриб қоламан. Агар уни яхши кўрсам, Мен унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан. Агар Мендан сўраса, албатта унга бераман. Агар Мендан паноҳ тиласа, албатта уни паноҳимга оламан”.<sup>11</sup>

Роббим менга барча эшикларини очди, бироқ мен нотўғри нуқтага эътибор қаратдим. Бу нуқтам ҳаддан ортиқ сен бўлдинг. Энди қиладиган ишим, эътибор қаратишим керак бўлган нуқта – Роббимнинг ризоси.

Нима, энди қандай турмуш қуришимга қизиқяпсанми? Бунчалик тез воз кечишингни сира ўйламагандим. Сенинг қаршингда янада кучли бўлишим керак. Бунинг диний жиҳатдан мувозанатини билмаслигим мумкин, аммо топаман. Турмуш қурадиган инсоним билан кўришишга рухсат бордин ҳеч бўлмаса? Йўқ, сендан сўрамадим, шунчаки овоз чиқариб ўйладим холос! Албатта кўришишга рухсат бор, зеро, ислом кўришиб турмуш қуришни маъқуллайди. Бу борада муаммо йўқ, албатта, бор дардим шу бўлса агар. Бироқ бирга сайр қилишлар, қўл ушлашиб юришлар, ишвали нигоҳлар сингари сенинг ишларингга бел боғласам, худди ўша жойда тақиқ чизифи бошланади. Кел, шу жойда сен билан келишиб олайлик, зеро, исломда кўришиб турмуш қуриш буюрилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам инсон-

<sup>11</sup> Бухорий ривояти.



ларнинг ўзаро кўришиб турмуш қуришларини тарғиб қилганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдим. Бир киши у зотнинг олдларига келиб, бир ансорияга уйланганини айтди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Унга назар солдингми?» дедилар. «Йўқ», деди у. «Бор, унга назар сол, чунки ансорийларнинг кўзларида нимадир бор», дедилар» *«Саҳиҳи Муслим».*

Бу ҳолат турмуш қурмоқчи бўлганларнинг даставвал бир-бирини кўришлари хайрли бўлишини билдиради. Аммо бунинг ҳам ўз меъёри, мувозанати бор. Гавжум жойда ва эс-ҳуши жойида бўлган бир инсоннинг ёнида бўлса, бўлажак турмуш ўртоқ билан битта стол атрофида ўтиришнинг нимаси ёмон? Зеро, бир-биримизга тўғри келиш-келмаслигимиз илк учрашувдаёқ маълум бўлади. Яқинда, сен миямни кемирмаган пайтда, бир олимнинг гапларини эшитгандим. У шундай деди: «Турмуш қуриш учун учрашувга борсанг, қарши жинс вакилининг кўзларига яхшилаб қара! Уни таний бошлагач, ўзингни ҳам танит. У билан турмуш қуришинг тўғрисидаги барча фикр-мулоҳазаларингни очиқ-ошкора гапир. Кейин яна бир бор кўриша оламизми деб сўра. Майли, кўришаверамиз деса, уч кун кут ва шу уч кун мобайнида хабарлашма. Уч кун ичида радиони бурасанг, сен



севган қўшиқ чиқиб қолади-ку, айнан шундай бўлади. Агар ўша илиқлик бўлса, худди шу ўлчов ва маълум оралиқлар билан, ёнингга эс-ҳушли кимнидир олиб, яна учрашишнинг мумкин”. Шоша-пиша турмуш қуриш тўғри эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтди. Ҳамманинг ҳам ёмғир ёққанда ювилиб кетадиган ранги бўлади, мен ҳам бир танишиб қўяй, атрофимни бир йўқлай-чи, балчиқда битган гулмикин ёки жаннатмонанд боғда унган гулми? Яъни бир-биримизни ўзаро таниб олиш учун ҳам маълум вақт керак бўлади. Бу агар хайрли бўлса, келажак ҳаётимизни гўзал ҳолатда давом эттираверамиз. Натижада янги “давлат” ташкил топади ва бу “давлат”ни биз ўзимиз бошқарамиз, бироқ бу масаланинг айтилганчалик осон бўлмаслигини мен ҳам яхши биламан.

Севиш бутунлай бошқа нарса, қолаверса, қалбим менга севма дегани ҳам йўқ, фақат севадиган инсонингни Аллоҳ ризоси учун сев ва У ҳам сендан рози бўлсин дейди. Тўғрими гапим, виждонимдан сўраб кўрчи. Бу ёғини сўрасанг, “Сени севаман” деган сўз энди ёймачилар қўлига ўтиб кетган. Атиргул ифорлари орасида кутилмаганда гапирмоқчи бўлсам... Аммо мен уни “жаннатлигим” деб атайман, чунки агар ҳақиқатан ҳам, Аллоҳ учун севсак, бу иш сира тугамайди, иншааллоҳ. Жаннат боғларида қўл ушлашиб сайр қилиш турганда, унга фақат шу дунёдагина эришаманми? Мен унга би-



ровнинг назар солишини тасаввур ҳам қил-  
лолмайман, у эса жаннатда бошқа бировни-  
ки бўладими?.. Ҳатто ишлатилган стаканни  
бир четга суриб қўядиган мен, нега ишла-  
тилган юрак излашим керак?.. Хўп, тушун-  
дим, ўзим ҳам авлиё эмасман, болалардек  
маъсум ҳам эмасман, буни тан оламан, ле-  
кин хатоларни тушуна олса, давлатимнинг  
эгаси ҳам у бўлади. Аллоҳ менга уни яхши  
таниб олишим учун имкон бераётган экан,  
Роббимнинг буйруғини суиистеъмол қили-  
шимни кутганмидинг мендан? Бу пок сев-  
гини булғаш бўлади-ку! Сен менга заҳарли  
бол едиряпсан, еганим билан буни сезмаяп-  
ман, аммо кейин заҳарнинг таъсири бутун  
томирларимда оқиб, ўз кучини кўрсатади  
ва бутун аъзойи баданим тиришиб қола-  
ди. Наркоз ҳам сенинг режаларингдан бири  
эди, тўғрими? Мени ҳаром севгиларнинг  
мубталосига айлантиргандинг. Шу жойда  
тўхта, томирларимда оқаётган оғуларингга  
қарши менинг шоҳтомиримдан ҳам яқинроқ  
бўлган Роббим бор!

Сени эшитишимни ўйлаб кўр. Аллоҳ  
номи билан совчи бўлиб борилганда ои-  
лалар ўзаро келишишади, маслаҳатла-  
шишади, биз ҳам бир одим илгарилаймиз,  
аммо ундан аввал-чи? Ўша кундан аввал  
биз Аллоҳдан қандай сўраган бўлардик  
бир-биримизни? Ҳаром севгилар ичра  
эканмиз, Аллоҳ рухсат бермаган ишққа  
қандай берилишимиз мумкин? Аллоҳнинг  
буйруғини суиистеъмол қилиб, ноҳалол



муносабатлар ўрнатармидик? Уйимда ҳа-ловат берадиган ишқни кўча-кўйдаги ар-зон севгиларга алмаштиради деб ўйлаган-мидинг? Бир куни тунд қиёфа билан эшик кўнғироғи чалинишининг сабабчиси сен-сан ва худди шундай қиёфа билан очил-ган эшикнинг сабабчиси ҳам сенсан. Чунки жуда айёрсан!

Сенга қарши ҳимоям билан ҳар кеча жан-нат боғимдан рози-ризочилик сўрайман, энди тушундингни сабабини? Мени нафсо-ний, пасткаш нигоҳларга асир этишингга изн бермайман. Роббимга бу кирланган қалбим билан қандай қуллик қиламан? Тоза сувга бир томчи сиёҳ томизсам, у сув поклигича қолармиди? Мен ҳам сен билан худди шун-дай лойқаланишни бошлагандим, ҳар бир доғда янада чуқурроқ чўкаётган эдим. Айт-чи, инсон Аллоҳ учун севган ёридан ҳам зерикадими? Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бўлсам, ул зот “Мен сенга умматим, умматим де-сам-у, сен имонингни ишққа сотдингни?” демайдиларми?..

Роббим-чи? Унинг ҳузурида нима дей-ман? У мени доим кўриб турмайдими? Би-рор гуноҳ қилсам, Ундан қаерга қочаман? Ишқнинг кўзи кўр эмасди, кўзларимни сен кўр қилдинг айёрликларинг билан. Ҳам-ма ишни ҳал қилдим деганимда у билан қаршимдан чиқдинг. “Жойнамозим олдида дўшпингни кўришни истайман”, “Ҳар хил дўшпилар олишни истайман” деган шивир-



лашларинг... Йўқ бўлсин бари! Ичимдаги ҳаяжон аслида шунчаки сароб эканини кўриш қанақалигини биласанми сен?! Турмуш ўртоқ дегани кеч қолганимда хавотирланиб қўнғироқ қилиб ҳам боғлана олмаган пайти ақлдан озадиган эмас, намозда энг олд сафларда эканимни биладигандир, шундай эмасми? Ҳаром ичидан ҳалолни излаган романтик мусулмонлар эшитиб кўйсин!..

Қип-қизил олма узатасан, энг қизил жойидан бир тишлаб, ичидан қурт чиқарасан. Узун денгиз соҳилида тургандек қарайди қуртлар. Буни қандай ейиш мумкин ахир? Айт-чи менга, сен ермидинг? Мен ўша охириги ишингни унутганим йўқ, тулкижон! Ҳеч кимга хиёнат қилмайман десанг-да, бу қияликда энг кўп мендан фойдаландинг. Мен буни унутганим йўқ ва фонийлик муҳри босилган ўша дафтарни ёпдим! Жимиб қолдинг... Қара, виждоним унинг овозини ўчиришга ҳаракат қилган кунларимни ёдимга солмоқда, қалбим эса таъмирланган табасум билан сабр қилмоқда яна. Аллоҳим, бир дардим бор, Сенга айтсам бўладими? Чунки ҳеч нарса сўрамай туриб ҳам остонанга таклиф этилганман, Роббим! Энди кўкрак қафасимни кенгайтириб турувчи бир умидим бор ва ўша умид сўнмас экан, энг гўзал кунларим ҳали олдинда эканига бўлган ишончим ҳам сўнмайди, алҳамдулиллаҳ!

Аллоҳ бор-ку, Аллоҳ бор! Бир дақиқа, чироқ... Чироқни ким ўчирди? Жим туришининг сабаби ҳам шумиди? Қалб билан виж-



дон ўртасида чордана қуриб ўтириб олган ким? Бу жавоб, бу ҳолат... Юрагим яна тез ура бошлади, бу галгиси бошқача. Оғзимда таниш таъм бор, бу ҳам сеникимми? Мушк ҳидини сен олиб келдингми? Уст-бошинг роса чанг бўлибди, сени эсламай қўйганимга анча бўлганди. Оҳ, тавбам, орамизга қанча олис масофалар тушиб қолган. Чироқлар учган бўлса ҳам, қалбимни эгаллагансан ва мени Роббимнинг ҳузурига олиб бормоқдасан.

Мендан хафа бўлма, унинг ўрнига бор, чой дамла, бир чой ичайлик!..





Инсон баъзан юрагининг тубида  
ўзини ёлғиз сезади, баъзан мяси  
ўйларга тўлиб кетади.





## Турмуш қурадиган инсоним чиндан ҳам уми?

“Қадим ўтган замонда Кўҳи Қоф деган томонда бўри баковул экан, тулки ясовул экан...” дея бошланувчи эртакларнинг иси уфурган охир замонда яшайпман. Ахир вақт бу, ўтмаяпти деб ўйлаганларимнинг ўрта-сидаман. Қўлимдаги қаламнинг ҳам сиёҳи тутаган палла. Бу қандай зиддият бўлди? Эшигим тақиллаб, “Ким бу?” деб сўраганимда, “Мен” деган овоз эшитилган лаҳзада туюладиган ҳиссиёт билан уйғондим бугун. Чуқур ўйга толдим чоғи, руҳимдаги қусурлар ўзини кўрсата бошлади...

Кимдир бўлсин ва мен унинг ҳаётида ягона бўлайин. Кимдир бўлсин ва мен унга “Онандан сўраб кўр-чи, куёв керакмикин” дея олайин. Турмуш ўртоғим шунчаки турмуш ўртоқ эмас, айна пайтда дарддошим, сирдошим бўлсин. Қаерда, қандай шароитда бўлмайлик, мени қўллаб-қувватласин, кўзларимга қараганда, қорачиқларини ҳис қилайин. Нигоҳларининг тафти билан юрагимни иситсин, қор паға-паға ёғаётган маҳал совқотган қўлларимни нозиккина ҳовучи билан иситсин. Бармоқларим музлаб қолгунча, ҳатто касал бўлгунча қорбўрон ўйнагандаги завқни туяйин. Касал бўлганимда мен учун тайёрлаган қайнатма шўрвасининг мазаси бир умр ёдимда қолсин.



Киприкларимга қор парчалари келиб кўн-  
са-ю кўзларимни юмиб олсам. Кўзларимни  
очар-очмас, никоҳимиз эълон қилинган  
пайтда бўлиб қолсам. Оёғимда остима оғриқ  
ҳис қилсам, аммо кўзларимиз тўқнашганда  
бутун оғриқлар эсимдан чиқиб кетса. Икки  
қаватли чорбоғимизда иссиққина калон  
ёнида кечган суҳбатлардан суяг дабдурт-  
дан машинамизга миниб, бошимиз оқдан то-  
монга равона бўлсаг-у сафардаги ҳаяжон-  
ни сариқ сочли қизалогимизнинг йилми  
бузса. Ишдан чарчаб келганимда, остонада  
қизалогим бўйнимга осилса, ортидан ука-  
си пилдираб чиқса, ошхонадан иштаҳани  
қитиқловчи ҳидларни туйиб, ўша томонга  
қадам ташласам. Хонадонимиздан хузур-  
ҳаловат аримаса...

Яна нималарни истайди кўнгиллари? Қай-  
си эртақдан отилиб чиқди бу фикрлар?  
Бошимга гурзи билан урилгандек бўлиб  
ўзимга келдим. Соат тунги ўн иккига яқин-  
лашибди. Ўйларимни кимдир тўхтата олади-  
ми?.. Ким айтган ўзи бир ёстиққа бош қўйиб,  
бир ёстиқда қартайинглар деб? Қаришта-ку  
қариймиз, лекин ёстиқдами ёки кўмирхона-  
дами?.. Бўйдоқнинг ажрашиши осон дейиша-  
ди, инсон турмуш қурмасидан олдин қандай  
хаёлларга берилади-я.

Ўзимни дунёда эмас, худди жаннатда  
юргандек ҳис қиляпман. Чорбоғимиз бўл-  
син, аммо дардимиз бўлмасин, келажакимиз  
бўлсин, аммо ҳеч қандай муаммомиз бўл-  
масин, доимо бирга яшайлик, аммо ҳаста  
бўлмайлик. Албатта, банан ейлик, кулур-



наининг таъми келсин, шундайми? Нафас олаверайлик, лекин умримиз тугамасин. Ҳаётга қадам қўйяпманми, шунчаки карикатура чизилманми, маълум эмас. Турмуш дегани барча турмуш қурганларнинг “Эсинг бўлса, асло бундай қила кўрма” деган, бўйдоқлар эса бу гапга қулоқ осмай интилган нарса аслида.

Инсон баъзан юрагининг тубида ўзини елғиз сезади, баъзан мияси ўйларга тўлиб кетади. Ҳеч тинмайдиган овозлар бор миямда. Бирпас жим турса, мени тингласа борми, унга нималарни гапириб берардим. Инсоннинг ҳар истаганига эришиши шунчалик осонми? Ким кўрган дунё деган маконнинг тинимсиз чоғиб юрган кунларини, ким кўрган бўлиши даргумон ишларнинг амалга ошганини? Эҳ-ҳе, мен содир бўлишига ишонмаган қанчадан-қанча ишлар бўлиб кетди. Гап юришдами ёки йўлни топа олинмида? Ўқишни билганга ҳар воқеа бир оятдир, юришни билганга ҳар қандай йўл ҳам йўл бўлиши мумкинми?.. Қанчадан-қанча янглиш хаёллар ортидан қувиб қадоқ қилиб юборибман товонларимни. Чопаётганда эса хато деб ўйламагандим асло. Ҳаётимда шундай инсонлар борки, кошки улар билан танишаётиб ўзимни ўликка солиб олганимда. Узун йўлнинг бурилиш нуқтасида тушуниб етиб, ортга бир назар солиш устимдан совуқ сув қуйилиши билан бир бўлди. Мен боши берк кўчаларда тентираб юрганимда кўзларим, қулоқларим нима билан банд эди? Боши берк деганим мен киргандан кейин у



ердан қайтиб чиқмаслигимга ишонган кўчаларнинг умумий номи эди. Йўл қаерда тугашига ишонсам, ўша ер менинг боши берк кўчам эди. Ортга қайтиш эса мен учун йўлнинг айрилиш жойи эди, ҳеч тугамайдиган, адоғи йўқ йўл...

Ҳалжонли одимларим, узук-юлуқ хаёлларим, сира битмайдиган умидларим... Келажак учун тузган режаларим, оҳ!.. Зеро, шу эмасмиди "Бу ердан сенга бир наф йўқ" дегувчи хаёлларимизнинг оқибати? Шу эмасмиди очиқ кўзларнинг аслида кўрмаслиги? Бир юракка мубтало бўлишдан ақлдироқ, айна пайтда телбароқ иш йўқ эди...

Узоқ йиллар мактабдаги дарсларда ўргатилган "Х" қийматидан "Ҳ"ларнинг чиқариб олинишини энди тушуниб етмоқдаман. Кимнингдир қадрли бошқа бировга берилган қиймат билан кўрсатилиши мумкинми? Мен лойиқ бўлган ёки камида ўзимни лойиқ деб билган қийматнинг ўзгага берилиши қадар юрагимни яралайдиган нарса борми бу дунёда? Бу саволларни шунча йил тинмай сўрадим, жавобларини оғриб-оғриб топдим. Тушунмаганим шуки, қалбимга сиққанга ақлимда нега жой топилмади? Саволлар ва яна саволлар, битмас-туганмас, охири йўқ саволлар. Имтиҳонлар яқинлашганида китобимни қўлимга олганча бир четга жойлашганимда худди чироқ ўчиб қолгандек, хиргойи қилганимда гўё ўзимни қарға каби ҳис қилганимдек ҳафсалам пир бўлди.

Ўларча чанқаб, қўлимни сув тўла шишага узатганимда шиша чил-чил бўлиб, синиқла-



ри атрофда сочилиб кетгандек ҳис қилдим ўзимни. Қумдек сочилиб кетган сениқларни сўзлашиб ташлаш фикри хаёлимдан кетмай қолди. Маҳалламиниз кўчаларида тўп уйнаган дамларимни, уст-бошим, сочимнинг мен учун қилгани бўлмаган беғубор дамларни соғиниб аслаймай. Қиш ўртасида қуёшни соғинаман, ёз ўртасида эса иссиқдан шикоят қиламан. Мен аслида мен эмасдекман. Қўлимда совға ўраладиган ядтироқ қоғоз, сохтадек кўрилади кўзимга. Инсон ҳам ичи бўм-бўш бўлса-да, ташқарисини ранго-ранг қилиб бўлиди, безайди. Ичи ҳам гўзал инсонни топиш эса сомонхонада игна қидиришдек бўлиб қолган. Ички камчиликлар, қусурлар ташқи пардоз билан бекитилади. Нимага ҳам ишоншим мумкин ҳатто ойнадаги аксим ҳам мендан узоқлашиб кетган бўлса. Китоб жағоним ёнидаги кичкина шиша идишдан ақриб турган қаҳва ҳидидан тўйиб нафас олмаман. Худди бир финжон қаҳва ичгандек роҳатланаман. Ҳа, бир финжон қаҳва ичсак, қирқ йил ҳурмати бор<sup>12</sup>. Бутун фонийларнинг ҳурматини жойига қўйяпман, аммо мени йўқдан бор қилган Аллоҳга нисбатан ҳурматсизлик қилмаяпманми?.. Осмонга қараб севгимни уйлаш ўрнига Парвардигор осмонларни яратганини уйлаш юрагимга ҳақиқатчилик баришлайди. Неъматларинг билан сийладинг, мен эса жаҳл отига миниб, нафсимга енгилдим, шундан кўпроқ

<sup>12</sup> Туркчада бир финжон қаҳванинг қирқ йил ҳурмати бор деган маънода бир Яшиллик каттама, кичикми, унутилмайди деган маънода ишлатилади.



уяламан, Аллоҳим. Йўқотма дейман, асло йўқотма шу жасоратингни, Аллоҳ сеннинг қалбингда қуёшинг бўлсин. Унутма дейман, унутма, бир кун келиб ҳаммаси ўз ўрнига тушади, фақат бироз сабр ва яна сабр...

Ким дард билан эшигимни қоқса, ноҳақлик дейди, катта ноҳақлик. Унинг менга қилган ноҳақлиги, шафқатсизлиги, мени тингламай туриб сўроқ қилиши, нонкўрликлари... Ҳамма ўзича ҳақ. Ҳамма шикоятчи, лекин ҳеч ким буни мен қилдим демайди. Мен ҳам демайман! Энг катта нонкўр менман десанг-чи! Инсонларнинг озгина хатолари ҳам менга оғир ботади десанг-чи! Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам, беморликда ёки соғлиқда ҳам мусулмончиликни уддалай олмаяпман десанг-чи!.. Деёлмадим, ҳа, деёлмадим, чунки инсонларни айблаш осон, ноҳақ айбланишимнинг сабаби ҳам шу эди. Бир-биримизга қанчалар ўхшар эканмиз-а? Сен ҳам инсон, мен ҳам; сен ҳам нонкўр, мен ҳам. Сабримни синаб кўришим керак эди, руҳимга кафан бичилар экан, ёлғон оқликларга алданмаслигим керак эди. Турмуш ўртовинг бўлгани, чиройли уйнинг бўлгани яхши, бироқ охиратим-чи? Ҳақиқий келажагим-чи? Ўттиз йил, етмиш йил кейинги ҳаётнинг дардидаман, ясама тишларимни йўқотиб қўймай, ҳассам чангда қолмасин дейман, охиратимни ҳам ўйлайманми? Истаганим жаннатдан кўшкми ёки жаҳаннам чуқурими? Ҳолбуки, турмуш қуриш имтиҳон дегани, имтиҳон бўлгандаям катта имтиҳон, қаритиб юборадиган имтиҳон. Имтиҳон эса



мен сенга савол бераман, сен жавоб қайтарасан дегани. Аллоҳ бу турмушнинг қаерида, пайғамбар қаерида, намоз қаерида, қабр қаерида? Энг муҳим ҳақиқатларни қандай кўрмадим, кутганим нима эди ўзи? Бундай турмушнинг уч-тўрт ойдан кейинги аҳволи нима бўлади?.. Туркия статистика идораси маълумотига кўра, ҳар уч оиладан биттаси ажрашар экан. Менинг статистикам нимага бел боғлаган эди? Оддий оғишлар билан бўладиган ишми бу? Имтиҳондан ўтаётганимдими ёки қўшимча дарс олганимдими? Чинакам трагикомедия. Сал кейин парда ёпилади, ҳамма ўрнидан туриб қарсак чалади, ёлгончи дунёнинг ёлгон олқишлари...

“Майли-ю, мен ошиқ бўлмайинми?” деган пайт бир мушт тушираман оғзининг қоқ ўртасига. Буни қара-я! Бўл, ошиқ бўл! Неча тийинлик қалб билан бўласан? Неча тийинлик кучинг билан имтиҳонлардан ўтасан? Шунчалик, ошиқ бўладиган даражада журъатлимисан?.. Меники турган-битгани тентаклик, жоҳиллик. Ҳаёт қисқа, йиллар елдек учар экан. Баҳорни ёзга, ишқни нозфироққа фидо қилибман, қўлимдаги мойчечакни “севади-севмайди” деб адо қилибман, қарасам, умримни беҳуда ўтказибман. Энди бекордан-бекорга ўлдирманг мойчечакларни, бироз яқинроқ боринг уларга. Яқинлашинг ва зикрларига шерик бўлинг! Ошиқ бўлишни руҳий хасталикка айлантирибман, бу энди муваффақиятсизлигимнинг муваффақияти.

Бир қарасанг, ўзини қўлга олмоқчи бўлган одам ҳали қулоғини, ҳали бурнини ков-



лаётган бўлади. Юзи ҳуснбузарлардан гадир-будур бўлиб кетган, миясида романтика: “Севгилим, яғонам, бугун юзингда ажойиб табассум, қувноқлик бор, юзинг гулзорга ўхшайди, кўз тегмасин!” Аҳволи ўзгармайди, турмуш қуради ва оқибати надомат. “Бунимаси, бурнингизни қовлаяпсизми? Юзингиздаги тошмалар нима? Одам дегани сал ўзига қараши керак эмасми?..” деган гаплар билан уйни тўлдиради. Ҳолбуки, турмуш қурмасдан аввал ўйлаш керак эди буларни, хаёли жойида бўлмаган, кўрмай қолган кўзлари тўйдан кейин очилади. Сабаби нима демоқчимисиз? Сабаби оддий, қайси севгида Аллоҳга ўрин қолдирилмаса, ўша севги одамни кўр қилади! Ножоиз севгига мубтало бўлган одамга Аллоҳни тушунтириш ҳиссиз кимсага дунёнинг энг гўзал қўшиғини айтишга ўхшайди. Олган кийим-кечакларимнинг кичкинагина ёрлиғига ёзилган фойдаланиш қоидаларини ўқибман, қўлимга тушган барча электр жиҳозларининг ишлатиш бўйича йўриқномасини ўқибман-у, Роббим юборган йўриқномани – Қуръонни очмабман! Ошиқ бўлишга ҳаққим бор деб ўйлайманми шунда ҳам?! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ўрганмабман-у, пуч хаёлларнинг ортидан чопаверибман. Йиқилиб тушдим. Шунга лойиқман ўзи, зиналардан думалаб тушишга лойиқман. Эй Аллоҳим! Ҳабибимизни Мадина йўлидаги ғорда ўргимчак орқали мушриклардан ҳимоя қилган Роббим!.. Охир замон ғорларида тиқилиб



қолган юрагимни фитналардан Ўзинг ҳимоя қил! Шунини тушундимки, Сендан ўзгага ўзимни бағишласам, текинга сотилган бўлар эканман. Ахир кўмирчи олмоснинг қадрини билармиди! **Лекин сўқир кўзларим буни кўролмади ҳаромлардан воз кечмай туриб Сирот кўпригидан қандай ўтаман?..**

Машойихлар айтадики, эркак ва аёл ўртасида муҳаббат ва ришта фақатгина дунёвий ҳаёт эҳтиёжларига асосланмаган. Аёл эрига фақат бу дунёда эмас, охиратда ҳам рафиқадир. Шундай экан, чиройига эридан ўзгани жалб этмасин. Эр эса рафиқасига ўткинчи ҳавас билан эмас, севги ва ҳурмат ила боқсин.

Демак, мен излаган турмуш ўртоғим билан ўртамиздаги ришталар фақатгина данғил-лама уйимиз бўлсин, машинамиз бўлсин, мебелларимиз чиройли бўлсинга ўхшаш дунёвий истакларга асосланган бўлмаслиги лозим, зеро, инсонга бахт келтирувчи нарса мол-дунёнинг кўплиги эмас. Агар мол-дунё бахт келтирганида, Америка ва Европадаги оилалар ҳозиргидек жар ёқасига келиб қолмасди. Европада ҳаёт стандартлари жуда юқори, бироқ оилаларда зиддиятлар ҳам кўп. Чунки охиратни ўйлашмайди. Охират ҳаётида жуфт бўладиган кишини бу дунёнинг стандартлари билан танлаш мумкинми?.. Дунёнинг ҳидларига бурканган жуфт билан тасаввуримга ҳам сиғмайдиган абадий ҳаёт сари қандай қилиб қадам ташлайин?.. Тушундим, турмуш ўртоқни шахвоний ҳирсени қондириш учун эмас, абадий



ҳаётда ҳам бирга бўладиган умр йўлдош сифатида танлаш керак экан. Умр йўлдош дегани ёнингда юрганда ярашадиган эмас, жаннатга яқинлаштирадиган бўлиши керак экан.

Турмушда муаммолар, тушунмовчиликлар бўлиши мумкин, буларни билган ҳолда умр йўлдош танлаш зарур. Ҳатто Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хонадонларида ҳам тортишувлар бўлган, мен қандай қилиб бир текисда ўтувчи турмушни кутишим мумкин?..

Мен нимага талабгорман ўзи? Охиратлик умр йўлдош ўрнига дунёлигини танлаб, нимани умид қиляпман? Мен севган Пайғамбаримнинг кўзларида дунё шунчалик қадрсиз экан, мен қандай қилиб дунёнинг жилваларига берилдим?..

Қимматбаҳо идиш-товоқ тўпламларга маҳлиё бўлиб, дастурхонини турли-туман ноз-неъматлар билан тўлдирган, қошиқ бу томонга, санчқи бу томонга деб бош қотирадиган бизлар очликдан қорнингизга тош боғлаб юрганингизни қаердан ҳам тушунардик, ё Расулуллоҳ!..

Сўнги русумдаги машинам, данғиллама уйим бўлмай туриб уйланмайман дея ҳаром-хариш йўлларда юрган йигитлар ҳамда тилла тақинчоқларим бўлмасдан турмушга чиқмайман дейдиган қизлар кўпайган бу замонда сизни қандай тушунардик, эй Аллоҳнинг Расули?..

Машойихлар дейдики, шаръан эр-хотин бир-бирига муносиб бўлмоғи лозим. Бу мос-




лик ва тенгликнинг энг муҳими дин жиҳатидан бўлганидир. Аёлининг дину диёнатига тақлид қиладиган, абадий ҳаётда ҳам у билан бирга бўлиш учун дин буюрган амалларни адо этадиган эр қанчалар бахтли! Эрининг диёнатини кўриб, абадий ҳаётдаги йўлдошимдан айрилиб қолмайин дея тақво қиладиган аёл қанчалар бахтли!





Ҳар бир қадамимда “Хайрлиси бўлсин”  
дедим ва Роббимга чопиб келдим.





## Мен келдим...

Эшик олдида турибман, не қилай, ичка-  
рига киролмаяпман. Бу оламда чора тугай-  
дими ҳеч? Менинг чорам тугади ёки ўзим  
тутатдим, шекилли. Натижа ўша-ўша бўл-  
гач, сабабларнинг аҳамияти қолармиди?  
Биз билсин, мени не-не орзулар билан кат-  
та қилишган, кимдир шу кунларни ўйлаган-  
микин? Доим шундай бўладими, кўчаларда  
одамлар бир-бирини эшитмасдан ўтиб кета-  
дими?.. Жиддий қиёфали бир одамга кўзим  
тушди нариги томондаги йўлкада, боши тору  
охири кенг кўчада турибман. Шу тобда қаҳ-  
қаҳ урганча ёнидаги шеригига тинимсиз бир  
нималарни тушунтираётган бир одам ўтди.  
Нима гап ўзи шунчалик кулгили? Нима,  
замзам ичиш учун соат учда масжид ҳовли-  
сида учрашмоқчи эдингларми? Ҳув нарида  
бир йигит бор, сипо кийинган, тошдеворлар  
олдида бир қарашда эътиборни тортмай ту-  
рибди, аммо кўзларим қўлларига тушди, ни-  
мадандир қаттиқ ҳаяжонланган, шекилли,  
тинмай қалтираяпти, оёқларини эса гапир-  
май кўя қолай. Бироздан сўнг ҳаяжондан  
юраги ерилиб, тошйўлканинг бир бурчагига  
йиқилиб қоладигандек турибди. Бир соатига,  
бир йўлга қарайди, бир йўлга, бир соатига...  
Қизиқиб кетяпман, телефонимни ковла-  
ётгандек бўлиб, сездирмайгина кузатяпман.  
Ёнига бир қиз келди, унинг тескараси – ўзи-



га ишонган, қатъиятли, одимлари шахдам. Турган жойларида бир неча дақиқа гаплашишди, кейин йигит зина томонни кўрсатди, ўша ёққа борайлик деётган бўлса керак.

Эҳ, демак, шундай йўқолар экан-да тортинчоқлик, фитратлар шу тахлит бузилар экан-да. Қарасам, бироз аввал қўллари титраётган ҳалиги йигит қизнинг қўлидан ушлаб олган, икковлон кетиб боряпти. Ҳозир қиш эмас, бироқ хаёлимда қор бўрони кўтарилди, аъзойи баданим совуқдан қотиб қолди. Билсалар эди, шундай қилишармиди? Билсалар эди, олов сари юришармиди? Шу ерда катта ёнгин бор десам, ҳеч ким менга ишонмайди, аммо бир болакай пайдо бўлса ва уяни кўрсатиб, бу ерда ари бор деса, ҳамма қочиб кетади. Демак, шайтон жуда ҳам айёр.

Қайтиши кечиккан қанчадан-қанча кетганлар бор. Соғинчнинг ўзи кифоя эмас экан, тушундим, кифоя қиладиган нарсанинг ўзи йўқ экан аслида. Нима бўлганининг унчалик аҳамияти йўқ, бироқ кўнгил экан-да, гапга қулоқ солишни ўргатмасам, қулоқ солармиди. Фармонга қулоқ осармиди, қандай етказишни билмасам.

Бир фонус остида турибман, қўлимда шам милтиллайди. Ёнган сари сўзлайди, ёнган сари тилга киради. Ёнмасак, ёруғликка қандай чиқамиз? Сув ҳар кимга ҳам совуқ туюлмайди, буни ёниб куйганлар яхшироқ билади. Қолаверса, мен чой ичмай туролмайман, ўчоқ ёнмаса, чойни қандай дамлаймиз? Қайси буғ етади ойналарни тозалашга, қайси кўз ёши тозалайди ичимдаги зулмат-



ни? Ҳозир мен ҳам ёнмоқдаман бир шамнинг ёнгиyasида. Эриган сари тугаб бормоқда, мен эса тобора тўлиб бормоқдаман. Аламларни ўлиш деб ўйлабман. Неча кечалар фиронларим, кўзёшларим юзларимни ювди, ҳушимни йўқотдим, неча бор йиқилдим ва турдим. Аслида дош беролмайман деб ўйлаганимчалик эмас экан. Вадан ўлади, руҳ эса доим тирик. Балки, шу боис руҳим ёлрончи ишқлар дастидан изтироб чеккандир? Ҳамма нарса ўтиб кетади, бироқ ичимдаги шу пушаймонлик, шу ҳислар ўлгунимча қолса керак. Майли, қолсин, токи алдамчи ишқларга андармон бўлиб қолмай.

Кўча бошидан қовурилган каштаннинг ҳиди келяпти, ахир олов бўлмаса, шунчалик ҳиди чиқармиди? Баъзан пишиш учун олов баландроқ бўлиши керак, кетма-кет келаётган муаммоларнинг сабаби ҳам шудир, балки. Шу ўткинчи дунёга қанчалар маҳлиё бўлдим-а, жаннат деб ўйлаб, ундан кўп нарса кутдим-а...

Худди ўқитувчилардек яқинлашамаман имтиҳон қорозларига. Йил давомида нима ўқитган бўлсам, ҳар бирини бирма-бир сўраб оламан дейман ўз-ўзимга. Ўқитдим, ўргатдим, меҳнатим сингди, энди имтиҳон қилмасам бўлмайди-да дейман. Изтиробларим, сизга нима бўлди, нега мунгайиб турибсиз? Ҳар бир ҳужайра, ҳар бир туйғу, танадаги ҳар бир аъзо бирма-бир имтиҳон қилинмаслиги мумкинми? Оҳ, хайрият-эй, энди сал ўзимга келдим. Совқотиш ҳиссиётини берган Аллоҳ совуқни бермаганида, менда шун-



дай ҳисе борлигини қандай билардим? Севиш ҳиссини берган Аллоҳ севиладиган нарса-ларни бермаса, қандай билардим сеувчи бир мавжудот эканлигимни?..

Соатим жиринглай бошлади. Ичкарига таклиф қилишим билан уч қария кириб келди. Биринчисининг исми Хайрлиси, иккинчисиники Тавофуқ, учинчисиники Насиб. Сизларни тилимдан узоқ тутавериб, қанчалик қаритиб юборибман-а! Билмай қолибман! Яшаш бўйича йўриқномамни ўқиб ҳам кўрмаганман-ку, қаердан биламан!.. Қайта имтиҳонга қолгач ақлинг кира бошлайди. Масалан, юра олишим учун йўллар бор эди, кўришим учун гўзал манзаралар, эшитишим учун бир-биридан ажойиб овозлар. Албатта, буларни берган Роббим булар ишлатиладиган жойларни ҳам берган. Ҳовучимда бегона қўлниинг тафтини исташимга ҳожат йўқ эди, вақт-соати келгунча ўша ҳиссиётни иссиқ чойли стакан ҳам боса оларди, қалбим Эгасининг ёнида бўлсин, бас. Баъзан олов сувдан зиёда тозалайди, инсон буни кеч англаб етади ва охир-оқибат уялиб қолади.

Кичик қадамлар билан бошланган ёқтиришларнинг суръати ортиб, пировардида фожиага олиб боради. Тойиб кетдим, ўзим истамаган ҳолда тойиб кетдим, чунки йўл музлама экан, огоҳлантирувчи белгиларга эса эътибор қилмабман. Ўткинчи нарсаларга қаттиқ боғланиб қолган сари шиддати ортиб борди, ортгани сайин бу севиш эмаслигини тушуниб етдим, бироқ ичимдаги севиш истаги билан ҳақиқий ҳисни истадим. Абадий севиш қобилиятимни эса фоний



махбубларга сарфладим. Оҳ, жоним, боғда-  
ги чинорим-а. Келмасанг, ўлиб қоламан деб  
ўйладим. Кетиб қолишларинг билан сергак  
тортдим ва Роббимга қочиб келдим...

Энди шу калит мана бу қулфга туша-  
дими? Янглиш калит билан қайси эшикни  
очиш мумкин? Мен эса очишга уриндим ва  
калит қулфнинг ичида синиб қолди. Чиқин-  
дихонага айланган қалбимга назар солсам,  
бебахт бир парчага кўзим тушди. Бир умр  
бахтиёр бўлиш учун севиб, ақалли бир кун  
бахтли бўлиш учун кўришни истаб, ҳафта-  
нинг қолган олти кунини бахтсизликда ўт-  
каздим. Демак, бу иш ҳаддан ташқари ач-  
чиқ бўлиб кетган экан.

Айтадиларки, инсонлар ўзларига берилган  
маънавий жиҳоз (туйғу)ларни нафси ва дунё  
учун сарфласа, дунёда абадий яшайдиган-  
дек гофилона ҳаракат қилса, ахлоқи айниб,  
исроф ва беҳуда нарсаларга сабаб бўлади.

Мен ҳам Аллоҳ менга берган маънавий аъ-  
золарни, латиф туйғуларни дунёда ишлатган  
сари ликопларим бирма-бир синди. Яратган-  
нинг қоидаларини унутиб қўйдим. Унутиш –  
аслида менинг ёлғоним. Тўғриси, унутишни  
истадим, шуниси менга маъқул эди. Аллоҳ  
мени ҳар сония кўриб турганини билсам-да,  
қандай қилиб нафсимнинг истакларига уч-  
дим? Кучсизлашган сари аёвсиз қўрқувла-  
рим ортиб борди, ҳа, ҳақиқатан ҳам аёвсиз  
экан. Аллоҳ мени ҳар сония кўриб туради, У  
истамаса, ким ҳам менга зарар етказа олар-  
ди? Мен Аллоҳ учун севсам, У мени ярим  
йўлда қолдирармиди? “Аллоҳ учун” деган  
одам қандай қилиб ҳаромга илашади? Кўз-



ларимни гафлат пардаси қошлади, нафсим учун севдим ва панд едим.

Аллоҳдан ўзгаси ўткинчи, фоний. Мен ҳам фоний бўлганим ҳолда қайси йўлларга кўз тикдим ўзи? Боқийни эсдан чиқмайди-ган қилиб миямга қуйяпман ҳозир. Тилимга, қалбимга, томирларимга, бутун ҳужайраларимгача етказишим керак. Такрорлаган сари такрорлашим, такрорлаган сари ичимга сингдиришим зарур. Дунёга шунчалик боғланиб қолибманки, ҳамма нарсага “мен” деган муҳримни босибман. Қуёшни ҳам, кечаю кундузни ҳам меники деб билдим, уйимни, машинамни, ҳаётимни, бадан либосимни ҳам ўзимники деб ҳисобладим. Ҳолбуки, шу ернинг ўзида жоним узилса, қуёш яна чиқаради, ботаверади. Ҳар нарсага муҳримни босибман-у, қалбимдаги муҳрни кўра олмамман. Кўчага чиқиб, бировнинг машинасини эгаллаб олсам, кунимни кўрсатади. Ёки бировнинг уйига кириб, стол-стул, диванларингизни ёқтирмадим дея уларни алмаштираман, ким ҳам рухсат беради, ким ҳам жим қараб туради?.. Осмонни мовийдан яшилга бўямоқчи бўлсам, бу ишни эплай оламанми?.. Мен эса кучим етмайдиган нарсаларга чиранмоқчи бўлдим. Аллоҳ дейдики, “Улар Аллоҳни унутишгач, Аллоҳ ҳам уларни унутди”.<sup>13</sup>

Аллоҳ бизга дунёда жаннатда яшагандек яшанг демади-ку! Бир тийинга қиммат жойда мени изланг ва топинг деди. Бунинг номини эса имтиҳон деб атади. Ҳозирда ичимда Аллоҳ учун севишнинг завқи бор. Янги туғилган чақалоқ каби йиғлаб-йиғлаб хато-

<sup>13</sup> “Тавба” сураси 67-оят.



ларимни ўчира бошладим. Ўчириш учун ҳеч нарсага эҳтиёж йўқ, тавба бор экан, ҳаммаси осонгина ўчади-кетади.


Нафсим жим турармиди, алланималарни шивирлайди.

Сени болалигингда уч марта юқорига отиб, фақат икки мартасидагина тутиб олишганими, эй нафсим? Сенга қулоқ осиб, ҳатто ариларнинг учини йўналишларини белгилаб берган Аллоҳ мен учун йўл харитаси чизмаган деб ўйлайми? Устига-устак, ўлим ҳарлаҳза остонамда! Нима энди, сенга қулоқ солиб, жаҳаннамга тушайми? "Битта масжидга бошқа-бошқа пайтларда қадам босибмиз" деган сафсатадан қочиб, Роббимга таваккул қилмоқдаман. Энди мен Аллоҳ кўриб турибди-ку деган гапга эргашаман. Нима қилай, уларнинг севгилдилари бошларидан гул сочади, менинг Севгилим эса ҳам гулни яратади, ҳам бошимдан раҳмат ёғдиради. Қандай қилиб севмаслигим мумкин, қандай воз кечаман?..

Бир ҳовуч умримни зое кетказишим ўзим учун тайёрлаган аччиқ интиҳо экан. Кўзларим ҳақиқат сари очилмоқда. Ич-ичдан "Боқий!" дейман, бутун изтиробларим, санчиқларим тарқаб кетади бир лаҳзада. Энди билсам, ошиб бўлмас деворлар фақатгина хаёлимда бунёд этган тўсиқларим экан. Агар Аллоҳ "Бўл!" деса, ҳатто коинот ҳам хизматчи бўлар экан. Сафар учун йўл озиғи тайёрладим ўзимга, хайрлиси бўлсин, яхшиликка бўлсин дея жойлаштирдим жомадонимга. Мана энди барча сафарларга энг биринчилардан бўлиб мен тайёр бўлдим...



*“Дунёда қаерда синган бўлсанг, энди бор,  
жаннатнинг ўша жойида таъмирлан”.  
дейишингга толибман, Аллоҳим!*





## Нега бахтли бўлолмаяпман?

Ер юзида тўрт фасл бор. Ичимдаги фаслларни сўраб ўтирмай тўрт фасл деб номлаб қўйишган. Мендан сўрадингизми дейишни истайман, воз кечаман. Шундай бепарволик билан курсимни гичирлатиб ўтирибман. Гичирлаган эшик каби туйғуларимни ёғласам, тузалармикин? Кеч қолган одамга яна бир соат қўшиб берсам, сонларни санашни ўргатсам, фойдаси бўлармикин? Пастликка тушиш осон, аммо юқорига чиқиш-чи? Ухлаш осон, лекин уйғониш-чи?..

Сўзлар гаплардан ажралиб чиқиб, ҳар бир ҳарфнинг гаввосида ўзларини осийди. Бетўхтов ўйлар орасида арқон осилиб турибди. Кимдир тўхтатса, овозини ўчирса эди.. Ҳа, майли. Қочишлар, чидашлар ёстиқ тагига яширилган олтиндек гап. Яхши инсонлар билан бирга бўлишдек озиғим бор эди, ўрмоннинг ўртасида йўқотиб қўйдим. Хуллас, бошимга тушганлардан сабоқ олмадим. Қайси дарахт йўл кўрсатиб ҳайқирди, билмайман, бир жойларда йўқотиб қўйдим. Қўлимда компас бор, ўқи чиқиб кетган, мен эса турган жойимда қотиб қолганман. Майсаларни эзиб-янчиб ўтар эканман, уларни ранжитишни истамадим, тўхтамоқчи бўлдим. Тўхташ ва шундайгина қотиб қолиш.. Шу ерларда йиқилиб тушсам, қолиб кетсам



дедим, қулоғим эшитишни ҳам истамади, нозик майсалар аро жимгина юриб кетдим.

Қуш патларининг устида ухлаб, тушимда Ойнинг кўчаларида кезиб чиққандек уйфондим тонгда. Хеч қандай сабаб йўқ, аммо дунё худди устимга бостириб келаётгандек. Худди мени босиб қолишга онт ичгандек. Нима, пўртахол сиқяпсанми, сал секинроқ демоқчи бўламан, овозим чиқмайди.

Уйфондим ва бир ёни дарз кетган, занг босган ойнанинг рўпарасига ўтдим. Болалигим чопқиллаб ўтди. Бир томондан ўқишга боргиси келмаган ёшлигим ҳам ўтди, ишга ҳам боргиси келмагани кўриниб турибди. Бирданига қаердан пайдо бўлди бу қабз ҳолати дейман ўзимга ўзим. Ҳозир мавриди-ми? Руҳим худди игна тўла қутида қамалиб қолгандек, қимирласа, ҳар томонига игна санчилади. Бирдан ўзимни олма уруғидек ҳис қилдим. Ҳолбуки, у шикоят қилмайди, турган жойидан мамнунга ўхшайди. Мамнун бўлганининг нима фарқи бор, барибир бир четга улоқтирмайманми?.. Улоқтирганимда қанчалик исрофчи эканман-а, қанчалар қўпол ва қўрс. Ҳозиржавоб инсонларни эмас, дуо қилишга тайёрларни соғиндим. Қай томонга қимирласам ҳам, руҳимга игналар ботяпти. Лекин галати, жимирлаган сари оёқ-қўлимдаги сезгилари ўзгаряпти.

Соат миллари илгарилаб бормоқда, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ. Бир бекатда бирданига тўхтади, худди шу ерда учрашишга келишиб олгандек. Гўё жазирамада қолганман-у, устимга ёмғир ёққандек. Салқин жой изла-



ганман-у, дарахтлар соясига олгандек. Енгил торта бошладим, чунки ҳар кечанинг бир кундузи бор ва қуёш амрга биноан ҳаракатдан тўхтамайди. Зулматга чўмган жойларни ёритаверади, чироғи ўчган хонадонларни ҳам. Қалбимнинг зимистон бурчакларига ҳам нурларини юборди. Вақт қандайин асов дарё экан, билолмадим. Шодликлар ортади, умидлар жонланади. Аллоҳ қалбимдаги санчиқларни даволайди, фақат бироз сабр керак, вақт керак. Ҳар бир қишнинг баҳори бор, албатта, акс ҳолда гулларнинг ифорини ким ҳам соғинарди? Баҳорни ким ҳам кутарди? Масалан, ёмғирлар ёғмасдан олдин будутлар орқали қандай хабар юборади? Ер юзи дим бўлади, чечаклар йўналишини ўзгартиради, одамлар кўкка кўз тикади, ҳайвонлар яширинишга бошпана излашга тушади. Кейин ёға бошлайди, шундай тўлиб-тошиб, уввос тортиб йиғлаётгандек ёғади. Қизиги, ернинг тортишиш кучи деб аталувчи қувват унга таъсир қилолмайди. Бир бинонинг бир юз эллигинчи қаватига чиқиб, қўлимдаги сариқ дафтарни пастга улоқтирсам, шувиллаб тушиб, ерга қапишиб қолади. Ўша жойдан бирортаси ўтаётган бўлса борми, ҳолига вой бўлади-да... Аммо ёмғирчи? Жуда юксаклардан оҳистагина тушиб, юмшоққина бўлиб тегинади танимга. Тортишиш кучига қолса, гурзидек бўлиб тушар, ҳар томчиси кимнидир ўлдирган бўларди. "Раҳмат ёғяпти" деб бежиз айтмаган эканман. Раҳмат эгаси ҳақиқатан ҳам раҳмат ёғдирибди. Айюбдек сабрим йўқ, қудуқда



қолиб кетган Юсуф ҳам эмасман, аммо ба-  
рибир умидим бор Аллоҳдан. Тушкунликда  
қолган Ер юзига ёмғир ёғиб, тупроқлар яй-  
ради, тўйиб-тўйиб сув ичди.

Тебрана-тебрана қайиққа миниб, эшкак-  
ларга ёпишдим. Кўм-кўк денгизда суза  
бошладим, сув шунчалар шаффофки, худди  
қўл чўзсам, тубига етадигандек. Қуёш ҳам  
куйдирмай қўйди танамни, кўзимни қисма-  
ганим учун юзим жиддий кўринади. Руҳим-  
нинг қизил соябонли ҳолатини тасаввур  
қиламан. Худди унга яқинлашаётгандекман,  
уни ҳам ёнимга оламан, ёнимга ўтирғиза-  
ман, энди қайиқда икки кишимиз. Қайиқ  
кичикроқ экан, майли, бўлаверади, оёқлари-  
мизни йиғиштириб олсак, бемалол сиғамиз.  
Ҳол-аҳвол сўрамасданоқ мавзуга ўтиб қўя  
қоламан: грипп бўлсак, дарҳол дорихонага  
чопганимиз каби руҳимнинг грипп ҳолатига  
ҳам бирор чоранг борми дейман. Сабабини  
билмайман, баъзан бир ҳафта, баъзан бир  
ой, гоҳида бир йил давом этади, аммо саба-  
бини тушунолмайман. Аниқ нарса ҳам йўқ,  
мен нега қабз ҳолатига кирмоқдаман? Идиш  
синса, бориб янгисини оламан, соатим тўх-  
таб қолса, янги батарея сотиб оламан, бу ҳо-  
латнинг сабабини эса билолмайман...

Уяламан, лекин ўйламасликнинг ҳам ило-  
жи йўқ: Аллоҳ нега мени бундай синади,  
нега имтиҳон қилди? Юрагим сиқилиши-  
нинг қандай фойдаси бор менга?..

Сув остидан энди чиққандек чуқур-чуқур  
нафас олдим. Худди у мени эмас, мен уни  
олиб юргандек. Бирдан денгиз ўртасида бир



юлдуз кўз қисди менга, демак, у ҳам қулоқ тутишни истаяпти. Уни ҳам меҳмон қилдим, энди уч кишимиз қайиқда. Низомли-интизомли юлдуз бўлагига айландим, неча ҳафтадан бери офиз очмагандек тинимсиз гапириб бошладим. Бошлашга бошладим, аммо учинчи кишининг борлиги ичимда анча саросимага сабаб бўлди. Бу саросима ўткинчи изтироб ва муаммолар, сабр ва мужодалага кўникиш учун раббоний қамчи вазифасини ўтади. Денгиз ўртасидан қўй подаси ўтди, қўйларнинг орқасидан эса қўлида қамчиси билан чўпон кўринди. Пода йўлини ёдлаб олгандек оғишмай илгариларди. Ён томонларга бурилгани йўқ, бутун бошли пода бир чиқиқ устида юраётгандек йўлида давом этди. Йўлни кўрсатган қамчи бўлди, манзилини кўрсатган, турткисини ҳис қилдирган ҳам у. Тўсатдан ҳамма нарса чиройли кўрина бошлади. Худди раббоний қамчи тушгандек кўзларим очилди. Шу ерда бир йўсин турганди, менга қараб жилмайди, ҳа, табассум қилди. Унга қўл силкидим, кўришамиз ҳали дедим. Буни ўйлаб гапирдимми, ўйламайми, билмайман, аммо назаримда, яна кўришамиз, кичик яшил табассум, кўришамиз.

Бир қамчи бўлди мени танбалликдан уйғотган, табассумга ноил қилган. Қулимсирашга қанчалар эҳтиёжим бор экан-а! Бу туманли сафарга чиқмаганимда эди, кичкина яшил табассумни пайқамай ўтиб кетган бўлардим. Демак, инсон қабз ҳолатига тушмасдан туриб ожизлигини, фақирлигини тушуниб етмайди. Ҳой, кичик тоғлар, салом



сизга! Энди имоним қалбимнинг туб-туби-дан ҳайқирмоқда АЛЛОҲУ АКБАР дея..

Иситмалаб тонг оттирган кечамни эсладим, ётоқдан туришни қўя турай, қаддимни ростлашга ҳам мажолим йўқ эди. Жуда-жуда ожиз эдим, ҳолбуки, буни чошиб юрган кезларим тушунмасдим, қаёқдан ҳам тушунмай, ахир фақат мен юряпман, мен югуряпман деб ўйлардим. Аслида мен ҳеч нарса эмас эканман. Қабз ҳолатимда ожизлигимни, ёрдамга муҳтожлигимни, гуноҳкорлигимни идрок этдим...

Гуноҳкорлигимни билганим сари Роббимга яқинлашаман, демак, хато йўлда эдим ва мени ўзимга келтирувчи фақат Аллоҳ эди. “Дунёда қаерда синган бўлсанг, энди бор, жаннатнинг ўша жойида таъмирлан” дейишингга толибман, Аллоҳим. Тўғри йўлданаман деёлмасдим, чунки тўғри йўл фақат Аллоҳнинг инъоми бўлиши мумкин холос, энди шуни яхши биламанки, бу ишни бир ўзим уддалай олмайман. Ҳаммаси босқич-ма-босқич эди ва мен англаш ила бошладим бу йўлни. Масалан, спорт залларида оғир тошлар кўтарадиганлар ҳам босқич-ма-босқич шуғулланади-ку, тўғрими? Тана аввалига енгил тошларга ўрганади ва кейинги босқичга ўтилади. Бирданига юз килолик тошни ким ҳам кўтара оларди? Болалигимда бирданига рўзғор ташвиши юклатилса, кўтара олармидим? Албатта кўтара олмасдим, шунинг учун энг катта муаммоим шилиниб қонаган тиззаларим эди. Сени сувдан чиқарсам, кичкина юлдуз бўлиб соҳилда



Кўним тапа оласанми? Ҳаётимнинг сўнги  
кичикларини тинч соқил шаҳарчасида ўтказ-  
сам, қандай соғ бўларди. Эшакларни қў-  
лига берсам, шу қайиқда бизни кейинги  
чегарагача олиб бора оласанми? Бирор бо-  
лага берсам, эшаклардан фойда бўлмайди,  
худди шундай гап. Оғирликни аввал ўттиз,  
кейин қирқ килодан бошлайман, мушак-  
ларим секин-аста кўниксин ва ривожлана  
бошласин. Вақт ўтиб, бир юз ўттиз кило-  
ларни ҳам кўтараман ҳали. Бошида мен  
кўтара олмаган тош аста-секин енгил туюла  
бошлайди, мушакларимга оғирлик қилмай  
қолади. Баданимнинг мушак тизими бўла-  
ди-ю, руҳимники бўлмайдими? Келажакда  
дуч келишим мумкин бўлган ҳар қандай ҳо-  
латга қарши руҳимнинг мушак тизими ҳам  
ривожланиши керак. Қабз ҳолатларимнинг  
сабаби шу эди, шунинг учун эди чойдан  
чиқаётган ҳовурнинг қўлимни куйдирмас-  
лиги. Ҳамма иш аста-секин амалга оша-  
ди, аммо бу менга негадир оғирлик қилди.  
Руҳимни жуда заиф, кучсиз қилиб қўйган  
эканман. Таъмини тушунмасдан, ширин чой  
билан шакарсиз чойни бир-биридан ажрат-  
масдан ҳўшладим. Келган балолар ва муси-  
батлар руҳимнинг тошлари бўлди. Бирдани-  
га энг қийинларидан ўтишим даргумон эди,  
шунинг учун энг осон имтиҳонларга дучор  
қилина бошладим. Йўлнинг охирига келар  
эканман, ичимдан ўзига ишонган, асло но-  
умид бўлмаган камалак чиқиши керак эди.  
Касал бўлган пайтингда ҳатто ёнбошга ўти-  
рилишга кучинг етмайди-ю, қандай қилиб



ўзингга бунчалик бино қўясан, демоқчисан, тўғримми? Унутиб қўйдингми, эй митти юлдуз, мен инсонман. Аллоҳга ибодат қилар чоғим ўзимда куч топа оламан. Агар кибрлансам, зиёнда қоламан. Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, инсон ўз аксини улкан ойналарда кўриб, манмансирайди, кибру ҳавога берилади ёки батамом умидини узади, ўзини бир четга олиб, гуноҳлари туфайли дўзахий бўлиб қолганини ўйлай бошлайди...

Қаҳвамга бир чақмоқ оққанд солсам кам, иккита солсам кўп. Мени мувозанатда тутиб турадиган диним бор, қандай қилиб шайтоннинг кибр ёки буткул умидсизлик ҳийласига учишим мумкин?..

Мен қойилмақом қилиб уддалайман деган ишларнинг ичидаман. Бир четдан қарганимни яхши эслайман. Фикрларим “Қандай зўр ибодат қилдим-а!” деган пайтларга оға бошлайди. Гўё ашъараи мубашшарадан бириману жаннатга киришим ҳақида хабар берилган. Бунчалик ўзимга ишонишим мени адо қилади, мени оч қоплоннинг қафасига ташлаб, тилка-пора қилдиради. Бўғзимгача ёпишиб, қўйиб юбормайди нафсим. Йўқ, бунга рухсат бермайдиган Биров бор. Шунинг учун ҳам қабз ҳолатига тушаман. Йўлидан адашган қўйга ўхшаб қолишимни истамайдиган бир қамчи бор, елкамдан туртиб туради. Бир қарасам, на осийлигим қолган, на ўзимга бўлган ишонч. Нафсимга ишониб ўзимни юлдуз деб ўйлаган эканман, бир қарасам, нўхотдеккина эканман. Мен гуноҳкорларнинг энг каттаси, ожизларнинг



энг забуни, мухтожлар аро энг эҳтиёжманд эканман, ҳатто оёқ кийимнинг боғичларини ҳам ўзим боғлай олмас эканман. Кибру ҳа-войим бир лаҳзада сўнди, нафсимдан пуф деган овоз чиқди. Лекин мени йўлдан оз-диришга қасам ичган душманам ёқамни қўйиб юборармиди ҳеч? Худди шу жойда тузоққа туширади мени. “Қара, ўзинг кич-кина бўлсанг, қанчаям гуноҳ қилардинг, қў-лингдан гуноҳ қилиш ҳам келмайди...” дея рўпарамдан чиқади. Бир қарасам, гуноҳла-рим бўғзимгача келиб қолибди, энди қандай афв этиламан, кечирилармикинман дейман, Бўлди, ҳаммаси тамом, мен бир ўлаксаман, дўзахга лойиқман... Нафас олаётганимни ҳам унутиб қўйдим, нафас олган сари тавба эшикларини тақиллатишим мумкинлигини эсимдан чиқардим. Бир қамчи тушади яна елкамга, номи баст<sup>14</sup>, шоша-пиша салом бе-риб, ёнига суқилдим. Шундагина ўзим ҳис қилиб турган жаҳаннамий азоблардан фо-риг бўлиб, роҳат-фароғатга эришдим. Муз-лаб ўлмайман энди. Совуқ оқшомда ёққан қор остидан аёз кулиб қарагану мен яхлаган қўлларимни худди иссиқ печга тутгандек яйрадим. Жонимга ора кирганидан роҳатла-на бошладим. Шу иссиқ печ бўлмаса, олов-қўр бўлмаса, бутун вужудимни муз қопласа, нима бўларди, қандай аччиқ изтиробларга дуч келаман? Инсон фақат ўтда куядими, қатиқ совуқ ҳам жонини ачитмайдими, куй-дирмайдими?.. Қабз ва баст ҳолатлари шу-нинг учун эди-да.

<sup>14</sup> Ёнгиллик, роҳат.



Эшкакларимни эшган сари фасллар ал-машади, худди мен кўришим учун ясан-тусан қилади табиат. Доимо баҳор бўлганида, кузнинг латофатини қандай билардим? Босганим сари оёқларим остида эзилаётган япроқларнинг сасини қандай эшитардим? Ичимда доим куз бўлса, шохларим қандай гулларди? Ўзгарган сари гўзаллашиб, гўзаллашган сари ўзгариб боради. Ўзгармаса эди, бунчалик гўзал кўринармиди? Ёзларда борда очилган қизил гулларга салом ҳам бермасдан ўтиб кетардим-да, қиш келганда, қор остида қолган гулларга ачинардим. Агар йиқилмасам эди, юриш мен учун улфат бўларди. Бир ўзим юра оламан деб ўйлардим, ҳайҳот! Шу боис агар ибодатларимда ўзимни нуқул банд ҳис қилсам, бир улфат пайдо бўлади. Аммо бунга рухсат бўлмади, бир қамчи қабз сари эшик очди. Ичим кўрқув ва умидсизлик аралаш бир лаззатни туя бошлайди, томоғимда ҳеч қаерда йўқ бир таъм қолди. Ёмғирларнинг ер юзига раҳмат бўлиб ёғиши яхши, бироқ бир пайтнинг ўзида ҳамма жойга ёрмайди, дунё ёмғир остида қолмайди, маълум жойларигина ўша раҳматга эришади холос. Бу ўзгача ёқимли, ўзгача раҳматдир. Қабз ҳолатини ўша раҳмат ёмғирларига тутсам, ўзимни енгил сезаман. Ҳа, бу сафар қабз ҳолати фараҳлик бермоқда, чунки шу пайтгача гуноҳларга қўл уриб, кейин ўша хатолардан қайтишни хоҳлаган ёки қайтиш йўлини топса-да, қадамларини йиғиштириб ололмаган юракларнинг эшикларини қоқмоқда



қабз ҳолати. Мушак тизими ишдан чиқмаса, уни мустаҳкамлашга ҳеч ҳожат бўладими? Гафлат денгизларида сузар эканман, қуёш юзимни куйдиргандан куйдирди, қаёқдандир бир соя келиб, мени соҳилга элтиб қўйгандек гўё. Аллоҳ мени шу гафлат денгизларида сузиб юрганимда огоҳлантириб, Ўзига яқинлаштириш учун қабз ҳолатига киритмоқда. Ўчоқдаги чойни унутибман, қайнагандан қайнабди, дамладим, қуйдим, энди ичаман деганимда ҳовурлари тўхта деди, ҳаргиз ичма деди, оғзинг куяди! Дарҳол ўзимни ортга оламан, қанчалик унутсам унутай, фитратим бу огоҳлантиришни сезарди. Йўлнинг нариги томонига ўтиб, бошимни кўтарганча витриналарни томоша қилдим, юравердим дуч келган томонга. Бир пайт чап оёғим синиқ тошга қоқилди, хаёлимда нима бўлса бўлсин, Аллоҳ билан ўртамиздаги ришта ўша лаҳзада қандай бўлса бўлсин, ўз-ўзидан “Аллоҳ!” дея бақириб юбордим. Хаёлимга негадир учоқдаги парвоз келди, учоқ қулаётганда ичидаги одамларнинг бари ҳақиқий мусулмондек “Аллоҳ!” дея бақирган парвоз...

Мен худди дунёга берилган сархуш каби ўртадаги ўша мустаҳкам риштани унутиб қуйдим, аммо Аллоҳ арқонини ташлаб, узат қўлингни деди, бунга сабаб қилиб қабз ҳолатини юборди. Бу ўринда қайси дард эканининг бирор аҳамияти борми? Неча соат сувсиз қолган пайтларимда қайси идишдан сув ичишим аҳамиятсиз бўлганидек, Роббимдан узоқлаштирган хилват йўлларда қабз ҳола-



ти билан келган ўша қийинчилик, биқиқлик, дардларнинг ҳам ҳеч қандай аҳамияти йўқ. “Бош устига” деган гапнинг маъноси шу бўлса керак. Ҳолбуки, қабз ҳолатини тушуниб етмасдан аввал игналар жуда ёмон эди, илма-тешик қилиб юборарди ҳар тарафимни. Уйқуга ётганимда вужудим эзилмаслиги учун, тонгда оғриқлар билан, у ер-бу ерим уюшиб уйғонмаслигим учун, деярли ҳушсиз ҳолатимда мени ҳали ўннга, ҳали чапга ўгирган Аллоҳ уйғоқ пайтим мени ўйламай қўярмиди?.. Албатта, ҳар нарсанинг бир сабаби бўлади, излаб топмоқчи бўлдим. Излашга, балки, оёқларимнинг кучи етмас, аммо ўша оёқларга куч ато этган Аллоҳга боғлансам, узоқлар албатта яқин бўлади.

Қайсидир бир якшанба куни момиқ аделимни олиб, дераза олдида ўраниб ўтирмоқчи бўлганимда, ичимнинг бир бурчакларида севинчлар сакраб-сакраб ўйнаётган эди. Ичимнинг болалигига йиғлар эканман, муздекина музқаймоқ узатилди менга. Уйғонганим аллақачон. Аллоҳ берган қобилиятларни ёруғликка чиқариш, кўрсатиш учун, шу ожизона аҳволимда ўзим вайрон қилганларни тиклашим учун буюк қудрати ила “Бўл!” дегани боис мени қабз ҳолатига солди. Ортидан шундай ёмғир ёғадикки, бутун шохларда камалаклар товланади, шундай ёмғир ёғадикки, қақраган ер қолмайди, ҳосил мўл бўлади, рўзфорларга барака киради. Ҳолбуки, буни илк қабзликда, яъни илк қийналган пайтимда, шохларим қуриётган паллада англолмаган эканман. Қийналган



сари, қабзлик мени йўқлаган сари, эшигимни тақиллатган сари ҳаммаси ўзгача тус олди, руҳимнинг мушак тизими каби идрокимининг тизимлари ҳам ривожланди гўё. Инсоннинг бадан либосида чуқур яралар бўлса ва ўша яраларни тузатишга етадиган дори-дармонлар ишлатиши керак бўлса, руҳимнинг яраларига ҳам туз сепиш ўрнига ўз дориларини ишлатиш кераклигини тушуниб етдим. Очиққанам сайин кўз ўнгимдан сира хаёлга келмаган егуликлар ўта бошлайди, худди шу каби руҳим очқаса, унинг ўз озукасини етказиб беришим лозим. Ёнилғиси тугаган машина итарганинг билан қаергача борарди? Руҳим учун Қуръон ўқишим керак, бошимни Унинг ҳузурарида эгиб, ичимга ҳам ҳузур-ҳаловат эшикларини очишим даркор. Салавотлар билан бу ишнинг тузини ростлашим, дуолар, тасбеҳлар, зикрлар билан ўзимни ҳимоялашим ва бор маънавий озукаларимни бирма-бир истеъмол қилишим зарур. Аммо шундай пайтлар бўлдики, билганларимга амал қилиш у ёқда турсин, билганимни билишни ҳам истамай қолдим. Шундай лаҳзаларда Роббим коинотни ўқишим учун берган неъматларининг дарвозасини очди менга. Имкон топди дегунча ёлғиз қолишни истадим, балки, бир қир керакдир менга, балки, жилғалар овози, мовий осмон ёки озроқ яшиллик. Ўрнимдан қимирлай олмай қолган пайтларда битта қулоқчин кифоя эди менга, қалбимга сокинлик олиб кирувчи шалолалар сасини интернетнинг ўзи етказарди. Бошим узра шаррос ёмғир қўйди



гўё. Қарорлар қабул қилишим керак, бироқ энг катта душманим пинжимга кириб олиб мени фавқулодда қарорлар қабул қилишга ундайди. Ҳамма ишнинг ўз йўл-йўриғи, мувозанати турганда нима кераги бор бундай қилишнинг?.. Шоқоллиги шу билан чекланиб қолишига сира ишонмайман. Кичкинагина тортишувда дарҳол ўзини кўрсатади, йиллар аввал бўлиб ўтган, устига чанг-ғуборлар ўтирган ишларни ўртага чиқаради. Токчага тизилган олмаларни артиб-тозалаб, ялтиратгандан ялтиратади деб ўйлайсан, навбатда шошилинич қарорлар ва улардан кейинги пушаймонликлар турибди. Кетган кетди аллақачон, ортда эса зарар қолди, зиён қолди. Тил олдида тишдан девор, лабдан тўсиқлар қўйилган. Қамоқхоналарда энг ашаддий жинойтчилар учун қўшимча эҳтиёт чоралари кўрилади-ю, тил орқали келадиган оқибатларни қандай ўйламаслик мумкин? Икки қават ҳимоя остида тутиб турилган тил, зиндондан зиндонга сургун қилингандек қутуриб кетган тил аввал тишларни, кейин лабларни ёриб ўтади, қарабсизки, ўртада вайронгарчилик. Ҳолбуки, йўлларга огоҳлантирувчи белгилар бекорга қўйилмайди. Инсонман ва алдандим, инсонлигимни алданиш деб билдим. Қачонки нафсимнинг ўйинларига алдансам, қўрқувдан сесканиб кетаман, Эй Роббим, мендан воз кечма, мени ёлғиз ташлаб қўйма, илтимос...

Абадий яшаш ҳиссиёти ичимга ин қуриб олганди ўзи учун. Фитратим шундай тақозо этгани билан очар эшигим янглиш эди. За-



моманинг энг баланд, энг кўркам биноси ҳам,  
вақт ўтиб "эски"лар қаторидан жой олади  
бу ҳаётда. Энг ҳаяжонли ва энг хуш вақтла-  
рим ҳам бир кун келиб хотирага айланади.  
Бир-бирини қувалаётган соат милларини  
ушлаб қололмайман, вақтни, замонни тўх-  
татолмайман. Ўтиб кетади, тўхтатишнинг  
иложи йўқ...

Қирқ йиллик дўст бўлсак-да, бир кун йўл  
бўйида учрашиб қолсак, салом ҳам бермасдан,  
ҳудди танимагандек ўтиб кетади. Қўлларим  
ҳам вақт ўтиб буришиб-тиришади, юзла-  
римдаги чизиқлар ўзини янада яққол кўрса-  
дея билдим? Ҳатто мазохист<sup>15</sup>га айлансам-у  
бу ҳам ўтиб кетади.

Фаслларни қўлда тутиб туролмайман,  
ёмғирларга тинимсиз ёғишини, қуёшга эса  
доим чиқиб туришини айта олмайман. Юл-  
дузларни кўрмоқчи бўлсам, қоронғилик-  
ка кўникишим керак. Қулочларимни кенг  
ёйиб, чуқур нафас олиб, "Бу ҳам ўтиб кета-  
ди Худо хоҳласа!" дейишим керак. Албат-  
та ўтиб кетади, бу диёрларга абадий қолиш  
учун келмадик-ку!

Бу ерларга бегонаман, бир карвонсарой-  
да қўноқлаганман ва яна йўлимда давом  
этанман ҳали. Уйим кутиб турибди, ичим  
кутиб турибди ва ошенимда ҳузур-ҳалова-  
тим кутиб турибди мени. Зеб бериб тараган  
сочимни ҳудди сомондан фарқи йўқдек қи-

<sup>15</sup> Ғарб оламида пайдо бўлган бузук оқимлардан бири бўлиб, садизм  
билан боғлиқ караш. Бунда инсон танасига турли азоб-укубат етказиш  
орқали лаззат олиш, ахлоқий бузук тушунча ҳукмрон.



либ ювишади. Ҳа, кетаман бир куни, худди келмагандек бўлиб, баданим эса тупроққа қоришади, ҳар замонда бир эслаб қўйишар. Кейинроқ ҳафтада, ойда ёки йилда эслансам эсландим, бўлмаса йўқ.

Йиллар ўтади, мени таниганлар ҳам бирма-бир сафарга чиққач, ҳеч келмагандек ўтиб кетганимни кўраман. Жуда ғала-ти эмасми, ўзинг кезиб, ўзинг юрган шу заминда, шу дунёда ўзингни нимадир деб ҳисоблайсан, кимдир деб биласан, дунёга бериласан, вақт ўтгандан кейин эса ҳаётга сира келмагандексан. Ҳа-ҳа, тупроқ остига киргач, мозорингда ётганингни англаб етиш жуда ғалати. Ҳаммаси очиқ-ойдин, дунёда бир неча йилга ҳукмронмиз холос. Агар янгидан бошланиш бўлмаса эди, ҳаёт бир куни тугаб-битишини била туриб инсон қандай яшаши мумкин? Ҳолбуки, дард вақтида дунё катталашиб кетгандек бўлади, Ер айланган сари вақт ҳам чайқалиб туради гўё. Ким вақтни қувиб етибди, ким унинг ёқасига осила олибди? Турган жойимда ўзимга назар солсам ва тушуниб етсам кошки. Бунга қанчалик дош беришим мумкин? Неча дақиқа тинимсиз кула оламан? Неча дақиқа узлуксиз йиғлай оламан? Бунинг охири бордир бу ўткинчи дунёда? Албатта ҳар нарсанинг охири бор, ўтмас деганларинг ўтаркетар, битмас деганларинг битаркетар экан, сезмай ҳам қоларкансан. Бу фоний дунёга ошиқ бўлиш тентаклиги қаернинг урфи? Ғарбнинг сохта урфларига тикила-тикила бўйнимиз қотиб қолмадими, устухонимиз



қийшайиб қолмадими ўзимиз билмаган ҳолда? Бошим узра тинимсиз чиқиллаб юриб турган соатлардан хавотирланмай қўйдим, ҳайрон ҳам бўлмай қўйдим жўмракдан ҳар сония томиб турган томчиларнинг овозига. Бу ҳам бир кун тугайди, ўтиб кетади. Мен бу диёрлардан кетар эканман, ҳатто хайрни ҳам насия қилишимни ўйлайман. Руҳим аллақачон уйини соғинган, мени кутиб турган ҳузур-ҳаловатли ҳаётнинг хаёли билан кечалари кўзларимни аста юмаман. Ой нури денгизнинг кўм-кўк суви билан сочларимни ювади, ногаҳон келган тўлқинлар забтига олади мени, кўзларимни чирт юмаман. Бу ҳам ўтди, Худойим, бу ҳам ўтди-кетди!..

Энди яхшиман анча. Яхшиман деган гапда кўп маъно бор. Чангга беланган йилларим, ёшлигим, кулишларим, кечаларим бор. Бу кечада Аллоҳга ялиниб-ёлвориб йиғлаётган фақат мен борман. Яхшиман, айтдим-ку, тунларга ошноман, дардмандман.

Жимгина тушларимга шунғийман. Эй кўнгил, нолима, хайрлиси деб айт, яхшиликка дегин, биров кут, Роббингга қўйиб бер барини, яна кут...





Масжид ҳовлисига ташлаб  
кетмоқдаман болалигимни, мен  
Аллоҳнинг олдига улгайгани кетяпман.





*Севгилимдан айрилдим,  
менга ёрдам беринглар!*

Бугун миямни худди ётоқда унутиб қолдиргандек уйфондим. Юзимни ҳам ювмадим, сочимни ҳам тарамадим. Бугун ярамас, беодоб мушукчаман гўё. Сичқонни кўрса қочадиган, аммо қоплонга ташланишдан ҳам тоймайдиган алпоздаман. Қимдир мени эшитишига эҳтиёжим бор, аммо гапирмайман. Дарахтни кесадиган болтанинг сопи ҳам ёғочдан, одам одамни хафа қилмайдими?.. Қўйсанг-чи, танишганимиздан хурсанд эмасман. Ҳа, шу кунларда ҳеч ким билан танишганимдан хурсанд эмасман, янгидан-янги саломларни кирлатишни ис-тамайман. Ҳа, ўша ҳақида гапиряпман. Эрталаблари ҳали ётоғимдан ҳам турмасдан саломимни йўллайдиган, мени шоирга айлантирган ўша ҳақида гапиряпман. Йўғ-эй, қанақа тўй? Албатта, айрилдик. Қани, рўпарамда турволиб, нима десам ўшани қайтариб турмасдан, икковимизга чой айт, мундоқ ўтириб бафуржа суҳбатлашайлик. Менга қуюқ бўлмасин. Йўғ-эй, қуюқ бўлсин, уни эслатмасин, бас. Майли, эслатса эслатар, ўзи эсланадиган ҳеч нарса қолмади! Лимон чайнагандек рўпарамда афтингни буруштириб тиржайма! Албатта ҳеч



нарсани билмайсан, ҳозир билганларингни унут ва мени яхшилаб эшит!

Иккита чой айтардик доим, меники суюқроқ бўлсин дер эди. Авваллари бунинг сабабини тушунмасдим, бир куни ўзи ёрилди. Баҳор кунларидан бири эди, биласан, на ўта иссиқ, на совуқ бўлади бу даврда. Кўзидан битта киприк узилиб тушди стаканнинг ёнига. Кўзларига термилиб ўтиргандим, ҳалиги киприкнинг аста-секин тушишини ҳам томоша қилдим. Жуда секин, соатлаб тушгандек бўлди. Жуда ҳам чиройли киприк эди! Худди бошқа бировда бунақаси йўқдек, ўзи шунақа бўларкан-да, ошиқлик дейдилар буни! Табиий рефлекс деймизми буни, хуллас, дарҳол қўл узатдим олиш учун, аммо қўлим стаканга тегди ва... Тўкилган чой қизилмиди ёки хижолатдан қизарган менинг юзимми, билолмадим. Дарҳол янгина буюртма қилдик, аммо бу сафар анча аччиқ дамлангани келди. У нозик қўли билан стаканни тепага кўтарди ва менга қаради. “Йўқ, — деди, — чой бу ерда турса, сени кўролмаяпман”. Нима ҳам қилардим, яна бир бора севдим уни. Ишқ биргина фаслдир деган шоирдан сўраяпман: кетувчи тарк этиладими ёки қолувчи? Шоир карахт, шоир ҳайрон, менга қараганча деди: “Уни-буни қўя тур, чой бор, ичасанми? Аччиқ дамланган чойдан келсин, олдидагини ҳам кўришни истамайман...”



Муаммо кимда, ҳатто жавобларига ҳам қизиқмай қўйдим. Телефонимда жавоб берилмаган қўнғироқлар сони ҳам анча кўпайди. Ҳатто шу даражада кўпайдики, қуввати дош беролмай телефон ўчиб қолди.

Тоғлар, чўққиси қорли тоғлар! Бир оҳ тор-тсам, остингизда қолиб эзиламан. Баланд-парвоз гапнинг кераги йўқ, мен ҳаддимни жуда яхши биламан. Айтмоқчи, муаммо кимда ўзи? Болалигимда жуда чиройли эдим, улғайган сари афт-ангорим ўзгариб, чиройим қаердадир тушиб қолди, шекилли. Айтганида, балки, бироз кутган бўлармидим ёки стаканни ушлашим ёқмадимикин унга? Дарров бунинг қандай алоқаси бор дема, стакан ушлаган қўлим ўзимга бўйсунмай қўйганди-да. Қаёқдан билай, шундай бўлиб қолди, асл муаммо нимадалигини излаяпман. Кут десам, кутолмайди деб ўйладимикин? Кутиш нима дегани ўзи, гулим, мен сен билан таҳорат қилиш бўйича мусобақалашини кўзлаб тургандим. Миямни эрталаб ўрнимдан тураётиб ётоғимда қолдирдим демабмидим?! Мана шу ерда лимон чайнаган тимсоҳга ўхшардик. Қанақасига демоқчимисан? Шунчаки, лимонга ичкаридан қаралса ҳам, ташқаридан қаралса ҳам ранги бир хил – сариқ. Мен бу ишқнинг сариғи эдим, нордон эдим, баъзан лаҳмажун<sup>16</sup>, баъзан чий-кўфте<sup>17</sup>, баъзан чойга сиқилар-

<sup>16</sup> Юпқа ёйилган хамир устига қийма, майдаланган пиёз ва кўкатлар солиб печда пишириладиган таом.

<sup>17</sup> Чий – хом, кўфте – котлет. Гўштни киймалаб, зиравор кўшиб қўлда ишлов берилиб тайёрланади. Аччиқ кўшилгани учун “пишиб” кетади, хомлигича сйилади.



дим. Аммо ҳеч кимга озор бермасдим. У эса албатта тимсоҳ эди. Нима учунми? Чунки кўзёшлари сохта, севгиси сохта, сўзлари сохта ва ўзи ҳам сохта эди...

Бўлди, тинч турибман, энди севмайман, алло, марказ!..

Шунча йил қўрққанлардан эмас, қўрқмаганлардан қўрқ дегандим ўзимга ўзим, аммо ундай бўлмас экан, инсон бир жойда туриб қолар экан кутилмаганда. Мавсумнинг ҳам фарқи йўқ экан: балки хазонрезгида, қуриган япроқларнинг шитирлаган овози; балки ёзда, пароходда кетар экансан, тешиккулча бўлагини осмонга ирғитсанг, чаққонлик билан илиб олиб яйровчи чағалайлар шовқини; балки қишнинг аёзли кунларидан бирида кўча чироқлари остида ясалган қорбобо... Мавсумларнинг фарқи йўқ экан, яъни замон ва маконнинг тарк этилишингда аҳамияти йўқ экан. Бепарволик билан босиб ўтилган япроқларнинг уволи тутдимикин? Этхўр чағалайларни нонга ўргатиб юборганимизнинг жазосимикин? Ўйнаб-кулиб ясаган қорбоболаримиз ёлғизликда эриб битишига томошабин бўлганимизнинг фарёдимикин ёки? Бутун бошли юрт бўйлаб бошимизга селларни, довулларни жалб қилибмиз, буни қабул қилишимиз керак, биз шунга лойиқ ҳолатга келиб қолибмиз. Ичимдаги баҳорлар эрир экан, шуни тушуниб етдимки, энди гулларим қайта очилмайди, кўзларим ҳам қайтиб бундай қарамайди...



Қайси тонгларга кўз очаман мен, гапирсанг-чи. Яна қанча кечаларим сенсизликда, бизсизликда ўтади? Айтсанг-чи, гап севгандами, севилгандами? Кетувчи қаролмайди-ми ортига ёки хотиралари туфайли қолганлар қаролмайдими? Хотиралар калавасига ўралашиб, бир у ёнга, бир бу ёнга бориб келар эканман, ичимдан яна нималардир кўчгандек бўлади. Кечаси алламаҳалда деразамни очиб, овозимнинг бориचा бақиршим мумкин. Умримнинг қайси палласида заҳарга айланди олган нафасларим?

Бориб сочларингни тараб келсанг-чи, рўпарамда жуда ғалати, ҳурпайиб турибсан, ҳатто менинг ҳам тоқатим етмай қолди. Қани, тур ўрнингдан, юз-қўлларингни юв. Кўряпсанми, қўл билан юз ҳатто гап ичида ҳам бир-биридан айрилмайди. Аммо биз айрилдик. **Фақат биз чиройли айрилдик, яхши айрилдик, оддийгина айрилдик.** Имтиҳонларда ҳеч нарсани билмасдинг, ўртоғингнинг қўявер имтиҳондан ўтолмасак, шартли равишда ўтамиз ҳеч бўлмаса дейишига алдандинг. Энди-чи, энди нимага алданяпсан? Осмонда учиб юрган бахтли кунларингни хароб қиладиган, ичган сувингни бўғзингга тиқилтирадиган ишққа қараб чопдинг, тўғрими? Гапирсанг-чи!..

Севгили ўзим, айт-чи менга, севганимдан айрилдим, нима қилсам экан? У ҳам кечалари ёлғизмикин мен каби? Балки, ҳоли



паришондир, нима дединг? Қуёш нурларида бир узайиб, бир қисқариб, бир борсам, бир келсам дея паришон бўлаётгандир, балки? Ҳатто қизил қорлар ҳам ёғди сен келмагач, эй золим қиз! Кўзларинг порлаб турарди, гапиришни бошлаганингда ҳамма жим бўлиб қолувчи ёқимли овозинг. Шундай эдинг сен...

Энди эса эскирган, чириб битган томонларим билан оворамаман бу жойларда. Айтганча, қаердасан? Ҳозир нима иш қиляпсан? Юрган йўлларингда оёқларинг неча марта тошларга қоқилди, қанча ёмғирлар ёғди, қанча ёмғирларда менсиз хўл бўлдинг? Илк учрашувимизни эслай оласанми, қандай омадли эдик иккимиз ҳам. Қўлимда бир даста мовий гуллар, оёқларим қалтираганча сени кутиб турардим. Шундай чиройли юрар эдингки, бошқача эди одимларинг. Ҳатто булутлар ҳам кўрди келишингни, худди кутиб тургандек, бирданига илиқ ёмғир ёға бошлади. Кўчадан ўтаётганларнинг барини бир лаҳзага бўлса-да, хаёлимизда дунёнинг энг узоқ гўшаларига юбордик. Томчилаётган биллур томчилар ҳаяжонимга йўлдош бўлди, қаҳва ичсакмикин дея гаплашиб турдик. Иккимиз ҳам гўё осмонда учиб юргандик. Учганимча учдим, ҳатто шундай учдимки, ерга йиқилаётганимда ўйлаб олишим учун ҳам анча вақтим бўлди. Кетганларнинг бари кетмайман деганлар эди, кетсан деганлар эса энг олд сафларда кетди.



На бир ном қолсин сендан, на бир хотира,  
Барча кўчаларни айланиб чиқай, балки,  
димоғимга исинг келиб урилар, дарров та-  
ниб оламан дея кезиб юрай бироз. Аммо  
йўлим йўлингга чиқиб қолишини истамай-  
ман. Йўлимни яна тимсоҳлар эгаллаб тў-  
сиб олишини истамайман. Майли, келма,  
сен келмай қўя қолки, барча келишлар  
маъносиз бўлиб қолсин.

Сен Лайли, мен эса Мажнун эдим. Аммо  
бизнинг севгимиз Лайли ва Мажнуннинг  
севгисига ўхшамасди. Мажнундан: “Жо-  
деб сўрашибди. Сўрашибди-ю, “Аслида  
нингни фидо қилган Лайлинг шуми?”  
“Инстаграм”да бунақа эмасди, ўзим ҳам  
тушунмай қолдим”, деган жавобни оли-  
шибди. Биз ҳам айнан ўшанақа Лайли ва  
Мажнун эдик...

Ҳозир чўлларда ёлғизман ва совуқ-  
дан дир-дир титраяпман. Дунёга қанча-  
лар тез ўрганиб қолгандим, илк бор кел-  
ган жойларимни ўзимга қанчалар тез  
макон қилиб олгандим. Кўникар-кўникмас,  
дардларим ҳам огоҳлантирмасдан кириб  
келганди уйимнинг тўрига. Икки яшар-  
лигимда ўйинчоқларимни қаттиқ яхши  
кўрардим. Истаган ўйинчоғимни қўлга ки-  
ритишим учун салгина йиғлашим етар-  
ли эди. Етти ёшга етганимда, усти битган  
бўлса-да, лўқиллаши тинмаган яраларим  
бор эди. Ўзимни худди чемпионлардек ҳис  
қилиб, қулочларимни кенг ёйганча велоси-  
педимни пастга ҳайдадим ва кутилмаган-



да ҳамманинг кўз ўнгида оёғим осмондан бўлиб думаладим. Тиззаларим шилинган, қонар, ачишарди. Йиллар ўтган сари дардларим ҳам кўпая борди. Университет ёшига етгач, бирон-бир ўқишга киришни истадим, аммо қандай изтиробларни бошимдан ўтказишимдан беҳабар эдим.

Ҳали ўқишнинг дарвозасидан ичкарига кирмасимдан эътиборимни тортди, ҳамма қўлтиқлашиб юрибди. Аксарияти учун севгили топишнинг ягона шarti ёнида кимдир бўлиши экан. Ваҳоланки, бу севги эмас, ҳаром экан. Кейинчалик тушуниб етдим. “Аввалим сен бўлдинг, охири ҳам сенсан” деган сатрни ёздирган ишқ билан ҳозирги ҳаром севги ёнма-ён қўйилса, кўнглим ғаш бўлади. Аввалига узоқдан кўз уриштиришлар билан бошланади. Кейин эса қўл ушлашиб юришлар, ёнма-ён ўтиришлар, сирдош бўлишлар, елкаларига қўл ташлашлар, ниҳоят, бу иш ётоқда охирига етади. Ундан нарисси – битта уйда икки бегонадек яшаш. Албатта буни билмас эдилар, мен ҳам билмасдим...

Иккиси йиллар давомида бир-бирига қаттиқ боғланади. Кейин-чи? Ўзинг яхши биласан, эй ойнадаги аксим! Сўнг мактуб қолдиради: “Мен нарсаларимни йиғиштириб, уйдан кетдим. Сенга бундан буён тоқат қилолмайман, мени асло излама, қўнғироқ ҳам қилма, рақамимни алмаштираман. Қўнғироқ қилсанг ҳам боғлана олмайсан энди!”



Қалбимни онанг сира ишлатмай яши-  
риб қўйган қаҳва финжони деб ўйлаган-  
мидинг? Шунча ўтган йилларнинг ниҳояси  
битта мактуб экан холос. Мен учун ҳамма  
нарсанга ўт қўядиган эди, шундай дер эди,  
аммо ҳатто гугурт ҳам ёқмади. Ортда эса  
ҳар кун битта исмни такрорлаб турув-  
чи қалбинг қолади, саволлар ёмғирлари-  
да шалаббо бўлган ақл қолади, бўш қўл-  
лар, ёлғиз елка қолади. Ювиниш хонасида  
тиш чўтканг сўппайиб турибди, бир-икки-  
та соч тўғноғич ҳам... Фақат у қолмайди,  
у кетади. Уйқуга ётганингда хаёлингдаги  
исм билан тонгда уйфонганингда илк эсла-  
ган исм битта бўлиб чиқади. Гапирсанг-чи,  
ойнадаги аксим, тилимда хайрлиси, бу  
ҳам яхшиликка деган сўзлар айланяпти,  
бехайрнинг юрагимда нима иши бор? Бир  
жуфт қора кўз кўринади, эшимга тушади.  
Бир жуфт кўк кўз кўраман, эсимга туша-  
ди. Ҳатто севгилимда бўлмаган хусусият-  
лар ҳам уни ёдга солаверади. Севгилим,  
оҳ, севгилим! Севдим, севавераман... Қачон  
уйдан ташқарига чиқсам, менга тескари  
турган одамлар ҳам худди ўша исмни ай-  
таётганга ўхшайди. Дўконлар ёнидан ўт-  
сам ҳам, “Бир кун албатта учрашамиз...”  
дея янграётган қўшиқлар ёлғон, худди  
кетмайман деб туриб, бутунлай тарк этиб  
кетганинг каби...

Қўлимдаги шиша бўлақларини олмос деб  
ўйлаган эканман. Уларни ушлаб қолиш учун  
маҳкам сиқаман ҳовучимни, қўлларим ке-



силади, қонайди, мен эса буни кўрмайман. Қўлимдаги шиша бўлаклари сингани саяин руҳим ва қалбимда яралар пайдо бўла бошлайди. Қўлларим шундай қонайдик, оғриқдан кўзларимдан ёш тирқирайди. Қонаган қўлларимни боғлагувчи бир дўст ахтараман. Мен кирган барча эртақлар оламидан қўли бўш, юраги синиқ ва ҳафсалам пир бўлган ҳолда қайтиб чиқаман. Ичим оғрийди, жон ҳолатда қўлларимни очиб, Аллоҳимга дуо қиламан. Ишқимни истайман, севгимни истайман. У билан бир умр бўлишни истайман. Бармоқларимни қоғоз кесиб кетади, яраланган қўлларим баттар лўқиллайди. Оғриган сари миямда яшин чақнагандек бўлади. Қандай тентакман! Бунча аҳмоқона журъатни қаердан олгандим? Аллоҳни бу ножоиз севгимга қандай шерик қилишим мумкин? Тасаттурдаги инсон қандай қилиб оятлардан ўзи хоҳлаганини танлаб олиши мумкин? Бу ишни қандай қилганимга ўзим ҳам ҳайронман. Ҳалолим бўлмаган бир инсонга ёқиш, унинг розилигини олиш учун Роббимнинг оятларини қандай қилиб сотишим мумкин? Аллоҳнинг ҳузурига чиқиладиган намозларимни қандай қилиб унинг исмини такрорлаш билан кирлатдим? Ҳазрати Али, ҳазрати Юсуфнинг сўзларини шундай жирканч ишларга аралаштирдим. Қандай қилиб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан ҳаром севгиларда, Роббимнинг оятларидан ҳаром ишларда фойдаландим? Пайғамбаримиз



соллаллоху алайҳи васаллам инсон севгани билан биргадир деган эдилар, мен нега ҳаром севгиларни тушундим? Охиратда Пайгамбаримизнинг ҳузурларига минг ҳаяжон билан борсам-у, ул зоти шарифнинг жаҳли чиқиб, ўрниларидан туриб кетсалар ва шундай десаки: “Тасаттурингдан ҳеч уялмадингми? Ўқиган намозларингдан хижолат бўлмадингми? Сира уялмадингми мен муслмонман деб ёлгон гапиришга?..” Нима дея оламан?.. **Хайф сенга, эй нафсим, минг афсус!** Жаҳаннамга етакловчи ишларни қила туриб ҳам жаннатдан умидворсан! Нажас аралашган сувда таҳорат қилиб бўлармиди? Аллоҳнинг ҳузурига нима деб борамиз? Бу ишлар қачонгача давом этади?..

Юрагим сен билан тўлганди, кулишларинг мисраларим эди. Энди эса сендан ўзимни олиб қочяпман. Ичимдаги болалигимни масжиднинг ҳовлисига қолдирияпман. Мен улгайиш учун Аллоҳга кетяпман.

Севишимни қанчалик иддао қилган бўлсам, энди шунчалик нафратланияпман. **Оғриқларимни босадиган, изтиробларимни барга-раф этадиган ҳеч қандай дори-дармон йўқ.** Аввалига ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларимни ёпдим, кейин эса ошна-оғайни даврасидан узоқлаша бошладим. Изтиробларим тинмади, сира унутолмадим. Кейин фотосуратлар, ҳа, ҳеч бир фотосуратда ёнма-ён бўлмаслигим керак. Ҳаммасини бирма-бир йирта бошладим, худди нафратимни йиртгандек, кейин барини ёқиб юбордим ва ёниб



кул бўлишини жим томоша қилдим. Йиллар ҳам кўз ўнгимдан шувиллаб ўтди, ўтар чори қўл силкиди. Бу камлик қилади, бошқатдан бошлашим керак, **ҳатто рақамимни ҳам ўзгартираман**. Ҳа, сен ҳақ экансан, ҳеч бир ўзгариш, ҳеч бир қочиш, мени йўлга соллмади. “(Эй Муҳаммад), уларга айтинг: «Бас, Аллоҳга (иймон келтириш учун) **чошинглар-шошинглар!** Албатта мен сизлар учун У зот(нинг азоби)дан **очиқ огоҳлантиргувчидирман**”<sup>18</sup> деган чақириқни қалбимга жо қилолмадим. **Ҳамма ишни қилиб кўрдим, аммо Аллоҳга қочишни эълолмадим.** Қочиб борганим фақат сабаблар бўлди. Уни деб ўлишга тайёр эдим, киприкларига, кулишларига қурбон бўлишга рози эдим. Ўлгач тушуниб етдимки, фақатгина Унинг учун ўлиш мумкин экан. Эркаклик қочиш эканини тушунмаган эканман. Ҳа, қочиш, ҳаромлардан қочиш. Аммо қаттиқ хафа бўлдим. Бир ёзув бор эди ичимда, қалбимнинг ўртасига ёзилган, аммо ҳеч ким кўрмаган, ўқимаган ёзув: “Қандай кўришни истасанг, шундай қолдир!” Ўтиш ёшидаги ўсмирлардек онамга “Менинг ҳаётим, менинг қарорларим, менинг хатоларим”, дедим ўйламай-нетмай. Она барибир она-да, дарров жавоб қайтарди: “Менинг шиппагим, сенинг пешонанг ва мўлжалга аниқ уришларим...” Шиппак нақ мўлжалга келиб урилди.

Хасталанган одам докторга чошиб борганидек мен ҳам яраланган қалбим ва руҳимни кўтариб жарроҳга боришим керак эди.

<sup>18</sup> “Зориёт” сураси 50-оят.



Бу жарроҳлик амалиёти Роббимни қўйиб ўткинчи мавжудотларга бўлган боғлиқлигим мени қандай заҳарлаганини кўрсатиб берди. Аллоҳ менга боқийни сева олиш қобилиятини ато этган, абадий сева оламан. Аммо анча йилимни ҳаром севгига сарфладим. Дунёни ўз уйимдек билдим, ўзимники қилиб олдим гўё. Худди дунёдан фойдаланадигандек эдим ё нотўғри гапирдимми? Кадастр ҳужжатларини қаерга қўйгандим-а шу дунёнинг?.. Ер юзи етмаётгандек, осмонга ҳам эгалик қила бошладик. Бу кеча менинг кечам деганимда ўзганинг молига кўз олайтирган ўғридан фарқим йўқ эди. Бу алам-изтиробларнинг ягона сабабчиси ўзим эдим. Кел, эгри ўтириб, тўғри гаплашайлик! Қўлимда сўнги русумдаги телефон бўлса-ю, ундан фақатгина қўнғироқлашишда фойдаланиш мумкинлигини ўйласам, мазах қилинмайманми? Телефоннинг хусусиятларидан беҳабар яшаш менинг хатом бўлмайдами? Абадий сева олиш қобилиятим бўлгани ҳолда, уни бир ўткинчига, фонийга сарфлаб юборишим аҳмоқлик эмасми?...

Қалбимни Аллоҳдан ўзга ҳамма нарсдан узоқ қилишим лозим эди. Энг кўп ўшани қўриқлашим, асрашим керак эди. Албатта, бу иш ҳа деган билан бўлиб қолмайди. Аллоҳнинг Қудратини ҳам танишим лозим. Энг катта муаммо ҳам шу эди-да ўзи, Уни танимасдим, билмасдим. Имон келтирдим деганим билан мен Аллоҳни том маънода танимасдим...



Яшашим учун коинотдаги цикллар да-  
вом этиши, бунинг учун кислород ва азот-  
нинг мувозанати сақланиб туриши лозим.  
Тўқсон уч миллион километр узоқликда  
бўлган қуёш ўз ўрнида собит турсинки,  
мен ҳаётимни давом эттира олай. Бунинг  
учун қуёш ҳам ўз ишларини тўғри ва аниқ  
бажариши керак. Мен ҳаётимни давом эт-  
тиришим учун Сомон йўли галактикаси-  
нинг ичидаги саккиз юз эллик миллион  
сайёра ўша тартиб, ўша интизомга бино-  
ан бир-бири билан тўқнашмай, ўз йўлидан  
оғишмай, ўзаро тортишиб-жанжаллашмай  
ҳаракат қилмоғи керак. Битта арзимас му-  
аммо чиқса, коинот мувозанати бузилиб  
кетди. Бундан ташқари, юрагимнинг ма-  
роми бузилмаслиги керак. Мия томирла-  
римда эса ҳеч қачон қон қотиб қолмасли-  
ги, қоним оқишдан тўхтамаслиги даркор.  
Айни дамда жигар ва буйрагимда ҳам ҳеч  
қандай муаммо бўлмаслиги зарур. Еб-  
ичишим, яшашим учун булут керак, қуёш,  
ёмғир керак ва тупроққа азот керак. Азот  
бўлиши учун чақмоқ керак, токи мен по-  
мидор, бодринг ея олайин. Буларни истеъ-  
мол қилиш учун ошқозонга эҳтиёжим бор.  
Буларнинг барини бир жойга йиғиб қара-  
сам, қўлим на қуёшга етаркан, на Сомон  
йўли галактикасидаги тўрт юз миллиард  
юлдузга, на кеча-кундузга ва на юрагимга.  
Неча йиллик ишқ ўйинларидан ҳайдалгач  
кўрдимки, кимга борсам ҳам, ҳеч кимнинг  
қўли юрагимга етиб бормас экан. Ниҳоят,




Аллоҳга сифинишга, Унга қочиб боришга қарор қилдим. Чунки Аллоҳнинг Қудратини тушуниб етдим. Кеча-кундузга, қуёшу ойга, коинотдаги барча зарраларга кимнинг қўли етадиган бўлса, бутун тизимларни, тартиб-интизомларни ким жорий этаётган бўлса, менинг қалбимга ҳам фақат Ўша ета олади!





Мен бўлишини тоҳланганлар билан бўлиб  
ўтганлар орасидаги фарқни “Хайрлиси  
бўлсин” деган жумла билан ёпаман.

Love 



## Бошқатдан бошлашим учун бирор сабаб айт!

Кўпинча оломон ичида ҳам ўзимни ёлғиз-дек ҳис этаман, айтмоқчи бўлганларимни эса ҳеч ким эшитмайди. Баъзан эса қанча хоҳласам шунча кўришимни ва қанча хоҳласам, шунча тушунишимни сезиб қоламан. Гоҳида биргина нарса мен учун ҳамма нарсага айланади, айрим ҳолларда ҳамма нарса биттадек кўринади. Битта йўл, битта натижа, битта манзил...

Баъзан тинмай юрагим сиқилади, овозим борича бақирни хоҳлаб қоламан, ҳар бир заррамгача сингиб кетган овозимни бутун оламга эшиттирмоқчи бўламан, аммо ҳеч ким эшитмайди мени. Нима, ҳамма кар бўлиб қолган-у, бир ўзим гапиряпманми?.. Қулоқ солаётганлар сенинг фарёдларингни, оҳ-воҳларингни эшитади деб ўйлайсанми, йўқ, улар ўзлари тушуниб етганича эшитади.

Шаҳар марказида юрган чумолидекман. Қулочларини ёйиб, ақлдан озгандек бақираётган чумоли. Кимдир эшитяптими бу овозни? Йўқ! Майли, жуда соз! Неча йиллик алоқалар барҳам топади, сен анчадан бери қадрлаб келган туйғуларни одамлар бир лаҳзада поймол қилади, аммо начора,



эрталаблари ишга кетамиз, мен қачон шеър ёзаман? Ҳолбуки, инсонларга жуда эътибор билан муомала қилардим, душда иссиқ-совуқ сувнинг тенг тушишига эътибор қаратадиган даражада эътиборли эдим.

Кечалари ўзимни туннинг бағрига ташлашни истайман, аммо бунга рухсат бермайди тун. Йўқ-йўқ, айтмоқчиманки, тун, сен қорароқмисан ёки менинг куйган юрагим?.. Менга паноҳ бўлишига умид қилганим тунлар ҳам миямни кемирувчи қатронга ботиб кетган. Бу ерни ўша қатроннинг иси тутиб кетибди ёки ҳиди деганим аслида куйган юрагимдан чиқяптими? Худди денгиз ўртасида қолиб кетгандек типирчилаганим сари баттар чўкдим, аммо ичимдан келаётган аксадоларга тўсқинлик қилолмадим, чўккан сари жон сақлаш учун чирандим. Оёқларим сув тубига етади, буни сезиб тураман, лекин шўр сув димоғимни жуда ачиштирди. Ичинг куйса сув ичгинг келади-ку, ичасан, лекин ичинг баттар куяди, худди шунга ўхшайди. Изтироблар теграмда айланиб тонгга етиб олдим. Ўзимга назар солдим, аввалига уйқум қочибди, кейин эса мазам, ўзимдан ҳам чарчабман, шекилли. Чехрам сўлғин, жуда ҳорғинман, бунинг устига юрагим сиқилгандан сиқилади.

Тошга айланган баданимда қиёматлар қўпиб, руҳимни тилка-пора қиляпти. Аввалига ҳамма нарса издан чиқа бошлади, кейин қўлимни нимага узатсам қуриди, синди, занглади, ишламайдиган ҳолатга келиб қолди. Минг бир қийинчиликлар билан



очган эшикларим бирма-бир юзимга ёпилди. Мени енгган имтиҳонларда ҳар куни типирчилар эканман, муваффақ бўлолмаган ҳар бир лаҳза ҳаётимда фойдамга ишлади. Аслида фойданинг бари сен учун эди, ичимнинг беқарор шабадалари... Жуда осий, исёнкор эдинг, сира жим турмас эдинг, бир бор нафас олсам, бурнимдан булоқ қилардинг. Ёлғизлигимда сен билан жуда кўп ҳасратлашдик, сен ҳам жуда кўп гаплашдинг мен билан. Бундан ортиғини кўрмаган, эшитмаган баданимни ўйласам, ич-ичимдан эзиламан, қунишаман ва нима бўлаётганини ҳам билмайман. Ҳа-ҳа, билмайман. Тилим қуриб, танглайимга ёпишиб, сув ичмоқчи бўламан, аммо стаканга қўлим етмайди. Яхшиям пардаларнинг тўқ ранглисини танлаганим, қоронғилик ортган сари, зулмат босган сари енгил тортаман. Келганларни кўрмайман, кетганларни эшитмайман, қалбим ўзимга бегонадек, ҳатто руҳим ҳам. Йўл бўйи эмас, йўлларнинг айрилишида танир экансан инсонларни. Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билмаса, Холиқ билар дейишади. Бу нарса инсонлар тушунмагани учунми ёки балиқлардан ҳам тез унутишга мойил бўлганликлари учунми?..

Кимдир ниманг бор деб сўраса, жавобим бўғзимда тугун бўлиб турган кўзёшларим бўлади. Лекин бу кўзёшларнинг тузи ўткирроқ экан! Жим бўламан яна. Шундай сукунатда қоламанки, гапирсам ҳам овозим чиқмайдиганга ўхшайди, гапирган сари эшиттиролмайдигандек, оғиз очсам,



кўзёшларим рухсат бермайдигандек туюлади. Бу жимликда зилзилалар ҳақида гапираман, айтдим-ку оғиз очмайман, жимман. Қиёмат қўпиб, цунамилар бостириб келмоқда, осмонўпар бинолар кўмилиб кетяпти, уммонларнинг суви қочиб, балиқлар ёппасига ўлмоқда, мен эса ҳамон жимман, жим!

Нимани гапиришга ҳайронман, рангим сўлгин, руҳимнинг ҳорфинлигидан дарак берувчи кўзларим, барлар, тунги клублар, қаҳвахоналар, янгича урфдаги кафелар, савдо дўконлари ва ҳатто ҳаром муносабатлардан ўтиб келгандек бир аҳволда қаққайиб турибди рўпарамда. Галабага олиб борувчи йўлда чекилган изтироблар менманми, йўқса? Кечаси ётоғимда ўтириб қилинган дуоларни, ҳис этилган изтиробларни қандай изоҳлай оламан? Ичимдаги ўша бўшлиққа жавоб бўлолмаяпман, боши берк сўқмоқларда чиқиш йўлини тополмаяпман. Ўша бўшлиққа бир ном топайликмикин, эй қўрс нафсим, нима дейсан? Худди эгаси йўқдек қарайман сенга, ҳа айтганча, ишинг юмушинг йўқми сенинг, жим туришимни ҳам кузатиб юрибсан, чарчамайсанми ҳеч? Жавоб излаяпман, тушуняпсанми мени? Мен қоқмаган эшик қолмадиёв. Қавариб кетган қўлларим мажолсиз икки ёнга тушди, ҳеч ким йўқми қўл узатувчи? Атрофга аланглайман, ҳеч ким йўқ, бир қўл, бир овоз излайман, оломон ичра улкан ёлғизлик ва мен бош ролдаман бу ишда. Аммо бажара олмай қолдим, эплай олмаяпман, тўғриси. Узр, қараб юборасизми, маъқул жойда дун-



ёни тўхтатсангиз, тушиб қоламан... Руҳим қисилиб қолган бу тор қудуқда, ортиқ чидай олмайман! Нафасим тугаб бораётгандек гўё, бу ерда ҳаво кам экан. Барча ноқулайликлар қаршисида, эй шошқалоқ шабадам, менинг осий томоним, жонимга қасд қилиш сари одимлар эканман, чиқиш йўли кўринадидан бирдан. Умидсизлик дарёсида оқиб кетар эканман, ҳеч кимнинг мени тушунмаслиги ичимни янада еб битирарди. Неча миллиардсизлар, қанчасизлар ўзи мени тушунмаганлар? Рақамларнинг маъноси йўқ экан, жимжитликларни ҳам ҳеч қандай маъноси йўқ экан. Қаро кечалар рангида жаранглаётган тунги овозлар шууримга ин қурар экан, бир онда нималардир бўлди, рўпарамда чироқ ёнгандек бирдан ёришиб, кўзларим очилди. Бир Зотга имон келтиришим, Унга эътиқод қилишим ёдимга тушди, лекин атроф-муҳитнинг ёмонлиги, моддий-маънавий ҳаётнинг барбодлиги туфайли умидсизлик ўраб олди мени. Гуноҳлар гирдобидан, ҳаётнинг ботқоқликларидан қандай чиқшимни ўйлаб турар эканман, кўр-кўрона эсувчи шабадалар дарҳол қулоғим остида пайдо бўлади ва Аллоҳ сени кечирмайди энди деди! Нима қилсанг қил, шунча хато, шунча гуноҳлар қилдинг, айбларинг, қусурларинг бисёр, жиноятлар ботқоғига ботдинг, чиқишга уринганинг сари янада чуқурроқ ботасан, сен қоқмаган эшик қолмади ҳисоб, энди бошқа чоранг йўқ! Аллоҳ барибир афв этмайди, деди бераҳм шабадалар. Аллоҳ кечирмайди, ҳаммаси тамом, энди жуда кеч.



Минг марта тавба қилсанг ҳам, У сени кечирмайди, деди. Овозини ўчира олмадим, жим қилолмадим. Шундоқ ҳам сени севса эди, шу аҳволга солмасди-ку, деди. Бир ўзингни ёлғиз ташлаб қўярмиди, кўрдингми, севмайди-да, деди ва мени янада боши берк кўчаларга етакларди. Жуда беаёвсан, ҳатто йиқилаётиб ҳам бирор нарсага тутина олмайман! Мени нима қилишни билмайдиган ҳолатга келтириб қўйиб, Аллоҳнинг раҳматидан узоқлаштирди ва кун ўтган сари имтиҳон эшигига яқинлаштирди. Ҳақиқатан ҳам сўнгги нафас чиққач, ҳаммаси тамом бўладими? Кейин-чи, кейин?..

У ёғини ўйлашни ҳам истамайман. Тек қўй, майли, роса авжига минсин, мавҳум сўқмоқларда эсиб йўқ бўлиб кетсин. Қуёшнинг ботиши ҳам гўёки маҳзунлик боғим, нима эккан бўлсам, фарёдларим униб чиқадди, ўниб-ўсади, мен эса тобора сиқилиб бораман, юрагим, руҳим сиқилади... Йўқ! Унутиб қўйдим, шекилли, Роббим “Бўл!” демаса, гуллар очилмайди, чумолилар эса инлари қаерда эканини ҳам тополмайди.

Гапир энди, оч мушукчани ўйлайдиган одам оч чумолиларни ҳам ўйлаши мумкинми? Ўзингни эгасиз деб ўйладингми, эй ўз-лигим?! Сен аҳамият ҳам бермайдиган чумолиларнинг ризқини эсидан чиқармаган Аллоҳ сени дард, изтироб чексин дея яратдими? Яхшилаб қара, бир чумолининг оҳини тунда ҳам эшитган Аллоҳ сени эшитмаслиги мумкинми?..



Яхши, сенга бир саволим бор, эй ичим, эй ғалати жиҳатларим, эй индамаслигим! Шу кунгача тентак шамолларнинг хиёнати етмадими? Оёғингдан чалиши, эшикларни юзингга қарсиллатиб ёпишлари, бўйнингга тасма тақиб, сени итдек судрашлари етмадими? Кўрмаяпсанми, дунё худди кино тасмасидек тез ўтади, ичидагилар бари ўткинчи, фоний! Сира тўхтамайди, ортига ҳам боқмай оқиб кетмоқда. Ҳаётимиз худди шу кинодек жуда қисқа. Дабдабаю ҳашаматларга бурканган, аммо ўткинчи...

Ҳозир Яратганга таслим бўлишнинг айна пайти, алдоқчи, шошма-шошар шамолларга қулоқ осма. Мен шуни яхши биламанки, яраларим катта ва чуқур деб ўйлайсан, ҳолбуки, уларнинг давоси биттагина оятда яширинган, изламасанг, қандай топасан? Эътибор берганинг йўқки, мени жуда кўп эшикларга бош суққан деб ўйлайсан. Қуриб-қақраган қалбингга ўзга қўллардан сув кутасанми? Ўзгадан эмас, ўзингдан кут, қўлларингни дуога оч ва ёлвор, сени яратган Роббингга! Ер юзини яшартирган, ҳар йили янгидан тирилтирган, совуқ қиш ортидан илиқ баҳорлар хушхабарини берган Роббинг сени унутиб қўяди деб ўйладингми? Юзингдаги маҳзунлик аломатларини артиб ташла, бироз ёқавайрон бўлдинг холос, бори шу, йўқса, Аллоҳнинг ваъдасига ишонмайсанми? Қизиган қумлар оёқларингни куйдирди, ана энди зилол сувларга ташла ўзингни. Бошқатдан ўрнингдан тур ва шун-



дай дегин: **ҳасбуналлоҳу ва неъмал вакийл** ҳасбуналлоҳу ва неъмал вакийл, ҳасбуналлоҳу ва неъмал вакийл! Энди менинг вакилим бутун коинотни эгаси бўлган Зотдир. Чунки Угина бутун коинотнинг билади ва менинг муаммоларимдан ҳам хабардор! Менинг вакилим, барча ишларнинг тизгини қўлида бўлган Аллоҳдир. Фақат Угина барча ишларни ҳам, менинг муаммоларимни ҳам бартараф этиши мумкин. Энди менинг вакилим, қуёшни шарқдан чиқариб ғарбга ботирувчи Аллоҳдир, Ўшагина менинг хайрларим қачон чиқиб, дардларим қачон ботишини яхши билади. Нозик чивинни ким яратган бўлса, кечани ҳам, қуёшни ҳам, орзуларим, истакларимни ҳам, дуоларим қабулини, келажакимни ҳам Ўша яратган. Шунча йил сенинг пала-партиш ишларингга, алдовларингга учдим, аммо бу ёғига Роббимнинг айтганларига қулоқ тутиш вақти келди. Ҳа, мен шу кунгача жуда кўп хатолар қилдим, гуноҳларга қўл урдим, ботқоқларда жон таллашиб, типирчилаган сари баттар ботдим. Энди Роббимни эшитиш вақти келди.

Қара, Роббим нима демоқда: «Эй ўз жонларига исроф (жавр) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, Унинг Ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотдир».<sup>19</sup> Энди бу ёғига менинг ишим фақат самимий тавба қилишдир. Эй нафсим, унутма, бутун гуноҳларимни тўпласа, Аллоҳнинг раҳмат

<sup>19</sup> “Зумар” сураси 53-оят.



уммонидан бир томчи ҳам бўлмас экан. Роббим дейди: “Менга бир қарич яқинлашганга Мен бир аршин яқинлашгайман, бир аршин яқинлашса, унга бир қулоч яқинлашгайман, Менга томон пиёда юриб келганга Мен югуриб пешвоз чиққайман”. Яна айтадики, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофирларгина ноумид бўлади. Мен кофир эмасман, мушрик эмасман, мунофиқ ҳам эмасман! Мен мўминман! Ҳа, хато қилган бўлишим мумкин, гуноҳларга қўл урган бўлишим мумкин, ботқоқларга ботган бўлишим мумкин, аммо мен мўминман! “Агар сиз гуноҳ қилмасангиз эди, Аллоҳ сизни ҳалок қилиб, ўрнингизга гуноҳ қилиб, ортидан тавба этувчи қуллар яратар эди”<sup>20</sup> дея мени умидлантирган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларига қулоқ тут. Унутма, мен мўминман! Ишонма энди шамолнинг енгил-елпи, ёлғон-яшиқ гапларига. Вақти келса, дунё инсонни қусиб чиқаради ичидан, шамолларнинг қўпол-қўрслиги ҳам инсонни сотиши мумкин. Мени очиқдан-очиқ исён ва инкорга чорловчи шамоллар, абадий дўзахга олиб борувчи охири вой бўлган шошқалоқликлар қутқарадими?..

Умидингни узма, мен мўминман! Мени ҳар бир оятда камситиб кўрсатган бераҳм шамол менга ўғит бера оладиган дўст бўлиши мумкинми? Исён машғалаларини ичингдан чиқариб ташла, дуоларингни кўкка йўналтир! Жойнамозингни ёй, эй ичим, ўтир оҳиста ва Роббингга арзиҳол қил. Сен

<sup>20</sup> Муслим, Тавба, 9, 10, 11.



ҳали гапирмай туриб, лоақал ўйламай туриб ҳам буни билиб турган Роббингга ичингни тўкиб сол. **Роббим, мен келдим** деб айт, дардларимни, зада бўлган жиҳатларимни олдим-да, тўғри келавердим деб айт. Жуда чарчадим, хуржунимни тўлдириб келавердим, лекин бу Сенга оғир келмаслигини ҳам биламан, деб айт. Мени бу ерда хафа қилишди, Роббим, бу ерларда умидларим адо бўлди, мана шу йўллардан ўтдим, аммо жуда афсусдаман, пушаймонман дегин.

Қара, ичингга баҳорлар қандай тўлишини кўр, деразаларингни қушларнинг овози тешиб ўтишини кўр. Йиқилияпман деган жойларда сени дуоларинг ушлаб қолади.

Умидсизликка тушма, эй ичим! Шу кунгача сени ёлғиз қолдирдимми? Балки, руҳимга кучли таъсир ўтказа олмагандирман, аммо умидингни йўқотма! Шу кунгача намозсиз қолдирдимми сени? Сен барибир умидсиз бўлма. **Ножоиз, ҳаром севгилар билан кирлатдимми сени, эй қалбим, сира умидсизликка тушма.** Ичкиликларга тўла дастурхонлар кўзимни сеҳрладими? Лекин сен умидингни йўқотма, эй кўзимнинг нури. Ҳаммасини янгидан бошлашинг учун қара, яна бир бор нафас олдим! Роббинг сенга яна бир бор тавба инъом этди. Сен мўминсан ва бу илтифотни қабул қилишинг керак, қани, бўл, яна бир бор нафас ол!

Ана кўрдингни, Роббинг сени Ўзига чорламоқда. Сендан воз кечмаганини айтмоқда, дард бердим келсин дея, мусибат бердим Мендан бошқа эшикларни қоқмасин дея



демоқда. Беҳабар деб, мени эшитмайди деб ўйлама! Сени энг кўп Роббинг эшитади, шунинг учун ҳам сени дунёга бериб қўйишни истамайди. Сени ҳам тушунаман, эй нафсим, дард, мусибат келмасин бошингга, аммо вафот этгач, жойинг жаннат бўлишини истайсан, тўғрими?

Қичқириб оламга жар солмоқчиман, Роббим мени севаркан дея, энг кўп Ўзи севаркан!.. Эй Роббим, мени дунёга ташлаб қўйма!

Ҳали Роббимнинг эшигидан қувилганим йўқ. Майли, одамлар эшикларини юзингга ёпсалар ёпсин, сен барча эшикларни очувчи Роббингнинг қулисан. Гуноҳкор бўлишинг мумкин, аммо ҳаргиз кечирилмас эканман деб ўйлама. Шунча дардлар, мусибатлар афв этилишинг учун эмасми? Кўзингдан оқадиган кўзёшларинг, қалбинг нафас олиши учун, ўпкангга тўлаётган нафас эса пок-ланишинг учундир.

Агар шу дардларим бўлмаса эди, бошимга бу мусибатлар тушмаса эди, мен ўзимни танмай қолардим, балки фиръавнга ўхшармидим. Ёдингда бўлса, фиръавннинг ҳатто боши ҳам оғримаган экан. Бу эса унга Роббисини топишига тўсқинлик қилган. Ўшанга ўхшаб, жасадинг музейларда ибратли кўргазма бўлишини хоҳлармидинг? Дардсиз, машаққатсиз, фиръавнлашган ҳаёт кечиришни истармидинг? Афв эт, Роббим, афв эт!.. Дард деб билганларим дармон экан, худди касал бўлганимда, шифо топганимдек.

Сенга дард юборганга бир қара, эй ичим, гапларинг дарҳол ўз ўрнини топади. Бир



подшоҳ томонидан олтин сандиқларда сенга совға сифатида юборилган олмани кўз олдингга келтир. Бу қандай улуғ неъмат! Подшоҳ сени танлагани ва махсус ҳадялар юборгани фахрланишингга сабаб бўлади, олмани тишлаганингда оғзингга қолган таъм ўзгача ғурур беради. Роббинг-чи, Роббинг? Сенга шу битта олмани юбориши учун бутун коинотни яратган Аллоҳ нима демоқда, ҳали ҳам эшитмайсанми?

Ҳеч ўйлаб кўрдингми, бир-бирига улаб чиқилса, Ер шарини икки ярим марта айланиб ўраб чиқишга етадиган узунликдаги қон томирларимиз, чалкашиб кетмай, адашмай ўз вазифасини бажаради, биз бемалол нафас оламиз. Бу мўъжиза бўлмай нима? Бу ҳам Роббимизнинг “Бўл!” деган буйруғи. Шундай муҳташам тартибни бошқараётган Роббинг ҳали ҳам умид бермоқда сенга, тавба қилиб, барини янгитдан бошлашингга бир сабаб яратмоқда. Сен ҳали ҳам буни кўрмасликка оласанми?..

Роббим, Сени жуда соғиндим! Тўзғиб ётган беқарор шамоллардан қочиб Сенга келдим, ичимнинг баҳорларини жуда соғинибман! Нима дедим, нима қилдим, билмадим, аммо ичимнинг зиндонларидан қочиб келдим, эй Роббим! Сенга қандай хиёнат қилдим-а, Роббим?! Сен ҳузурингдан қувиб юборган ўша бераҳмнинг сўзларини дўстлигимизга йўйибман... У гапирганда ҳамма жим туради, нега шундай? Мен бу инсонларни сира тушунолмадим, нега жим турадилар, агар билсам, ўша экан мени



ҳаммадан узоқлаштирган ҳам. Чуқурга тушишимни хоҳлар экан, ёнишимни истар экан. Дунёда ҳар бир изтиробни неъмат деб биламан, Роббим, дунёдаги ғам-аламдан тилка-тилка бўлишларимни ҳам неъмат деб биламан. Сен мени яна қулинг деб биласанми?! Мендан сира воз кечмадинг, қўларимдан тутдинг, сира қўйиб юбормадинг, Сен бўлмасанг, бу чуқурдан қандай чиқар эдим? Чуқурни яратган Зот унинг ичидагиларни билмайдими? Мен адашдим, Роббим, жуда қаттиқ адашдим! Бундан буён бўлиши керак бўлганлар билан бўлиб ўтганлар ўртасидаги фарқни “хайрлиси бўлсин”, “яхшиликка бўлсин” деган сўзлар билан тўлдиряпман, Аллоҳим. Ҳайқириш учун тоғларнинг чўққиси керак эмас экан, сира ҳожати йўқ экан. Жойнамоздаги шивирлашимни Арш ҳам эшитар экан, буни билмаган эканман, Роббим! Асл кўрлик шу экан. Жойнамозимнинг бир бурчагидан ҳузурҳаловатнинг ифори келади, бундай дийдордан маҳрум этма мени, эй Роббим! Маҳрум бўлганларни энди яхши биламан, кўзларим мошдек очилди, аммо Сен мени... тилим ҳам айланмай қолди айтишга, уяламан, тўғриси, нима бўлса ҳам Сен мени ёлғиз қолдирма, Аллоҳим, чунки нонкўрлик қилиб Сени яна унутиб қўйсам, мени чиройли тарзда Ўзингга буриб қўй, Аллоҳим!..

Жойнамозимда жимгина руҳим билан шивирлашмоқдаман, бутун вужудим, бутун зарраларим билан айтмоқдаман, Роббим, мени ҳам афв этади, сени ҳам...



Мен ўзимга келмоқчи бўлдим, борар  
йўлларим доим сенга олиб борди, Роббим!





## Хайрлиси бўлсин

Жар ёқасидаман.

Ўзим билан олиб келган нимаики бўлса елкалаганча, чангга буланган оёқларимни қояларга тираганча пастга қарайман. Юким анчайин оғир, тик туrolмайман, кучим қолмаган, ҳатто ернинг тортишиш кучига ҳам қарши чиқолмай қолдим. Жар ёқасидаман, бир одим ташласам, пастга қулайман. Кучли шамоллар эсмоқда. Бутун баданимни жунжиктиради, ҳар бир эсишида юзимга шапатилайди. Ҳайкалдек қотганча жар ёқасида туриб ўтмишимни, хаёлларимни, севганларим, юрагимдан қувиб солганларим, ўтмишдаги гуноҳлариму хатоларимни, келажагимни озми-кўпми кўриб тургандекман. Бошим ғовлаган, юрагим ҳорғин, руҳим булғанган. Ҳаммасига рози бўлиб йўлимда давом этишим ёки баридан воз кечишнинг остонасида турибман гўё. Зеҳним ва қалбим, тафаккурим ва ҳиссиётларимни илғашга ҳаракат қилар эканман, шамоллар мени жарга итармоқчи бўлади. Оғзимдан чиққан, қалбимдан ўтган ҳар бир сўз туфайли бу жарликлар мен учун ҳар жиҳатдан маъно касб эта бошлайди. Ўша онда ҳеч нарсани билолмаганимдек, бир қарорга келолмайман. Аммо бир қарорга келиш қийин бўлган, ҳис қилишдан кўрққан жойларимда ўзимда эканимни сезиб турибман.



### Жар ёқасидаман...

Тик қоялар остида кўпроқ оёқларимга жоним ачийди. Бу ҳолат менга янгидек туюлмаяпти. Қўл узатсам дейман, губорларни артиб, зангларини тозаласам, эгилган белимнинг букрилигини тўғрилармикин? Йўқ дея жавоб қилади шууримга ўрнашиб олган кўҳна бир овоз. Минғирлайди, миямда бир мушук ойнани тимдалаганда чиққан овозга ўхшаш овозлар чиқади. Ичим тимдаланади. Албатта, бу табиий ҳол, чунки йиллаб йиғилган юклар бир ҳамлада қалбимни ўйишим билан кўчиб қолмайди-ку! Бироз бошим айланди, бу кислороддан бўлмаса керак, жоним оғрияпти, олган ҳар бир нафасим ичимнинг астар-аврасини чиқариб юборяпти, сабаби шу бўлмаса керак. Магма<sup>21</sup>ларнинг жозибасига учиб, вулқонли тоққа худди қўрада кабоб пиширишга чиққандек, қўлларимни силкий-силкий чиқиб бораман. Лекин куйиб кул бўлгандекман, бахтиёрликдан кўкка парвоз қилишга шай турар эканман, рўпарамдан, бир учоқ келгану ўшанга урилгандекман, гўё митти бир балиқчаману чўлга ташлаб қўйилгандекман. Вулқонлар бошида қўрга айланган ҳовучларим, кўзёшларимни артишдан то-

<sup>21</sup> Магма (юнон. «магма» – куюк бўтқа) – таркиби, асосан, силикатдан иборат оташ-оловли суюқ масса, Ер пўсти ёки юқори мантияда вужудга келади ва совиганда магматик тоғ жинсларини ҳосил қилади. Камданкам ҳолда магматик эриган жинсларда силикат булмайди (мас, Шарқий Африка вулқонлари).



лиққан. Энг кўп ўзимга ачинаман. Энг кўп пушаймонликларимга... Ортимга қайтсам ва қўлларимдан маҳкам ушласам, яна энг кўп ўзимни ўзим назоратга олсам. Йиқилишимга йўл қўймасам, кўнглим синишига изн бермасам, энг кўп ўзим тутсам қўлларимдан. Букилган белимни ўзим тўғриласам. Сен эса жим бўлсанг, тиқ этган товушчалик ҳам ҳаракатинг бўлмаса миямда. Сен энди жим бўлсанг-да, мен ўзимни йиғиштириб олсам, йўлга солиб олсам. Мени тинглаётган сен-мидинг? Сенмидинг мени ўзимга шунчалик бегоналаштирган? Бу мен бўлишим мумкин эмас, мен бўлмаслигим керак, бир юракни овутишда ўзини шунчалик йўқотиб қўйган, шу ёшга келиб, қалби бир кечада покла-ниб қолган мен бўлмасам керак. Қанчалар бегонасан менга, худди ичимдан бошқа би-ров чиқиб келадигандек тикилиб турибсан рўпарамда. Жарликнинг бир томонига сени қўймоқчиман, сендан ҳисоб сўрамоқчиман. Ақлингни сўроққа тутиш, юрагингни ўйиб олиб, қўлингга тутқазиб кетмоқчиман. Бир тепки билан сени шу жардан улоқтирсам, пастга тепиб юборсам-да, кафанга сиғадиган ёшда экансан, кўз юмиб очгунча сени сафарга кузатиб қолсам ичимдан. Сочла-ри, уст-боши тўзғиган, юзидаги муз қотган ифодалар билан менга қарар экансан, ўзим-ни янада ёмон кўриб кетаман. Шунча овора қилиб судрашингга арзирмиди дегим кела-ди. Ҳолбуки, сен менга жуда ортиқчасан... Шу дунёда жуда ортиқчасан...



## Жар ёқасидаман...

Йиқилишлар ва хаёлларнинг шовқин-суронидан ҳақиқатан ҳам бир умидсизлик, бир сароб пайдо бўлиб, офир ботяпти ичимга. Ҳар тарафим кесилган. Шунчалик жон ачитишнинг нима кераги бор эди дейман, кўзларини бир дақиқа бўлсин мендан узмай қараб турган ўзимга. Ортимга ўгирилиб пастга қарайман, анча узоқдаман ўзим яшаб турган шу дунёдан. Кўпроқ сендан... Кўз олдим қорайиб, худди кўришни истамётгандек юмилади кўзларим. Орқамдан келиб қучоқлайдиган бир қўлни кутаман, балки, бари ўтиб кетди дейдиган, тасалли берадиган қўлни кутаман. Бўлди-бўлди, сал галатироқ, қўрқинчлироқ бўлди, буни ўзим ҳам тан оламан. Ҳар ҳолда ўзимни ойналарнинг энг яхши дўсти деб ўйладим, шекилли, мен йиғлаганимда кулмайдиган ойналар... Ҳа энди, мен йиғлар эканман, кула-кула қотиб қолгандек бир товуш кутаман. Ақлдан озьяпманми дейман! Йўқ-йўқ, сен бу ишга аралашма. Чунки инсон охирини ўйламай бир одимда кетаверади, ортда қолганларни ўйламай, катта-катта қадамлар билан кетаверади. Рангинг, шаклинг ва киприкларингнинг сони қанча бўлишидан қатъи назар, бир одим етади аслида. Кўзларимнинг нури қаерларда сўнди, билмайман. Илк кўзёшларимни қаерларда оқизгандим? Жавобинг борми мени судраган ўша одимларга? Борми



мени бу ерлардан олиб кетиб, сиғдирадиган бирон-бир жойинг? Гапирсанг-чи, жуда бахтиёр эдинг-ку, ҳамма иш ўз йўлида эди-ку, доим шундай давом этарди-ку, қани, қани...

Ҳаёт деб аталмиш каттакон кўчада ёқилгим тугади, уловим бузилди, оёқ кийимларим йиртилиб кетгандек ҳайрон бўлиб турибман. Ёнимдан машиналар шувиллаб ўтади, ана тўқнашади, мана келиб солади... Шу жойларда ҳушимни йўқотсам керак ҳозир. Ҳатто йўл ҳам кўтармаётганди мени, шу улкан дунёга сиғмаётгандим. Сиғмасдим, одим отган сари гўё йўл ҳам қабараётгандек, осмон билан ер ўртасида сиқилиб қолаётгандек эдим. Мен эзилган сари эзилар эканман, шу атрофда беорларча қараб турган бир нарса бордек эди, ичимдан, ўзимдан бир парча... Мендан эди, аммо энг кўп ўзимга зиёни теккан жиҳатим эди у. Инсон қаршисига бекордан-бекорга тўсиқлар чиқмас экан, буни мовий осмон орасига сиқилиб қолганимда тушуниб етдим.





*Жар ёқасидаман...*

Хузур-ҳаловат излайман, балки, кимдир шу рўпарадаги соҳиллардан овоз берар менга. Баъзан жуда кўпайиб кетади баъзанларимиз ва инсон аввал танимаган бировга соатлаб ҳаммасини айтиб бергиси келади. Йўқ, сени ёнимда кўришни истамайман, мендан узоқроқ туришинг керак энди бу ҳаётда. Бу истак мен сени танимаганимданми ёки сен мени танимаганингданми, билмадим. Фақат гапиришни истайман, бироз жим бўлишни ҳам. Баъзи нарсаларни жим бўлмай туриб тушунтириб бўлмайди. Юрак қанчалик задаланса ҳам, уни Соҳибига ҳавола қилишнинг ўз йўл-йўриқлари мавжуд.

Аллоҳим, дунёда яшаб туриб Сени топа олмаслик қандай ғофиллик!..

*Жар ёқасидаман...*

Қаршимдаги қоятошлар орасидан бир варрак учиб чиқди. Бир болакайни кўрдим, қўлида қизил варракнинг ипи, чошиб келмоқда. Шўх кулгилари қулоғимга чалинди, ичимга баҳор кирмоқда. Қичқириқлари тошдан-тошга аксланиб, кафтимга келиб қўнди гўё. Хушхабар олиб келгандек рўпарамда таққа тўхтади, қўлида варраги. Кўзларим тўлди шу он, мен сира учира олманман варрак, эс-эс биламан, менинг сира



варрагим бўлмаган. Майли дейман, барибир унинг кулгилари етади менга. Бир сас эшитилади, битта сўздан иборат овоз, “Ўтиб кетади!” Турган жойимда карахт бўлганча қараб қоламан. Бир муддат ўзимни машина фарасини кўриб, шошиб қолган қуёндек ҳис этаман. Тўғри эшитдимми, ўтиб кетади дедими? Ўгирилиб қарашга қўрқаман, шу билан бирга бу овоз эгаси кимлигини билишга жуда ошиқаман. Шууримда яна такрорланади, “Ўтиб кетади!” – бу таниш сўз бу сафар жуда яқиндан эшитилди. Мен ва менинг осий томонимга қўшилган учинчи бир киши эмас бу овоз. Сезиб турибман, икки кишимиз, у шундай овозки, ўзидан кетиб қолган ёнимни бу ерлардан ҳайдаб юборадигандек. Бу кучли овоз кимга тегишли? Кимга оид мен қилолмаган ишни эплаган бу журъат? Ҳа дейман, сўнгги бор кучимни йиғиб ўгирилмоқчи бўламан, йўқ ўша куч, боқолмайман. Кино тасмаси деб шунга айтсалар керак, мени чўктирган кечалар, овутувчи қўллар, мен қўлим билан итарган ҳақиқиятлар, томоғимдан силлиқ ўтган ҳаром луқмалар аралаш-қуралаш бўлиб кўз ўнгимдан ўтади. Ўтади-ю, кетмайди. Ичим зил кетади, ҳатто ўзимни ҳам кўришни истамаслигим ичимни кемиради. Пастга қарайман, оқаётган шўх сувларга, майин саболарга бир одим ташласам, ўзимни шамоллар ихтиёрига берсам дейман. Уча олганимча учсам мовий осмонларда, қўлларимни очиб, юзларимга урилаётган насимларда чуқур нафас олсам. Кўз ўнгимдан бир



сония ичида ерга урилишим ўтади, баданим ўша матога сиғади, руҳим албатта жим туради, аммо кейин-чи? Сесканиб кетаман ва кўзларимни очаман, яна бир сўз эшитилади ногаҳон: “Қани!” Ичимдан бир журъат излайман, балки дейман, балки...

Турган жойимда чуқур нафас оламан, то ич-ичимга кириб борганини ҳис қилгач ортимга ўгириламан. Бу овоз, бу кўзлар, бу варрак... Айтмоқчи, тошдан-тошга сакраб ичимга кирган ўша кулгилар менинг болалигимми? Шу онда жар ёқасида туриб, қўлида қизил варраги билан менга қараганча ҳаммаси ўтиб кетади демоқдами? Сал шубҳага бораман, сакраганмидим, жарга йиқилганмидим, ҳаммаси ҳақиқатмиди? Бироз аввал аччиқ аламлар билан қараганимдек, яна бир бор пастга назар соламан, ҳеч ким йўқ, энг муҳими, мен йўқман. Босиб турган тупроқларимга қайтаман такрор, оёқларим кўринади кўзимга ва бу болалигимнинг оёқлари бўлади. Пойабзали жуда тоза, кўзлари эса кулиб туради. Чопиб бориб қучиб олгим келади, турган жойимга чўкиб, овозимнинг борича йиғлай бошлайман. Баъзан бошимда қўлчаларини сезаман, кўзёшларимни артаётган жимитдек, аммо кучли қўлчаларни...

Бир зумда осмонларга боқади нигоҳларим, чексиз бу мовийлик кўзларимдаги ёшларни музга айлантиради. Кейин эса ичимда қандайдир ҳис пайдо бўлади, атайин ўтмишда бўлиб ўтганларга, бугуннинг тушунарсизликларига қарши... Ичимда нималардир ўз-



гармоқда. Биргина сўз ҳамма нарсани батамом ўзгартириб юбормоқда...

“Хайрлиси бўлсин” дейман ўз-ўзимга. Нима бўлса ҳам яхшиликка бўлсин дейман. Биргина сўз билан ўтмишимга ҳукм ўтказишга, келажагимни фатҳ этишга қарор қилган эканман, “Хайрлиси бўлсин” дейман. Чўкиб қолган жойимдан қаддимни ростлайман, ёлғизлигим бир онда гавжум даврага айланади. Ортимдаги бепоён яшилликлардан овозлар юксалади, янада эътибор билан тинглайман. Ўт-ўланлар, дарахтлар, булутлар, осмонлар, тошлар, тупроқлар, бутун ҳайвонлар бир бўлиб ҳайқирмоқда, “Аллоҳу Акбар!”, “Аллоҳу Акбар!”, “Аллоҳу Акбар!..”

Нафасим қисиб, уним чиқмай қолади. Хайр излаган шу жар ёқасига разм соламан, кейин бор кучи билан бақираётган ўтга. Эй Аллоҳим, мен шу ўтчалик бўлолмаган қуллигимдан уяламан! Изтиробларим мени қандай ҳиссиётсиз қилиб қўйганидан уяламан, ҳузурингда эгилмаган бошим мени тик тутиб, осмонлар ўртасида қисилтириб қўйганини ҳам тушуниб турибман. Сендан ўзга ёр топмасам эди, бу жарликларда чиримасдим. Сендан ўзга боғларда сомонлар билан овора бўлмасам эди, одимларим мени бунчалик чарчатмаган бўларди. Энди эса Сендан узоқлашган ҳар бир дақиқамнинг охирида турибман...



*Жар ёқасидаман...*

Сенинг исминг эшитсам, чарчоқларим тар-  
қаб кетади. Мен ўзимга келмоқчи бўлдим,  
йўллар фақат Сенга олиб борди, Аллоҳим.  
Софинган нарсам ёлғончи қўллар, алдамчи  
дўстлар эмас экан энди билсам. Бу нафас-  
ни қайта-қайта олмоқчиман ичимга. Оёғим  
остидаги тупроқдан узр сўрамоқчиман, мен  
Сендан кечирим сўрамоқчиман, Аллоҳим!  
Тупроқнинг ҳайқириб Сени зикр қилганла-  
рини эшитганимда, қаерга босишни билмай  
қоламан, оёқ босишга ҳам хижолат бўламан,  
Аллоҳим. Ер билан осмоннинг зикри бир-  
лашса борми, оёқларим ости титрайди, Сен  
томон чошиб бориш истаги пайдо бўлади. Се-  
нинг йўлингда ўт-ўлан бўлишни истайман.  
Менга қуллимни эслатиб турувчи зикрла-  
ринга шу заминда, шу яшилликларда жўр  
бўлишни истайман. Кўзларим, қулоқларим-  
ни фақат Сени ёд этиш учун ишлатишни ис-  
тайман. Туни билан пушаймонликларимни  
Сенга арзиҳол қилишни, битмас-туганмас  
изтиробларим, қайғуларимда мени қучоқла-  
шингни ҳис қилганим сари янада кўпроқ  
изтироб чекишни истайман. Узоқ-узоқлар-  
дан келиб, дунёга янгидан қадам ранжида  
қилмоқдаман, “Бисмиллоҳ” дея бутун кирли  
ёнларимни сочиб юбормоқдаман ва беш вақт  
ҳузурингда покланиш учун келмоқдаман.  
Оқар сувларнинг зикрида Сен ҳақингда гап-  
лашиш учун таҳорат сари қадам ташлайман,



мен учун масжид қилиб қўйганинг шу улкан коинотда Сенга ҳайқириш учун очмоқдаман оғзимни.

“Хайрлиси бўлсин” дейман, “Яхшиликка бўлсин” дейман ва ғуборлардан фориф бўлман.

“Хайрлиси бўлсин” дейман ва мен оёқ бошишга уялиб турган тупроқ мени қучоқлаши билан Сенга сажда қилмоқдаман, Аллоҳим. Бошимни қўлларим орасига олиб, бу сафар ҳузур-ҳаловат ила Сени ҳис қилмоқдаман, йиқилишларим эса бу сафар фақат Сенга эгилганимдан, оёқларим негадир бу гал ўрнидан туриш учун шошилмаяпти. Тупроқни ҳидлайман, ҳар бир заррасининг мундарижасини чиқарадигандек тортаман ичимга. Қорилган хамиримизнинг мазасини сезяпман.

Сал аввал қармоққа тушган майда балиқ мисоли изтиробда типирчилаган ҳолатимга қараб, “Алҳамдулиллоҳ” дейман, агар доим ёлғонлар билан ўралашиб қолсам эди, бор ҳақиқатларни саробдан, ювилиб кетувчи бўёқдан иборат деб билмас эдим... Тан оламан, майда балиқ ўз номи билан майда, аммо унинг сулоласи улкан, тўдаси катта, худди шунга ўхшаб, менинг ҳам кичик-кичик гуноҳларим йиғилиб, улкан аламлар келтирган эди. Эй Тангрим! Ҳар бир одимимда биттадан мусибат юбориб мени ҳимоя қилибсан, мен сени ёдга олмасам-да, Сен мени барибир унутмабсан. Сенга қул бўлиш шарафига эришган чоғим ичим ҳузурга тўлди, энди қайси ёт қўллар менга етиша оларди?..



*Энди Сенинг ҳузурингдаман.*

Ҳамма ҳам хато қилиши мумкин экан. Ҳаёт деб аталмиш катта йўлда ёқилғим ту-габ, машинаминг филдираги ёрилган, пой-абзалларим ҳам йиртилгандек ҳис қилдим, турган жойимда шундай қолсин дейман ва ёқилғи, филдирак ва пойабзал муаммосини ҳам бир четга суриб қўяман, чунки менинг ўз оёқларим бор ҳали ҳам.

Бор кучим билан Сен томон чопаман, Аллоҳим. Кўриш эмас, англашда экан ҳам-ма гап. Нимани буюрган бўлсанг, мутлақо бир ҳикмати бор экан.

Бир пайтлар мени хафа қилган нарсалар-га ҳозир алҳамдулиллоҳ демоқдаман. Ҳар бир нафасимни ўзимдан воз кечиб, янгидан мен бўлиш учун Сенга борадиган кунларим-нинг хаёли билан олмоқдаман. Сўнги нафа-симни бегона қўлларда, сохта дўстларнинг елкасида берганимдами, Сенинг ҳузурингга қайси юз билан чиқардим, Аллоҳим?..

Яхшиямки кўзимни очадиган мусибатлар-ни, изтиробларни йўлимдан чиқариб қўйиб-сан, Роббим, яхшиямки тунларим мени шу қояларга олиб келгани ва яхшиямки Се-нинг номинг зикр этилувчи шу тоғу тошлар, ўт-ўланлар, тупроқлар билан танишганим.





*Энди Сенинг ҳузурингдаман.*

Тузалмас деб ўйлаган яраларим бор эди, тўхтади деб ўйланган нафас олишларим. Бари битта исм билан тузалар экан, ҳаммаси юракдан чиқадиган Аллоҳ деган нидога ўзини урар экан. Мени қаерга яширган бўлсанг, топиб оладиган ҳеч ким йўқ, Аллоҳим. Қанчалик камчилигимиз бўлса ҳам, Сенинг марҳаматинг барчамизни янгидан тўғрилаб қўяркан. Дунёнинг юки елкамдан қулагач шундай енгил бўлиб қолдимки, қушдек уча оламан гўё. Булутлар эса янада чиройли сузади кўкда. Қуёшнинг ботиши эса янада иссиқроқ туюлади. Бир мартаба “Мен келдим остонанга, Роббим!” дейиш етар экан, Сен ҳеч кимни эшигингдан ҳайдамас, ранжитмас экансан. Бу ҳузур эшигига шунчаки қўли бўш ҳолатда ҳам келинмас экан, юк келтирилиши керак экан, кўп-кўп кўз ёшлари, сон-саноқсиз гуноҳлар, бироз адо бўлиш, бироз хароблик... Бўш қўл билан келинмас экан бу даргоҳга, хуржун офир бўлсинки, бел букилсин. Белинг букилсин ва барини шу ернинг ўзида қолдир. Кейин тўхтамай чоп, топ-тоза, пок оёқлар билан чоп!





*Энди Сенинг ҳузурингдаман.*

Қачонки қоқилсам ёки шу жарга тепкилансам, Сен доимо қўлимдан тутгансан, буни энди-энди тушуниб еттиман Аллоҳим! Ҳаром қўллар сари чопар эканман, оёғим қоқилган тош ёки ножоиз суҳбатларнинг ўртасида кутилмаганда томоққа кетиб қолган сув... Буларнинг бари "Қулим, сени ташлаб қўйганим йўқ" дейишинг экан. Кеч тушуниб етдим, аммо тавбалар билан келдим эшигингга, кўзёшларимни Сенинг борлигингни билмасдан ғафлатда юрган кезларга сарфлаш учун келдим. Келиш туйғусини берган экансан, демак, тақиллатишим керак бўлган эшиклар аллақачон очиб қўйилган. Шу қўлларни берган экансан, дуо қилиб, Сенга узатишим учундир, эй Роббим.

*Энди Сенинг ҳузурингдаман.*

Сен истаган нарсагина насиб қиларкан, тақдирим битилаётганда менинг пайимга туширганларинг насибам экан. Ҳамма нарса Сен истасангина бўларкан, фақат Сенинг буйруғинг билангина бошлар эгилар экан, фақат Сенинг амрларинг туфайлигина ҳаромлардан сақланиш мумкин экан, фақат Сенинг изнинг ила маъсиятлардан ҳимояланиш, ҳижобланиш мумкин экан ва фақат Сен экансан, Аллоҳим, мен учун энг хайрлисини



истовчи. Фафлатда бўлсам ҳам, гуноҳларга ботган бўлсам ҳам, ризқимни қирқмадинг, фақатгина Сенгина эвазсиз сева олдинг мени, фақат Сенгина қулим, қулим дея марҳамат қилдинг. Афв эт, Аллоҳим, Сени норози қилган, ранжитган бўлсам, афв эт! Афв эт, тақдиримга битилган нозик сирларни, ҳикматларни тушуна олмаган эканман. Афв эт!

Аллоҳим, ҳар ниятимда Сенга муҳтожман, қўлларимдан тутмасанг агар, бир пиёла сувни ҳам ича олмайман, оёқларимдан тутмасанг, бир қадам ҳам юра олмайман. Ҳаромларга туртина-суртина қалбимга муқобил бир юрак излашим беҳуда экан, Сен “Бўл!” десанг, боши берк кўчалар ҳам очилиб кетар экан. Сен ато этган бош билан бу баданимни Сенга эгсам, тақдиримдаги ишлар бирма-бир изга тушар экан. Имконсиз деган нарсанинг ўзи йўқ экан, доим бирон-бир чораси бўлар экан муаммоларнинг. Аллоҳим, ёлғизлик йўқ экан, қаерда гаплашсам гаплашай, қаерда жим бўлсам бўлай, Сен мени эшитар экансан. Қалбимга соладиган ҳалол ишқларинг ҳам бор экан, мен эса йўл адоғини кўра олмайдиган кўзларим билан йўқ деб ўйлабман. Охиратда Сенинг изнинг ила мен эргашадиган Пайғамбар мажлиси турганда, мен ўзга дўст излабман. Сен инъом этган сон-саноқсиз неъматлар турганда, мен ошқозонимни доимо шиддатли жазоларга тўлдирибман. Пок ҳузурингга ифлос чиқиндихоналардан, ботқоқлардан чиқиб борсам ҳам, мени шу аҳволда қабул қилдинг-ку, энди ҳайдалсам ҳам кетмайман. Эй Роббим,



зеро, Сен даргоҳингдан сира қувмас, рад этиб ҳайдамас экансан.

Аллоҳим, мени ишқинг ила ёндир, куйдириб кул қил, шундай ёнайки, ўлимимни ишқимнинг номи деб бил, ўлимимни Ўзингга қовушиш айла! Тажалли этишинг шундай бир иффатга буркасинки, қалбим хато хаёлда бўлса ҳам кирланмасин.

### *Энди Сенинг ҳузурингданман.*

Гулларнинг зикри ила ҳамоҳанг бўлар эканман, ичимдан бир варрак кўтарилди осмонга. Бир лаҳза ер ва осмон менинг овозимни тинглаётгандек жим бўлиб қолди. Имконсизлар ичидаги имконларга, хайрларга кулимсираб қарайман. Ҳаётимнинг орқа томонида эшитилаётган мусиқа садолари Қуръони карим оҳангига, яъни Сенинг сўзларингга алмашади, Аллоҳим. Руҳимнинг озуқасини тотиб кўраман, таъмини сезган сари очиқавераман, очиққан сари эса маҳкам тутаман, воз кечмайман. Рўпарамда турган кўҳна ойнага худди илк бора қараётгандек қараб, ўзимни кўраман. Менга берилган бу кўзларга, қўл-оёқларга, нигоҳларимга ва бармоқларимга қарайман. Фақат менга лойиқ кўрганинг хусусиятларимга назар соламан. Сен учун махсусман, Аллоҳим ва буни ҳис қила олмоқдаман энди. Кўзгудан бир юз кўчиб ўтади шууримга, ўтмишимдан бир тутам қолиб кетган бир юз... Ўшанга қараб, ичимда нимаики бўлса, тўкиб солмоқдаман.



Биламан, ҳар бир зарбада маъсум қалбингни тобора яширишга уриндинг, янада кўпроқ изтироб чекмасин дея. Ҳеч ким кўрмасин дея атрофингни доим деворлар билан тўсдинг ва тўсган деворларинг ортига кўмилган сари кўмилдинг, оломон ичида ҳам ёлғиз қолдинг гўё.

Биламан, севдинг, аммо севилмадинг ва янада яширинишга уриндинг қалбинг билан, яна, яна... Оилангга бормоқчи бўлдинг, лекин қалбингга уларнинг ҳам қўллари ва тиллари ета олмади. Янада ичингга яшириндинг, тобора қобитингга ўралдинг ва биргина эшитган нарсанг ёлғизлик бўлди.

Дўстларимга борай-чи, балки, ечим ўшалардадир деддинг, аммо уларнинг хуржунларида сенинг изтиробларинг йўқ эди, яраларингга малҳам бўлолмадилар ва қонагандан қонади яраларинг. Бундан баттар бўлмасин дея қалбинг атрофига қалъалар қурдинг яна ва яна... Қанчадир вақт ўтгач, ўша қалъаларнинг дарвозасидан термилганча қотиб қолдинг, чунки энди ўзинг ҳам киролмайдиган бўлдинг ўзингга. Энди ўзинг эмасдинг, чунки яна бир марта тешилса қалъа деворларинг, Константинопол бўлур эди қалбингдаги Истанбулинг.

Ҳа, қалбинг Истанбул, аммо ичида Фотиҳ йўқ, ёлғиз у. Қалбингдаги қалъа деворларига бир сўз ёздим – ёлғизлик...

Ёлғизлик тополмаган севгингни доим бошқа эшиклардан излашга ўхшайди. Нима қилсанг қил, уни бу дунёда топа олмаслигингни биласан, аммо барибир бир бор синаб



кўришдан, бир бор уриниб кўришдан сира воз кечмайсан. Ёлғизликнинг бўшлиғини бошқа нарсалар билан тўлдиришга ҳаракат қиласан. Ёлғизлик бир ҳаводан нафас ола туриб ёнма-ён бўлолмасликка ўхшайди ва ҳар бир нафаси ичингни куйдиради.

Биламан... Эски курсининг гичирлашига ўхшайди ёлғизлик, бир ўзинг қолганингда Аллоҳга яқинлашишинг учун Роббинг сени ҳамма нарсдан узоқлаштираётганини бир ўйла. Биламан, ҳамма ҳам бир нималар дейиши мумкин, аммо сен гапира олмайсан. Чунки сен ёлғизсан.

Кечалар аёз бўлади, исиниш учун қуёшни кутишинг керак. Лекин қоронғиликка кўникиб қолган жиҳатинг ҳам бор албатта, шунинг учун ёнингга қуёш келса ҳам сезмайсан уни. Аёзли хаёлларга ўраниб исинишда давом этасан, чунки ёлғизсан. Ой парчасига айланган кўзёшларинг ҳам юзингдаги деворлардан узоқлашади, яна ва яна... Чарчоқни суяк-суягинггача ҳис этасан ва қарор қиласан ўзингга ўзинг – “Бўлди энди!”

Ҳаммаси шу ергача экан. Битта кутган нарсам бор, у ҳам бўлса ўлим ва бу ҳам жуда совуқ туюлади менга. Ажал тобора ўраб боради ёлғиз қолган руҳингни. Барча эшиклар тақа-тақ ёпилганда ҳам хаёлларга шўнғий оласан. Шу пайт болалигингда, бувингнинг қучоғида ўйнаб ўтирганингда, қулоғига кириб қолар дея ўқиган ояти келади хаёлингга. “(Эй Муҳаммад), Парвардигорингиз сизни тарк этгани ҳам йўқ, ёмон



кўриб қолгани ҳам йўқдир”<sup>22</sup> Бирданига кузларинг яшара бошлайди. Ой ботиб, ўрнини қуёшга қолдиради. Қалбингда эса коинот билан бир хил зикрлар, “Уни йўқотган нимани топарди ва Уни топган нимани ҳам йўқотарди”. Шунда ақлингга Пайғамбаринг келади. Ёлғизлик ёмон нарса бўлса эди, ул зотнинг ёлғиз дамлари бўлармиди ҳеч? Шуни билки, қачон ёлғиз қолсанг, Аллоҳ бутун эътиборингни Ўзига қаратишингни хоҳлайди. Шунинг учун бутун ағёр атрофидан даф бўлганини идрок этишинг керак. Агар билсанг, сенга ҳар доим ошиқлар ёзганидек мактуб юбориб турган. Кўзёшларингни ўзгаларга кўрсатма, Мени топ, сенинг ўрнингга булутларни йиғлатай деган. Ўша ярадор қалбинг билан ҳеч кимга яқин йўлама, Мени топ, ҳар бир заррангга шифо бераман деган. Мени топ, бошқа томонларга оғишма, қулим деган. Сенга шоҳтомирларингдан ҳам яқин бўлган Мен турганда, томирларингда ҳаром севгилар нега оқсин деган. Ёноқларингда қуёш нуруни акс эттирувчи томчилар билан ёлғизликда қатъий туришинг янглишларда, хатоларда қатъий туришингдан авло эканини тушуниб етгандирсан? Охирги сўзини айтади қалъа деворларидан озод бўлган юрагинг, Оламлар Роббисига сиғинасан ва ҳамма сени жим турибди-ку деб ўйлайди. Тушуняпсан, шундайми? Ҳа, тушуняпсан!..

---

<sup>22</sup> “Зуҳо” сураси 3-оят.



*Энди Сенинг ҳузурингдаман.*

Эй Роббим, биргина саломингга талабгорман, биргина саломингга. Ваъдангга, йўлингга талабгорман. Бошқа нарсаларнинг аҳамияти йўқ, Сен бўлсанг, инсон бошқа нимани ҳам излаши мумкин? Бир томонда уммон қадар сув турганда, ким ҳам бир пиёла сувга қонарди?

Ҳамма нарсанинг манбаси ўша Бирда экан, Унинг изни ила ўзимни мен дея олар эканман, бу ёрни, бу жонни найлайн?

Ўлгунимча йиғлашни истайман, ўлгунча кўзёшларим билан покланишни истайман. Тилимдан қалбимга ўтказаман “Хайрлиси бўлсин” деган ниadolаримни ва ўша “Хайрлиси бўлсин” орқали Сенга ёпишаман, Сенга тутинаман. Ҳеч қачон кулмасам ҳам майли, бошимни бир елкага қўймасам ҳам майли, менга омонат қилиб берган нарсаларнинг ҳеч бири бўлмаса ҳам майли, агар охирида Сенга қовушиш бўлса, агар охирида Сенинг саломинг бўлса, агар охирида қулим десанг...

Бўлиши мумкин, Аллоҳим, бу ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, Сен амр қилсанг бас, Сен истасанг етарли! Қурбон бўлсин бу жоним...

“Хайрлиси бўлсин” деган бу ёзув сенинг хайрли кунингда етиб борган бўлса, илтимос, бошингни кўтар ва осмонга боқ. Сен учун хайрлар билан безатилган осмон бир гап айтади.



Агар хайрли бир карвонга талабгор бўлсанг, ўша карвон сен учун ҳам ош бўлади, ҳам эш бўлади ҳамда қўриқловчи тоғ бўлади,

Ниятинг хайрли бўлса, ўша йўлларни сенга йўлдош айлаган Роббингдир.

Таваккул қилиб сабр-ла кутган бўлсанг агар, тоғ-тошлару қир-адирлардан ошиб келувчилар ҳам бўлади.


Бўлар ишларнинг бари бўлади ва пешонангга ёзилганидан қочиб бўлмайди,

Сен тўхтамай ўқдек уч, ортда қолган камонлар уялсин.

Сен чашмаларга ранг киритган сув бўл, сен безаги бўл хайрли вақтлардаги суҳбатларнинг.

Сафарларингда хайрлар бўлсин.

Ўтмишимга ҳукм ўқиш ва келажагимни фатҳ этишга қарор қилар эканман, “Хайрлиси бўлсин” дейман..





**Г**охида яшаш учун эмас,  
ўлолмаганимиз учун яшаб  
юрганимиз хакида ўйлаб қоламан.  
Буни ошкора айта олмасак-да, кун  
давомида қиладиган ишларимиз рўйхати  
билдириб қўяди. Шу ўлимли дунёда  
урвоқчалик ахамияти бўлмаган  
масалаларга ўлимдан ҳам муҳимроқ  
масаладек эътибор қаратамиз.

Вақти келса, “хайрлиси”, “яхшиликка  
бўлсин” деган сўзларни эҳтимол қунт  
билан шугуллансак, ҳаётимизни тубдан  
ўзгартириб юборадиган жиддий  
масалалардан ўзимизни олиб қочиш учун  
ишлатамиз.

Бироқ энди ҳар гал “хайрлиси”  
деганингизда, кўпроқ нарсани  
тушунтирадиган бўласиз.

Қачон “хайрлиси” десангиз, “Менинг  
бир маслагим, гоям бор” деб айтасиз.  
Назардан соқит қилишни эмас, ҳақиқатни  
излашни истаб қоласиз.

“Хайрлиси” деганингизда ҳеч ким  
кўрмаса ҳам, эшитмаса ҳам, У кўриб  
турганини ва эштаётганини ҳис қиласиз.

ISBN 978-9943-8203-8-8



9 789943 820388



**misbahkitoblar**

**www.misbahkitoblar.uz**